

ЖИМ РОН

# АКЛ ВИТАМИНЛАРИ

Муваффақиятга  
эришиш  
йүллари

Бой ва бахтли  
бўлиш сирлари

Шахс сифатида  
ўсиш усувлари



**УДК: 821.512.133.3**

**ББК: 84(5Х)70-14**

**Рон, Жим.**

**НОЧ МИЖ**

Ақп өйтаминлари: Ж.Рон; тарж. С. Азамова. - Тошкент: «Adabiyot uchqunlari», 2016, -132 б.

**ББК: 84(5Х)70-14**

Бу китоб ҳар қандай компания, фирма ва ташкилотларнинг бизнесмен ва раҳбарлари учун мўлжалланган. Мазкур қўлланма бизнесмен учун қизиқарли, шунингдек, эндиғина тадбиркорликни режалаштираётган инсонларга ҳам керакли ҳисобланади.

Америкалик машҳур бизнес-файласуф, чет эл бестселлери Жим Рон маслаҳатлари кичик, якка тартибдаги ишлаб чиқаришдан тортиб, то улкан масштабдаги транснаёионал корпораёия раҳбарларигача жуда зарурдир. Бу кўрсатмалар умумий бўлгани учун ундан нафасат тадбиркорлар, балки оддий кишилар ҳам ўзлариги керакли ҳаётий сабоқни олишлари кўзда тутилган.

**Таржимон:**

**Соҳиба Азамова**

**Нашрга тайёрловчи:**

**Акмал Нажмиддинов**

**ISBN 978-9943-987-01-2**

© «Adabiyot uchqunlari»  
нашриёти, Тошкент, 2016

## КИРИШ

Жим Рон Американинг бизнес соҳасидаги буюк файзсузуфидир. Унинг карьеरаси 40 йилдан бўён давом этиб, ср юзи бўйича 3 миллиондан ортиқ инсонларни ҳаётига кириб борди. У узоқ йиллардан бўён замонамизнинг энг обрў-эътиборли мутафаккири сифатида тан олинган. Жим Рон, шунингдек, инсонларга шундек сифатида ривожланишга ёрдам берадиган психологияк, замондошларимизни илҳомлантирган ва руҳийтирган беназир устозидир.

Сиз қўлингизда унинг китобини ушлаб турибсиз. Улар қисқа суҳбатлар кўринишида берилган. Ҳар бир суҳбат ҳаётнинг аниқ бир томонига назар ташлаш билан ифодаланади. Бу ерда баҳт тушунчаси, фарзандларга ви шуларнинг барчасини уйғунлаштириш йўллари муддакама қилинади.

Китоб саҳифаларини ўқиб, борган сари сиз "Тез-тез бериладиган саволлар" сарлавҳали бўлимларга дуч келасиз. Бу саволлар муаллиф номига келган саволлардир. Албатта, уларнинг ҳаммасини келтиришнинг иложи йўқ. Шунинг учун саволлар ичидан энг муҳимлари, энг қизиқарлилари ва ҳозир актуал ҳисобланганлари Жим Рон томонидан танлаб олинган.

"Мен сизларга соғлом ҳаёт тарзи, баҳт ва бойлик, ўшигизга совға қилишингиз мумкин бўлган сабр-тоқат, соғ фикрга эга бўлиш, бой билим, ўз куч-қудратинингизни ишонч, орзу қилиш ва унга эргашиб, унинг мукофотидан завқланишингизни тилайман. Сиз шунга лойинқиз!" дейди Жим Рон.

## ХАЁТИМНИ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРГАН КУН

Эндиғина 25 ёшга тұлғанимда мен Эрл Шоафф деган бир инсон билан учрашдым. Мен у пайтда бу учрашув ҳаётимни шунчалик ўзгартыриб юборишини хаёлимга ҳам келтирмаган здим. Менинг ҳаётим күпчилик инсонлардек, бирор-бир катта ютуққа эришмаган ва муваффақият баҳтини сезмаган ҳолда, бир маромда ўтиб борарди.

Мен унчалик катта бўлмаган бир фермер оиласида туғилиб ўсдим. Уйдан чиқиб кетганимда ўз баҳтимни ҳар бир америкалик орзу қиласидиган даражада топиб олишимга ишонганман. Шу ишонч уйни тарк этишимга сабаб бўлган.

Лекин ҳақиқат мен кутгандек бўлиб чиқмади. Ўрта мактабни тутаттандан сўнг мен дарҳол коллежга ўқишга кирдим. Бир йил ўқигандан кейин ўзимни керагича ақли ҳисоблаб ўқиши ташладим. Бу менинг биринчи катта хатоларимдан бири здим. Ўша пайт мен тезроқ пул ишлаб топишга шошилганман. Ўшанда ҳаётимда керак бўлган, мен қидириб юрган нарса, яъни қийинчиликсиз пул топаман, деб ўлаганман.

Ҳақиқатдан ҳам иш топиш қийин бўлмади. (У пайтда мен ҳақиқий ҳаёт қуриш билан шунчаки тирикчилик учун иш қилиш ўртасидаги фарқни тушунмаганман.) Кейин уйландим. Бошқа эркаклар қатори мен ҳам аёлимга келажагимиз ажойиб бўлиши тўғрисида катта ваъдалар бердим. Чунки мен келажагига қаттиқ ишонган, мағур, шуҳратпаст здим. Шунинг учун қаттиқ ишлардим. Ишляпманми, демак, муваффақият билан таъминланаман, дердим.

Иш бошлаганимдан 6 йил ўтгандан сўнг, яъни 25 ёшимда мен ўз ривожланишимга танқидий, жиддий баҳо бера бошлидим, ҳаётимда нимадир хато кетаётганига хавфсизадим. Бир ҳафтада ишлаб топган пулим 57 долларни ташкил қиласарди. Бу, албатта, мен кутгандан анчайин кам

эди. Энди мен ота бўлгандим. Ўсиб бораётган оилас-  
нинг масъулиятини ҳис қиласдим. Ҳаммадан кўпроқ мен  
аста-секинлик билан аввалги дадилликдан энди ювош  
тортиб, ҳаёт мен ўйлагандек эмаслигини, демак, менинг  
ҳаётимдаги чекимга тушгани шу эканини тан олишим  
кераклигини англай бошладим.

Бир вақт қарасам, молиявий аҳволим яхши бўлмаяп-  
ти. Аксинча, кундан-кун танг аҳволга тушиб боряпман.  
Ниманидир ўзгартиришим кераклиги аниқ. Лекин нима-  
ни? Балки қаттиқ меҳнат қилишнинг ўзи етарли эмас-  
дир, деб ўйладим. Мана шу фикр кўзимни очишга етар-  
ли бўлди. Негаки, мен кимки қаттиқ терга ботиб ишласа,  
муваффақиятга эришади, деб ҳисоблардим. Мен шундай  
ишлашда давом этсам, 60 ёшларга борганда ҳам ҳаётим-  
ни, шу аҳволда ишлаш қобилиятимни тутатаман.

Қариликда хароб, ёрдамга муҳтоҷ бўлиб юрган одам-  
ларнинг кўпини танирдим. Мен бунақанги келажакни тан  
олмасдим. Шунинг учун менда кўп савол туғилар эди:  
"Нима қилиш керак, қандай қилиб ҳаётимни яхшилашим  
мумкин?" ва ҳоказо.

"Ўқишини давом эттирсан-чи?!" деб ўйладим. Оилали  
одамман, тўғри келмайди. Кейин ўз бизнесимни бошлаш  
тўғрисида хаёл қилдим. Шу фикр тўғри келгандек бўлди.  
Аммо бунга маблағ керак. Бу эса муаммо эди. Чунки  
кўпинча ойнинг аксар қисмини пулсиз ўтказар эдим. (Сиз  
ҳам шу аҳволга тушганимисиз?)

Бир кун 10 доллар йўқотганимда шунақанги бўлган-  
манки, икки ҳафтача ўзимга келолмаганман. Ўртоқла-  
римдан бири "Қулоқ сол, Жим, шу пулингни битта кам-  
бағал топиб олгандир", деб юпатмоқчи бўлганда, ишо-  
нинг, бу мен учун юпанч бўлмаган. Негаки, ўшанда мен  
йўқотиш эмас, 10 доллар топишим керак эди. У пайтлар  
хайр-эҳсон, садақа тушунчаси менда йўқ эди.

Хуллас, мен 25 ёшда ва орзуларимдан анча йироқда  
эдим. Ҳаётда тўғри йўл танлаш учун нимани ўзгарти-

ришни билмасдим. Ўша кунларнинг бирида менга баҳт кулиб боқди. Нега шундай бўлди? Нима учун шунаقا ҳодисалар айнан керакли вақтда содир бўлади? Ҳозиргача бу нарса мен учун жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Ўзига хос хусусиятга эга бўлган ажойиб инсон Эрл Шоафф билан учрашгандан сўнг омад менга кулиб боқкан. Уни биринчи марта семинарда кўрганман. Ўша куни нима тўғрисида гапирганини айтиб беролмайман, ёдимда йўқ, лекин шу нарсани ҳозиргача эслайманки, мен шу одамга ўхшаш учун, шундай инсон бўлиш учун нима қилиш керак бўлса, шуни қиласман, деганман. Семинардан сўнг унинг олдига бориш ва у билан танишишга ўзимда куч топдим. У беўхшов мурожаат қилишимга қарамай, менга яхшилаб разм солди. Менинг муваффақиятга эришишга катта хоҳишим борлигига эътибор билан қаради. У мулоийм ва олийжаноб инсон эди. Шу хусусияти билан менда ўзига нисбатан улкан иштиёқ уйғотди.

Бир неча ойдан сўнг Эрл Шоафф мени ўз компаниясига ишга олди. Кейинги беш йилда устозимдан кўплаб ҳаёт дарсларини ўзлаштирдим. У мени худди ўғлидек кўрарди. Ўзининг ҳаёт фалсафасини соатлаб ўргатарди. Бугунги кунда мен унинг бу фалсафасини баҳт ва бойликка эришишнинг етти стратегияси деб атайман. Шу ном билан унга атаб китоб ёзганман.

Устозим бутунлай кутилмаган ҳолда 49 ёшида вафот этди. Бу мен учун катта йўқотиш бўлди. Анчадан кейин унинг ҳаётимда тутган ўрнини баҳолашга ҳаракат қилиб кўрдим. Шунда тушундимки, Эрл Шоаффдан олган энг яхши нарсам иш эмас, ҳаттоқи оддий сотувчиликдан то компаниянинг вице-президенти лавозими-гача кўтарилиш ҳам эмас экан. Мен учун энг қадрли бўлгани унинг ўзига хос ҳаёт фалсафаси ва шу фалсафа асосида муваффақиятга эришиш, қандай қилиб саодатли, тўкин-сочин турмуш кечириш тўғрисидаги до-нишмандлиги эди.

Кейинги беш йилликда унинг foяларини ҳаётимга татбиқ қилдим ва мақсадга етдим. Ҳақиқатдан ҳам катта суммадаги пулни ишлаб топдим. Аммо мен шу пуллардан кўра устозимдан ўрганганларимни бирорга беришдан кўпроқ қониқиш ҳосил қиласман. Ўзимни воиз (оратор) ёки муаллиф деб ҳисобламайман. Мен биринчи навбатда бизнесменман. Шундай бўлса ҳам, бу foяларни бошқаларга оддий қилиб, очиқ кўнгил билан етказиш керак. Одам ўз ҳаётини ўзгартириши нақадар мумкинлигини кўрсин.

Қачонки, бу китобни олиб ўқий бошласангиз, ундаги ҳамма фикр-мулоҳазаларни ўрганиб, ҳаётингизга татбиқ этишингиз шарт эмас. Сизга маъқул келганини олинг, бошқасига эътибор берманг. (Бозорга борсангиз, ҳамма нарсани бир бошдан сотиб олмайсиз. Керагини сотиб оласиз.) Эсингиздан чиқмасин, нима қилган тақдирда ҳам сиз ўрганинг. Ўкувчи, шогирд бўлинг, ҳеч қачон шунчаки бажарувчи бўлманг.

## ҲОЗИР ҲАРАКАТ ВАҚТИ

*Шахсий ҳаётингизга жавоб бера олинг.  
"Кўп" қатори юрманг. Уларнинг ўзларини  
оқлашларидан фойдаланманг.*

Қобилиятни ривожлантириш, ўз вақтида ҳаракат қилиш ҳақиқий интизом талаб қиласди. Агар вақти келмаган бўлса, шошилишнинг ҳожати йўқ. Лекин сиз вақтни бой беришини истамайсиз. Қачон сизда яхши бир foя пайдо бўлса, шу билан ёнсангиз, ҳиссиёт кучли бўлса, ўша вақт ҳаракат учун қулай пайтдир. Масалан, сиз шахсий кутубхонангизга эга бўлмоқчисиз. Хоҳишингиз катта. Нима қилиш керак? Бор-йўғи биринчи китобни олишингиз керак! Кейин унинг сафига иккинчи китобни кўшиш ва иложи борича ҳаракатни тезлаштириш керак. Токи ҳиссиётингиз сўнмасин, foянгиз сустлашмасин. Агар ўз вақтида ҳеч қан-

дай ҳаракат қилинмаса, сиз сўниб бораётган истак, қонуниятингиз қурбонига айланасиз. Аслида бизда қанақадир фоя вужудга келса, нимадир қилиш истаги туғилади. Қайноқ ҳиссиёт бизни эгаллагандек нимадир қилаётгандек бўламиз. Лекин биз шу пайт шошилинч равишда режа тузиб, ҳаракатни бошламасак, формаиз ўз кучини йўқота бошлайди. Бир ойдан сўнг совийди. Бир йилдан кейин уни қидириб ҳам топа олмайсиз. Демак, ҳаракатда бўлинг!

Фоя ишончли, ҳиссиёт кучли пайтда интизомни вужудга келтиринг. Кимдир мустаҳкам соғлик тўғрисида сухбат қилса, бу сизни нимадир қилишга ундаиди. Сиз овқатланиш маданияти тўғрисидаги китобга эга бўлишингиз керак. Китобни қўлга олинг. Ҳали бу фикр миянгиздан чиқиб кетмасдан, ҳиссиётингиз совумасдан жараённи бошланг. Полга ётинг ва бир неча бор машқ қилинг. Сиз ҳаракат қилишингиз керак. Бўлмаса, онг ўз кучини йўқота бошлайди. Ҳиссиёт ҳам ўткинчи туйфу, агар у ҳаракатга кирмаса. Мана шу фояни, ҳиссиётни ҳаётингизга тадбиқ қилишга фақат интизомгина имконият яратиб беради.

Демак, моҳият шундаки, сиз юқори даражадаги интизомни ўзингизнинг интилишингиз ва шунга ундашингиз орқали қўлга киритасиз. Шуни бажара туриб янги бир ҳаёт жараённига кириб борасиз.

Интизомнинг асосий мақсади - инсоннинг ўзини ҳурмат қилиши, бошқаларнинг ҳурматига сазовор бўлиш ва шу ҳурматга ўзини лойиқ деб топиш туйфусини ҳисилишдан иборатдир.

Ҳозирги замонда кўпчилик ўзини ҳурматга сазовор деб ҳисоблайди. Лекин уни интизом билан боғламайди. Бундайлар барча имкониятлардан юқори даражада фойдаланиш ўрнига бўшашиб, озгина эркаланиб, кўп иш бажармасликка ҳаракат қиласидилар. Қилишлари мумкин бўлган ишдан кўра камроқ ишлайдилар. Ишонаверинг, сиз оддийгина йўл билан ўз қобилияtingизни пастга туширяпсиз. Сизнинг кичкина эътиборсизлигингиз муаммо

чиқара бошлайди. Бу диққатсизлик худди вирусдек тарқалади. Агар олдини олмасангиз, касаллик келтиради. Битта эътиборсизлик иккинчисини бошлаб келади. Ҳаммадан ёмони шуки, эътиборсизлик инсоннинг ўз-ўзини ҳурмат қилиш хусусиятини ўтмас қиласи.

Энди шу ҳодиса рўй берди, ҳам дейлик. Қандай қилиб ўз қадр-қимматингизни тиклаб олишингиз мумкин? Факат бир нарса талаб қилинади, у ҳам бўлса - ҳаракат! Шошилинч равишда оддий интизомдан бошланг. Ўз фалсафангиздан келиб чиқиб, ўзингизга мажбурият олинг. "Мен барча мақсадларимга етаман ва яқин келажакда ўз ютуқларимни байрам қиласман. Шунинг учун мен интизомли бўламан", деб олдингизга талаб қўйинг.

## ИНТИЗОМ

Интизом - бу қўйилган мақсад ва унга эришган куннинг боғловчисидир. Биз ҳаммамиз ҳаётда ўз-ўзидан ва беихтиёр икки оғриқдан қийналишимиз керак: ё самарали интизомдан, ё интизомсизликнинг пушаймонлик оғриғидан, яъни афсусланишдан. Фарқ шундаки, интизомли бўлишнинг оғирлиги граммларда ўлчанса, пушаймонликнинг оғирлиги тонналарда белгиланади. Ҳар қандай интизом бир-бирига боғлиқ, бир-бирига таъсирини ўtkазади. Инсон қулай фурсатдан фойдаланмадим, энди кеч, деб айтса, адашади. Бу нотўғри. Ҳар қандай эътиroz бутун жараёнда ўз аксини топади. Бундай содда ва гўл фикр юритмаслик керак.

Интизом - бу бутун муваффақият қурилиши мумкин бўлган пойдевордир. Интизомнинг бўлмаслиги эса муқаррар муваффақиятнинг барбод бўлишига олиб келади. Ахир интизом келажакда ўзи билан мўъжиза яратиш имконини беради. Интизомни йўлга қўйиш учун энг яхши фурсат - фоя "тоза", эндиғина келганидадир. Бир интизом ҳамма вақт ўзи билан иккинчисини олиб келади. Инти-

зомдан воз кечиши сизни мақсадга олиб борувчи йўлдан адаштиради. Адашдингизми, орзуингиз ушалмайди.

Булар орасидаги фарқни сезиш учун кўп нарсани ўзгартиришнинг ҳожати йўқ. Бир неча оддий интизомлар йўлга қўйилса, охирги 90 кун ичида сезиларли ижобий натижалар кўриш мумкин. Энди шуни бир йил ёки уч йил давомида олиб борсак-чи, бу тўғрида гапирмаса ҳам бўлади. Аммо озгина интизомнинг етишмаслиги ўзингизга бўлган ишончни йўқотади.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Жаноб Рон, мен ёзувчиман. Ўзимнинг ишимни ёқтираман. Яхши одамлар билан ишлайман. Келажакда яхши карьерам бор. Шу foяларимни кенгайтирмоқчиман. Бунинг учун қўлимдан келган ишларни юқори даражада бажаряпман. Нашриётга буюртмалар бердим. Бир қанча муаллифлик ишларим ва лойиҳаларим бор. Бундан ташқари, сизнинг илҳом берувчи, руҳлантирувчи кўп китобларингизни ўқийман. Семинарларингизга қатнашаман. Лекин эски муаммо, бу ҳам бўлса, ишимда силжиш кам. Негадир орқага сурилиб кетяпти. Шунга нима маслаҳат берасиз?

**Жавоб:** Ҳар қандай мақсадни амалга ошириш учун, асосан, ички туртки билан кўтаринки руҳда ҳаракатни бошлаш зарур, деб ҳисоблайман. Негаки, биринчи ҳаракатдан сўнг илк қадамни қўйдингизми, зерикиш, чарчашиб, ҳар хил тўсиқлар, ички кечинмалар, қўрқувларга нисбатан ўзингизда энергия сезасиз. Шундан бошлаб ҳамма нарсага бошқача кўз билан қарай бошлайсиз.

Мен ҳаётда кўп одамларни кўрганман. Ишлари орқага сурилганидан зорланиб юрувчилар - булар бир умр, мангу талабалардир. Улар ҳамма вақт ўқийдилар, ўрганадилар, ҳеч қачон аниқ бир ҳаракат қўймайдилар. Мен ўқиб-ўрганишнинг катта тарафдориман. Лекин мақсадим шу: ўқиб-ўрганиш, кейин ҳаракат қилиш, сўнг яна озгина ўрганиш ва

ҳаракат қилиш керак. Шунингдек, ҳамма лойиҳаларни бирлаштиришни таклиф қиласман. Қайси бири айни вақтда эътиборга лойик бўлса, шуларни жамланг ва асосийсидан, яқинда амалга ошириш мумкин бўладиганидан бошланг.

Баъзида кўп, катта ишларни бирдан бажармоқчи бўламиз. Натижада ҳеч нарсага эришолмаймиз. Шунинг учун аввал орзулар рўйхатини тузиш лозим. Акс ҳолда ҳаммасини бошлаб, оқибатда ҳеч нимани қўлга киритолмаслигимиз мумкин.

Донишмандларнинг сўзи борки, юз километрли саёҳат ҳам биринчи қадамдан бошланади. Худди мана шу аста қўйиладиган одимлар улкан ишларга олиб боради.

Сиз ҳамма вақт ўзингиз учун жавобгар бўлинг. Иш берувчи сизнинг иш ҳақингизни белгилаб бермасин, ўзингиз аниқланг. Бўлмаса, у қадр-қимматингиз устидан ҳам ҳокимлик қилиши мумкин. Бунга йўл қўйманг! Сиз шамолнинг йўналишини, йил фаслларини ўзгартира олмайсиз. Бироқ ўзингизни ўзгартира оласиз. Мана шунга сиз ҳақиқатдан ҳам жавобгарсиз. Ўзингизни ривожлантириш учун қанақа китоблар ўқиш, қандай яхши билимлар олиш, қанақа семенар-дарсларга бориш кераклигини биласиз.

## ЯХШИ НАТИЖА УЧУН БИРИНЧИ ҚАДАМ

*Муваффақиятни ушлаб бўлмайди. Уни  
фақат ўзимизни яхши томонга ўзгартирган  
ҳолда ўзимизга жалб қилишимиз мумкин.*

Натижамизнинг қанчалик тубдан ўзгариши бизнинг фикр юритишимиз билан ўлчанади. 1960 йилда космик кемада парвоз қилиш техник жиҳатдан бир имконсиз нарса эди. Бир йилдан сўнг биринчи инсон космосга учди ва ойга қадам қўйди. Ана шу оламшумул воқеа миллат руҳини уйғотди ва келажакдаги муваффақият уруфини унумли фикрлаш тупроғига экди. Бу ажойиб жараён ба-

шар орзусини рўёбга чиқарди. Бир сўз билан айтганда, инсон ойга қадам босгани илмий тарзда исботланди ва фаннинг олдинга силжишига сабаб бўлди. Шу тамойилни ҳаётнинг турли жабҳаларида қўллаш мумкин.

Камбағал одам мол-мулк эгасига айланиши, бой-бадавлат бўлиши мумкинми? Албатта! Кучли хоҳиш, режалаштириш ва интилувчанлик уйғунлиги билан ажойиб мўъжиза яратиш мумкин. Гап "Муваффақият формуласи ишлармикин?" деб ўйлашда эмас, инсон уни ишлатишидадир. Одам - англаб бўлмас мавжудот. Бу ҳар биримизга ташланган чақириқ. Биз ўтирган жойимиздан туриб хоҳлаган томон кетишимиз мумкин. Ҳар қандай орзуни амалга оширса бўлади, фақат шунга ишонишга ўзимиизда куч, мардлик топа олсак, бас.

## ҚАТЪИЙЛИК

Ҳар қандай санъат асарини яратиш учун вақт керак. Ҳаёт қуриш, шахс сифатида ўсиш, ривожланиш учун ҳам вақт талаб этилади. Демак, ўзингизга, ўзингизнинг оиласизга, бизнесингизга вақт ажратинг, улар шунга арзидилар, шунга муҳтоjlар.

Сабрсизлик ва хасислик муваффақият учун бир хилдаги қотилликдир.

Қанча билим олиш мумкин? - Токи муваффақиятга эришмагунча!

Баъзилар баҳорда экадилар, ёзда эса кетиб қоладилар. Агар сиз бир мавсумни мўлжаллаган бўлсангиз, охиригача иш олиб боринг. Бир умрга қолиб кетишига мажбур эмассиз. Лекин бошланган ишингизни тутатинг.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Мен сизнинг асарларингизни ўқиганман, касеталарингизни эшишиб кўрганман. Ҳамиша улардан катта

қониқиш оламан ва сизнинг фалсафангизга қўшиламан. Китобларингизнинг бирида агар инсон 50 ёшларда ҳам қандайдир муваффақиятга эришмаган бўлса, буни ўзи хоҳламаган, деб ёзгансиз. Ҳаётингиз давомида, умр ўтган сайнин қандайдир мақсадга етиш учун кеч бўлганини, ёшингиз бир жойга бориб қолганини англай бошлайсиз. Одам кексайган сари руҳланиш, бирор нарсадан илҳомланиш мураккаблашиб, қийинлашиб боради. Шу фикрга қўшиласизми? Айтайлик, у 50 ёшларда, лекин ҳали ҳам муваффақиятга эришишни истайди. Унга бунинг учун аниқ имконият борми? Ёки вақт ўтдими?

**Жавоб:** Умрингизнинг қайси ёшида бўлманг, агар сиз муваффақият томон тўғри ҳаракат қилсангиз, албатта эришасиз. Мен бунга ҳақиқатдан ҳам ишонаман.

Баъзан катта сумкадаги пуллар ёки нафақага чиқиши саналари тўғрисида хаёлларга берилсак, ҳеч қачон муваффақиятга эриша олмаймиз, деб ўйлаймиз.: Ҳақиқат шуки, ҳеч қанақа пул ёки инсонни сизга тенглаштириб бўлмайди. Фақат сиз бугундан бошлаб бажара олган ишингизни шунчаки қила бошлайсиз. Ҳаётингизнинг қайси жабҳасида бўлмасин, муваффақиятга олиб борувчи тўғри қарорни чиқаринг. Қувонарлиси шуки, муваффақият кетидан муваффақиятни яратади. Худди боғингиздан бегона ўтларни юлиб ташлаб, ўрнига янги, фойдали, маънавиятингизни оширадиган ўсимликлар ўрнатганингиз каби. Уларга ишлов бериб, ўзингиз оддийгина бажарилган иш натижасига амин бўласиз. Шу ишни бир ҳафта, бир ой ва бир йил давом эттирсангиз-чи! Боғингиз қанақанги ажойиб мева беради, яъни сиз ўзингизда талайгина инсоний кўникмалар ҳосил бўлганига гувоҳ бўласиз, кундан кунга яхши одатларингиз ошиб боради. Шунақанги хислатларни одат қилиб олиш инсон умрининг бирор ёшига тўғри келмайди, деб бўладими? Йўқ, албатта! Парвардигор бизни бошқа жонзотлардан шундай устун қилиб яратганки, баҳт ва хурсандчилик туйфусини

ҳис қилиш шарафи фақат инсонларга насиб қилган. Илгари биз юқорида айтилган хислатларга эга бўлмаганмиз, ҳаттоқи шу оддий ҳақиқатнинг ёнгинасидан ўтиб кетганмиз, кўпинча фаҳмига ҳам етмаганмиз.

Энди тарих ёзишни бошланг. Бу сизнинг тарихингиз. Унга юзлаб, минглаб одамларни бирлаштиринг. 40, 50, 60, ҳаттоқи 70 ёшлиларни. Улар ҳаётларининг ажойиб лаҳзаларини ўтказиб юборяптилар. Фақат бир марта бериладиган ҳаётда ҳаққоний муваффақиятга эришиш бахтини қўлдан бой бермасинлар. Эсимда бор, бир куни мен устозимга "Агар менда катта пул бўлганида эди, зўр бир режа тузардим", дедим. Устозим дарров: "Менимча, сенда зўр режа бўлса, ўшандা кўп пулинг бўлади", деб жавоб берди. Кўряпсизларми, пулнинг суммаси эмас, яхши бир режа муҳимдир. Қачон сиз бир нарсани хоҳласангиз ва бу истагингиз жуда кучли бўлса, унга эришиш йўлини ҳам топасиз. Хўш, ўз тарихингизни ёзишни бошланг.

Бахт - бу келажакка қолдириладиган нарса эмас. У бугун, ҳозир сиз қураётган нарсадир. Омадсизлик - бу бир мартада ёки баъзида содир бўладиган талофот эмас. Аксинча, омадсизлик - инсоннинг нотўғри фикрлаши ва қатор хатоларнинг ҳар кун такрорланишининг муқаррар натижасидир.

Муваффақиятнинг 20 фоизи устомонликдан, қолган 80 фоизи стратегиядан тузилган. Сиз кўп нарса ўқишининг мумкин, лекин муҳими бу эмас, муҳими режали равишда ўқиш керак.

## ЎЗГАРТИРИШ ТАНЛАШДАН БОШЛАНАДИ

*Сиздан кейин уч нарса қолиши керак:  
суратингиз, кутубхонангиз ва кундалигингиз.*

*Булар сиз қолдирган мебелларингиздан  
қимматли эканига шубҳа йўқ!*

Биз истаган вақтда ҳамма нарсаны ўзгартира оламиз. Истасак, китобни очамиз, ундан янги билимлар билан онгимизни бойитамиз. Истасак, янги фаолият бошлашимиз, ҳаётимизни ўзгартиришимиз мумкин. Биз буни тез қилишимиз ёки келаси ҳафтада ё келаси ойда ёхуд келаси йил ҳам бажаришимиз мумкин. Биз ҳеч нима қилмаслигимиз ҳам мумкин. Бу ишни қилишдан кўра қилмасликни афзал кўрамиз. Бажармаслик учун айёрлик, мубомбирлик қиласиз. Агар шу ишни амалга ошириш фикри ноқулайлик (дискомфорт) туғдирса, шундайлигича қолдирмиз. Биз ишлашдан кўра дам олишни танлаймиз. Ҳақиқатдан билим олишдан кўра вақтичоғлик ва ўйин-кулгини, тўғриликдан кўра хомхаёлликни, ишончдан кўра шубҳаланишни танлаймиз. Бу бизнинг танловимиз. Кейин оқибатни лаънатлаб, ҳар хил сабаблар билан ўзимизни оқлашга тушамиз.

Шекспирнинг ажойиб сўзи бор: "Юлдузлар эмас, ўзимиз айбдор". Бизда масъулиятни ҳис қилган, жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда танлаш имконияти бор. Бугундан бошлаш керак. Кимки яхши ҳаётни қидирса, унга кўп вақт сарфлаб, ўйлаб ўтириш керак эмас. Яхши, кўнгилдагидек натижа олиш тўғрисида уларга ҳақиқат керак, фақат ҳақиқат, бошқа ҳеч нарса эмас. Биз қилган хатоларимизни ҳар куни муҳокама қилиб ўтиришимиз керакмас. Ўтган ҳаётимизни қайта-қайта эслаб, унинг ёрдамида янги ҳаётимизни қуришимиз керак. Ана шунда биз кундалик ҳаётимизга баҳт, хурсандчилик олиб киришимиз мумкин. Ва ниҳоят, мен сизга маслаҳат беришга журъат этдимки, ҳаётингизни ўзгартириш зарурати бўлса, кечираётган турмушингиздан кўнглингиз тўлмаса, уни ўзгартиринг! Сиз ўсимлик эмассиз. Ўз ҳаётингизни исталган жабҳада бутунлай қайта қура оласиз, буни ўз танловингиз ва кучингиз билан бошланг.

## ҚАРОР

Үз ҳаётингизда кескин бурилиш ясашни ҳаракат қилишдан бошланг. Ҳаракат билан сиз онг ости қобиғингизга "Мен қилишим керак", деган буйруқни кири-тинг. Қатъиятсизлик, мужмаллик бизни ҳамма имкониятлардан маҳрум қиладиган нарсадир.

Ҳаётда ҳамма нарса (инсондан бўлак) ўзининг юқори даражасига етишга талпинади. Дараҳт қанақа баландликда ўсади? Иложи борича юқорига интилади. Биз инсонларга танлаш ҳуқуқи берилган. Ҳамма нарсага эга бўлиш ёки ҳеч нарсага эга бўлмаслигимизни ўзимиз танлаймиз. Нима сабабдан неларга қодир эканимизни синаш учун имкон қадар юқорига интилмаслигимиз керак? Нима учун?

Сиз ҳаракат йўналишингизни - тақдирингизни бир кечада ўзгартириб юборишингиз мумкин. Баъзан бирор иш қилишга қарор қиласангиз, ичингизда "фуқаролар уруши" бўлаётгандек туюлади. Қачонлардир мен "Умид қиламанки, нимадир ўзгаради", дер эдим. Кейинчалик шуни тушундимки, нимадир ўзгириши учун ягона усул - бу аввали ўзини ўзгартириш экан. Ҳеч қачон "Қила олганимда шу ишни бажаардим", деманг. Ундан кўра "Қиламан, қўлимдан келганича амалга ошираман", дейишга ўрганинг. Баъзида қийинчиликларни қайси йўл билан ҳал қилиш муҳим бўлмайди. Муҳими - сиз уни енгишингизда. Бир қарорга келмасдан туриб олдинга юришнинг иложи йўқ.

Инсоннинг ўзини ўзгартиришига асосан икки нарса сабаб бўлади: илҳомланиш ва қўрқмаслик.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Жим, яқинда бир дўстим мени сизнинг фалса-фангиз билан таништириди. Сизнинг сўзингиз билан айтганда, муваффақиятга эришиш осон экан. Бу билан нима демоқчисиз?

**Жавоб:** Икки оғиз сўз билан катта муваффақиятни чилпарчин қилиш мумкин, бу жуда осон. Албатта, лойиҳага бутунлигича қаралса, жуда мураккаб бўлиб кўрилади. Лекин уни бошлаб, бирин-кетин кичик натижасини кўра бошлагач, ҳақиқатдан ҳам бу жуда оддий эканини тушуна бошлайсиз. Масалан, 50 кг.га озиш, бу бор-йўғи йил давомида ҳафтасига 1 кг. озиш дегани. Шу қийинми? Ёки 50 та китобни бир йилда ўқимоқчисиз, бунда ҳам ҳафтасига битта китоб билан танишасиз, холос. Яна янги имконият тўғрисида ахборот бериш учун 500 киши билан учрашиш лозим. Кунига икки киши билан суҳбатлашинг, тамом. Ё бўлмаса, чет тилини ўрганиш учун ҳар куни 8-10 та сўз ёдланг. Йилнинг охирида 1500 дан 3000 тагача сўз ўрганасиз. Моддий эркин бўлмоқчимисиз? Ҳар ой 5-10 фоиздан жамланг. 20 йилдан 40 йилгacha (ундан тезроқ бўлмаса) бемалол ўзингизнинг моддий эркинлигингизни таъминлаган бўласиз.

Яна савол туғилади: "Наҳот бу шунчалик оддий ва осон иш?" Менинг жавобим: "Шак-шубҳасиз, хусусан, дунёнинг ҳар бир бурчагини солиштиргандан". Хўш, муаммо нимада? Муаммо шундаки, худди шундай муваффақиятни бой бериш ҳам мумкин. Ютуқча эришиш осон ва омадсизликка юз тутиш ҳам шундай осонгина содир бўлиши мумкин. Ва биз мана шу икки йўлдан бирини танлашимизга тўғри келади - шу иккита "ОСОН"дан бирини. Қилиш ҳам, қилмаслик ҳам "ОСОН".

200-250 минг доллар атрофида турадиган уйларнинг кўпида шахсий кутубхоналар бор. Бу эса нимадандир далолат беради. Китоб топиш ва уни сотиб олиш осон иш. У қофоз жилд бор-йўғи 5-6 доллар туради. Бу пулни болаларингиздан олиб турсангиз ҳам бўлади.

Оширишдан кўра камайтирган маъқул. Майли, натижа сиз ваъда қилгандан кўра катта бўлсин. Майли, улар мақсадга етишиш қанчалик осонлигига ҳайрон қолсин.

Бир одам иккинчи бир киши түғрисида ғамхўрлик қилиб, катта ҳаётий қадр-қимматга эга бўлади.

## БЕКОРЧИЛИКДАН ТАШАББУСКОР ЎЛМОҚ АФЗАЛ

*Яратилмишлар ичидага фақат инсон зоти  
ҳеч нимадан бир нима кашф қилишдек  
ажойиб қобилиятга эга. У чакалакзорни  
боғ-у роғга, бир чақани катта бойликка  
айлантириши мумкин.*

Агар биз бирор лойиҳага қатнашсақ, унинг устида қанчалик файрат билан ишлашимиз керак? Унга қанча вақт ажратишимиш лозим? Бизнинг фаолиятимиз ва ишимизга бўлган муносабатимиз ҳаёт тарзимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ишлашимиз ва дам олишимизни нисбатан ахлоқ доирасида олиб боришимиш муваффақиятнинг нақадар керакли ёки, аксинча, аҳамиятсиз эканини аниқлаб беради. Ташаббускор бўлиш ҳамма ваqt бекорчиликдан, ҳаракатсизликдан афзал бўлган. Ҳар бир бажаришимиз лозим бўлган ишни қилмаслигимиш ёки камроқ қилишимиш хатоликдир. Бу хато ўзимизга бўлган ишончни пасайтиради. Кундан кунга ишни қилишни камайтириб борсак, ҳафсаламиш пир бўлиб, бу ишни бажара олмайман, деган фикр пайдо бўлади ва оқибатда ғалаба ўрнини мағлубият эгаллайди.

Бахтга қарши жараённи тўхтатиш жуда осон. Биз яна истаган кунда янги ҳаракат тартибини ўрнатишимиш мумкин. Қачонки меҳнатни дам олиш, ҳаракатни ҳаракатсизлик деб ҳисобласақ, яъни қийинчилигига эътибор бермай, ҳафсала билан бажарсак, ўз қадримизни оширамиз, ўзимизни ҳурмат қиласақиз ва ўзимизга ишонч ортади. Натижада фойданинг кам ёки кўплиги қанчалик қониқишишимиз билан ўлчанади. Эришган ютуғимиз эмас, балки жараёндан сўнг ким бўлишимиш билан белгиланади. Қил-

ган ишларимиз инсон орзусини ҳақиқатга айлантиради. Фоя ва унинг амалга оширилиши инсоннинг шахс сифатида юксалишига олиб келади. Бу муҳим қониқишни бошқа бирор-бир манбадан олиб бўлмайди.

## ТАШАББУС

Ҳеч нима қилмасликдан кўра ташабbus кўрсатиш афзалдир. Қўлимиз теккан нарсани яна ҳам яхшироқ қилиш бизга даромад олиб келади.

Ташабbus - келажакка умид демакдир.

Ойлик маошдан кўра даромад афзалроқ. Маош шунчаки кун кечириш учун керак бўлса, даромад бизни бойбадавлат қиласди.

Ҳаётда биз ҳар хил пул топиш йўлларини биламиз. Лекин бу жараённи турли усууллар билан бойитиш анчагина ёқимлироқ бўлади. Болалар вилосипеди 2 та бўлиши бўлиши маъқул: бирини миниш учун, иккинчисини ижарага бериш учун.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Қарздор бўлганда қандай қутилиш мумкин?  
Шу муаммони ечишда маслаҳат берсангиз.

**Жавоб:** Кунларнинг бирида жаноб Шоафф менга ажойиб цитатани келтирди: "Сумма режачалик муҳим эмас". Гап шундаки, мен "70/30" тамойилини таклиф қиласман. Соғ даромаддан 10 фоизини олиб қўйиш, 10 фоизини бирор ишга сарфлаш, инвестиция қилиш ва яна 10 фоизини тақсимлаб бериш лозим: олиб қўйиш; тарқатиш; сарфлаш. Бу суммага нисбатан энг яхши муносабат деб ҳисоблайман. Агар сиз қарздор бўлсангиз, шу усулни қўлланг. Фақат рақамларни ўзгартиринг, тўғрилаб олинг. Масалан, 70 фоизини яшаш эҳтиёжларингизга, 20 фоизини қарзларни камайтиришга, қолган 10 фоизини олиб

қўйиш, инвестиция ва хайрияга ишлатинг. Бу тўғри келмаса, 80 фоизини яшашга, 15 фоизини қарзга ва 5 фоиздан олиб қўйишга, тарқатишга ишлатинг.

Демак, гап суммада эмас, режада! Сизда режа бўлиши керак. Шундай қўлсангиз, қарзларингиздан қутиласиз. Фонизларни камайтириб, сарф-харажатларни қисқартириб, асосан қарзга нисбатан рақамларни тўғрилаб олинг, хайрияга ҳам албатта ажратинг. (Шахсан мен муқаддас китобларда айтилганидек, 10 фоизни Аллоҳ йўлида ёрдамга муҳтожларга тарқатиш керак, дейман, қарор қилиш сиздан.)

Ҳар қандай ҳолатда ҳам мен биринчи навбатда озгина бўлса-да, жамғармага олиб қўйишга ҳаракат қилганман. Кейин қарзга катта фоизни берардим. Кераксиз харажатларни қирқиб ташлардим. Шу учта қонун ички туртки содир бўлишига хизмат қилади. Бу сизга моддий эркинлик баҳтини, завқини ҳис этишини совға қилади. Секинаста кераксиз харажат қилиш эмас, олиб қўйишга, қарздорликда қарз беришга ўта бошлийсиз.

Сиз битта ўзингиз ҳеч нарсага эриша олмайсиз. Бой қаландарни топиш қийин. Яххиси, сиз бировга беринг. Бу сизнинг шахс сифатида ривожланаётганингиздан дарак беради. Мен қачонлардир "Агар сиз менга фамхўрлик қилсангиз, мен ҳам сизга фамхўрлик қиласман", дердим. Ҳозир эса "Сиз мен учун ўзингизга фамхўрлик қилинг, мен эса сиз учун ўзимга фамхўрлик қиласман", дейман.

Агар фарзандларингиз билан сўзлашсангиз, сиз уларга ҳаётини тартибга солишига ёрдам берасиз. Агар уларга устомонлик билан гапирсангиз, келажакда орзуларини амалга оширишига кўмаклашасиз.

## БИЗ ТЎҚНАШ КЕЛАДИГАН ИККИ ТАНЛОВ

*Ҳаётда сиз икки нарсадан бирини амалга оширасиз: ё баҳорда экасиз, ё кузда тиланчилик қиласиз.*

Ҳар биримиз ҳаётда мана шу иккита бир-биридан осонгина ажратиб олинадиган усулдан бирини қўллаймиз. Улардан бири - қобилиятимиз етадигандан кўра камроқча эришиш, камроқ ишлаш, камроқча эга бўлиш, камроқ ўйлаш ва камроқ ўқиш, ўз устимида камроқ ишлаш. Бу йўл бизни бўум-бўш ҳаётга олиб боради. Бир бор шу йўлни танлаб, оқибатда мўъжиза кутиб яшаш ўрнига доимий қўрқув билан яшаймиз.

Иккинчи йўл қанақа? Ҳаммасини бажариб, барча нарсага эга бўлиш, ўқий олгунча китоб ўқиш, ишлай олгунча ишлаш, бера олгунча бериш, қилишимиз мумкин бўлган ҳар қандай ишни (ёмон амаллар эмас) амалга оширишга интилиш.

Ҳаммамида танлаш ҳуқуқи бор: қилиш ёки қилмаслик, эга бўлиш ёки бўлмаслик. Дараҳтдек юқорига ҳаракат - бу бизга чақириқ, яъни ҳамма чоралар ўз қўлимизда! Қачон нимани истасак, шуни қилишимиз мумкин. Бизнинг қанчалик юксалишимизни, ривожланишимизни натижалар кўрсатсин, қуруқ гаплар эмас, тушунтиришлар эмас, оқлашлар эмас. Сизнинг натижаларингиз кичик бўлса, кечагидан кўпроқ, бугундан каттароқ натижажа олишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни ва атрофингиздагиларни ҳурмат қилиш натижаси сизнинг ким эканингизни кўрсатади.

Сиз яхшигина мукофотга лойиқсиз.

## ҚАДР-ҚИММАТ

Ҳаётда энг қимматлиси нима олишингиз эмас, балки оқибатда ким бўлишингиздир. Шунинг учун мен ҳар бир қимматли нарсага адолатли тўлов берилиши тарафдориман. Ҳар қандай қадрли нарса куашлар, мусобақалар орқали қўлга киритилади. Уни эҳтиёт қилиш керак.

Агар мен унга етишиш учун меҳнат қилсан ёки тўлоғ берсан, натижада кимдир бўламан. Агар текинга келса, мен ҳеч ким бўлолмайман. Қадр-қимматингизни ва меҳ-

натингизни ҳеч қачон сотманг, бу сизнинг хоҳишингиздек кўринса ҳам. Бир киши жуда кўп пул олди. Уларни дарров сарфлаб, кейин жонига қасд қилди. Негаки, у баҳтсиз эди. Қадр-қиммат бебаҳодир. Агар ҳеч нарсага арзимаса, уларни қадр-қиммат деб атамас эдик.

Аввал қанчага арзишини, қанча туришини ҳисобланг. Арzon нарсага катта баҳо берманг.

## ЯХШИ КУЗАТУВЧИ БЎЛИНГ

*Сабрсизлик ва ҳасислик -  
муваффақиятнинг қотилидир.*

Ҳеч қачон бугун учун яшаманг. Узоқни, келажакни кўра билинг. Бунинг учун қуидаги саволларга жавоб топишингиз керак:

- ишлаб чиқариш ва саноатимиз қай аҳволда;
- ҳукуматга ва оммага қанақа чақириқлар билан чиқишлар қилинмоқда;
- кварталимизга-чи;
- охирги йилларда қандай янги технологиялар, янги имкониятлар кириб келмоқда;
- қанақа бузилиш ва ўпирилишлар рўй бермоқда;
- кимлар, қандай шахслар жамоатчилик фикрига ўз таъсирини ўтказяпти?..

Биз атрофимиизда нималар рўй бераётгани билан қизиқишимиз, яхши кузатувчи бўлишимиз, сезгир ва зийрак эксперт бўлишимиз керак. Негаки, теграмиздаги ҳар бир ҳодиса-воқеа ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказади, албатта ўз изини қолдиради ва келажакда ким бўлишимиз, қандай яшашимизни белгилаб беради. Одамларнинг дунёда муваффақиятга эришмасликларининг асосий сабабларидан бири - улар бугунги кун билан яшайдилар. Бугунги кундан нимадир ундиришга астойдил ҳаракат қиласидилар.

Зийрак бўлинг, ҳамма нарсага шай туринг. Токи ҳаётнинг англаб бўлмас сирларигача сизга етиб борсин. Кўпинча энг ажойиб имкониятлар биз учун аҳамиятсиз бўлган ҳодисаларда яширинганд бўлади. Агар шу ҳодисага эътибор бермасак, осонгина ўз омадимизни қўлдан бой берамиз. Демак, сизни қуршаб турган нарсаларга нисбатан яхши кузатувчи ва эътиборли бўлинг.

## ФАХРЛАНИШ

Қизиқувчан инсонлар "Бу бошламоқчи бўлган гоям иш берармикин?" деса, фахрланувчилар "Бу фоя қандай иш беради?" деб фикр юритадилар. Шунинг учун фахрланиш ҳамма вақт қизиқишидан бир поғона устун туради. Ҳафсаласизликни фахрланишга айлантиришга ўрганинг. Ҳаётдан ҳафсалангизни пир қилгандан кўра кўпроқ фахр туйғусини олишга ҳаракат қилинг.

Мен аэропортга кетяпман. 45 дақиқадан кейин самолётим учади. Йўлда машиналар тирбанд, тиқилиб қолдик. Лекин мени фахр туйғуси чулғаб олган. Мен умидсизликка тушмаяпман. Аммо бу нарса ҳамма вақт иш бермаслигини ҳам тан оламан. Ўзингизда ҳаётдан ва одамлардан болаларча фахрланиш туйғусини ривожлантиринг.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Жим, сиз "Интизом - бу маваффақият калити", дейсиз. Лекин мен озиш ва сотув бўлимимда кўпроқ пул ишлаш учун қанчалик уринмай, барибир интизом муаммо бўлиб қоляпти. Қандай қилиб бу қийинчиликни енгишим мумкин?

**Жавоб:** Мен сизга иккита оддий ва кичик машқ тақдим қиласман. Кейин уларни бирлаштирасиз. Ҳар куни бир марта кварталингизни сайр қилинг ва битта ортиқча телефонни амалга оширинг. Беш марта ўтириб туринг.

Ширин пишириқлар ўрнига мева-сабзавот истеъмол қилинг. Сўнг ҳар куни кам-камдан муваффақиятингизни ошириб боринг.

Кўряпсизми, ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Ҳар бир машқ интизом билан бўлсин, агар у бўлмаса, қолганларига таъсир кўрсатади. Мен ишонаман, ҳар кунги шунаقا оддий машқлардан сўнг сиз тезда натижа кўрасиз. Бу сизга олдинга ва яна олдинга ҳаракатланиш учун катта умид беради. Сиз кўпроқ ва ҳафсала билан ишлашга киришасиз, интизомли, мукаммал инсонга айланиб бораверасиз.

Омад сизга!

## ШАХС СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШ ҲИКМАТИ

Ваъда бериб, интизомга риоя  
қилмаслик - ўзини алдаш ва йўлини  
йўқотишнинг бошланишидир.

Кунларнинг бирида жаноб Шоафф айтган эди: "Жим, баҳтли ва бой бўлмоқчи бўлсанг, шуни билиб ол: ишинг устида ишлашдан кўра кўпроқ ўзинг устингда ишла". Мен ҳозирга қадар ўз устимда ишлаб келмоқдаман. Шуни тан олишим керакки, устозим айтганларини қилиш қолган ишлардан кўра мендан катта куч ва эътибор талаб қиласи.

Шахс сифатида ривожланиш умр бўйи давом этади. Кўряпсизми, сизнинг нимадир олишингиз эмас, балки ким бўлишингиз муҳимроқ. Ишга жойлашаётганда "Қанча оламан?" эмас, "Ким бўламан?" деб сўраш лозим. Бу икки тушунча - "оламан" ва "бўламан" сўzlари худди ёпишган эгизаклардек, нима олишингиз тўғридан-тўғри ким бўлишингизга боғлиқ.

Мен шу хулосага келдимки, даромад инсоннинг ўсишига камдан-кам таъсир қиларкан. Баъзида даромад кескин ўсиб кетади. Агар ўша пайтда сиз керакли мажбурият ва масъулиятни ҳис қилмассангиз, пулни ушлаб қолиш

санъатини билмасангиз, у тезгина сиз бошқара олган дарражага тушиб қолади.

Кимдир сизга миллион доллар берса, сиз тезгина миллионер бўлишга шошилинг. Бир бадавлат одам айтган экан: "Дунёдаги барча пулларни йифиб, ҳаммага тақсимлаб берилса, улар тезгина яна аввалги чўнтакларга боради".

Шахс сифатида ўсмасдан топилган пулни сақлаш қийин. Бу буюк ҳаёт аксиомаси: "СИЗДА БОРИДАН КЎРА КЎПРОҚҖА ЭРИШИШ УЧУН ЎЗИНГИЗ ҲАМ КАТТАРОҚ БЎЛИШИНГИЗ КЕРАК".

Мана сиз асосий зътиборни нимага қаратишиңгиз керак, акс ҳолда ҳаёт аксиомаси билан чиқишилмайсиз. Бу муқаррар, ўзгармас ҳикмат. Агар сиз ўзингизни ўзгартирамсангиз, ўзингизда бор нарсадан зиёдига эга бўла олмайсиз.

## ШАХСНИНГ ЎСИШИ

Бошқаларга ёқимли бўлиш учун ёқимтой бўлиш керак. Ўзгаларга таъсир кўрсатиш учун таъсирили бўлмоқ лозим. Бошқаларни ишонтириш учун ишончга кириш даркор. Улар билан ишламасдан ўзингиз билан ишланингиз шарт. Шу қўлингиздан келса, сиз уларга ёқиб қоласиз. Биз ўзимизда боридан ортиқроғига эга бўла бошлиймиз. Негаки, ўзимиз ҳам аввалгидан кўра ўсяпмиз.

Сиз қанчалик ўсишингиз мумкин? Ўса олгунингизча! Сиз инсон зоти, инсон руҳи қанчалик юксакликка кўтарилиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Унинг юксалишининг чегараси йўқ. Ачинарлиси шуки, миллиони бўлса-ю миллионер бўла олмаса. Даромадингиз ўсиб кетди, ўзингиз эса йўқ. Шунинг учун ишга киришда "Неча пул оламан?" эмас, "Ким бўламан?" деб сўранг.

Шахс ўсиши натижасида олинмаган нарсани сақлаш қийин. Гап шундаки, даромад ўсиб, ўзингиз ўсмаганингиз туфайли бу пуллар осонгина қўлингиздан чиқиб кетиши мумкин. Муҳими миллион эмас, шу миллион то-

пиш жараёнида сизнинг ким бўлиб етишганингиз аҳамиятлидир. Даромад камдан-кам ҳолларда инсонни шахс сифатида ривожлантиради.

Ким бўлганингиз тўғридан-тўғри нима олишингизга таъсир қиласди. Малака - бу қадр-қиммат орасидаги фарқни кўрсатувчи тушунча. Интизом - муваффақият биносининг пойдевори. Интизомнинг йўқлиги муқаррар шу бинонинг қулашидир. Муомала ва мулоқотда ҳисобга олиш билан ён беришни фарқига боринг.

## ҚАЕРДА БЎЛСАНГИЗ, ФИКРУ ХАЁЛИНГИЗ ЎША ЕРДА БЎЛСИН

*Ўз маҳоратингизни намойиш қилишга,  
муҳтожлигингизни яширишга ўрганинг.*

Омадсизликка чидамсизликнинг асосий сабабларидан бири турмуш тарзи санъатини мукаммал эгалламаганимиздадир. Бахтли ва тўкин ҳаёт сари ҳаракат бошлагандага омадсизликка бардош беришимизга тўғри келади.

Одатда, ўзимиз уйда, фикру хаёлимиз эса ишхонадаги муаммолар билан банд бўлади. Ишхонада ишда бўлганда эса уй юмушлари ташвиши билан хаёл сурамиз. Биз атрофдагиларни сезмай, бошқаларни эшитмай кунни ўтказмиз. Сўзларни эшитсан ҳам, мазмунни миямиз қабул қилмайди. Вақт ўтган сари кечаги кун тажрибаси ёки эртанги рўй бериши мумкин бўлган нарсалар билан банд эканимизни тушуна борамиз. Кечаги ва эртанги кун хаёлига фарқ бўлиб, бугунги куннинг ўтганини сезмаймиз. Шунчаки кунни яшаб ўтказмиз, ундан ҳеч нима олмаймиз. Биз истаган вақтда, хаёлан ҳар жойда бўлишимиз мумкин, фақат турган жойимизда эмас. Биз қаерда бўлишимиздан қатъий назар, ўша ерда эканимизни сезишимиз даркор. Хаёлимиз ҳам шу жойда бўлиши керак. Ўша лаҳзидаги манзарани бутун моҳияти билан ҳис қилиш лозим.

Яшаш - бу вақт топиб қүёшнинг ботишидан завқлашиш, тинчликни, осудаликни ҳис қилишдир. Яшаш - бу ҳар бир лаҳзадан шундай фойдаланишки, шу онда кимлигимиз ва ким бўлиб етишаётганимизни англайлик. Ҳаёт нима иш қилишимиз эмас, балки бошимизда нималар кечәётгани билан белгиланади. Доим қаерда бўлсак, ўша с尔да эканимизни ҳис қилмас эканмиз, ҳеч қачон яхши яшаш санъатини эгаллай олмаймиз.

## ВАҚТНИ БОШҚАРИШ

Кимdir бошқаради, кимdir хизмат қилади. Ё сиз кунни бошқарасиз, ё кун сизни бошқаради. Ё бизнесни сиз бошқарасиз, ё бизнес сизни. Сиз муҳим нарса билан аҳамиятсиз нарсани ажратиб олишингиз керак. Кўпчиликнинг омадсизликка учрашининг сабаби - улар муҳим ишларга эътиборсиз бўлиб, муҳим бўлмаган нарсаларга катта аҳамият берадилар.

Сиз шунчаки ҳаракатни мақсадга эриштирувчи ҳаракат билан адаштирманг. Бандликда алданиб қолиш осон. Нима билан бандсиз?

Кунимиз қиммат туради. Бир кунни бекор ўтказсак, ишлатадиган кунимиз биттага камаяди. Ҳар бир кунни доноларча ўтказиши тан олинг.

Вақт қимматли фаоллардан биридир. Шўнга қарамай, биз уни фойдали мақсадларга сарфламай, исроф қиласиз. Мантиқсиз ишларга сарфлаймиз, ўлдиришга ишлатамиз.

Биз кўп вақтимизни майда-чўйдаларга ва оз вақтимизни жиддий ишларга бир хилда сарфлай билмаймиз.

Вақт - пулдан кўра қимматлироқ нарса. Сиз кўпроқ пул ишлаб топишингиз мумкин, лекин кўпроқ вақтни ола олмайсиз.

"Йўқ", деб айтишга ўрганинг. Тилингизга эрк берманг. Елкангизга оғир юк осиши мумкин.

Вақт - бадавлат одамларнинг энг сирли хазинасиdir.

## МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ ОСОН, ЛЕКИН ҮНГА ЭЪТИБОР БЕРМАСЛИК УНДАН ҲАМ ОСОН

*Борининг қадрига етмай, кўпроғига  
эришиб бўлмайди. Шукроналик ғоялар  
учун имконият яратиб беради.*

Қандай қилиб олти йилда муваффақиятга эришганим тўғрисида кўпчилик мендан сўрайди. Чунки аксарият одамлар бунинг уддасидан чиқа олмайди. Жавоб оддий: "Мен учун қилиш осон бўлган ишларни бажармаслик улар учун амалга оширишдан ҳам осонроқ бўлган". Менга қўлдан келиши мумкин бўлган ишларга мақсад қўйиш осон бўлган. Мен фикр ва ғояларимга таъсир қиласидиган китобларни ўқиши осонлигини тушуниб олдим. Улар ўқимаслик осонроқ, деб ўйладилар. Мен муваффақиятга эришган инсонлар орасида бўлиш, дарсларга кириш осон, десам, улар бу иш ҳеч нима бермайди, дедилар. Хуллас, ҳаммасини жамлаб мен қилиш осон, дедим, улар эса қиласлик осонроқ, деб тушундилар. Мана олти йил ичидаги мен миллионер бўлдим. Улар эса ҳалиям давлатни, иқтисодни, сиёсатни қоралаб юрибдилар.

Аслида кўпчилик инсонлар имкониятлари даражасида ишламайдилар. Бажаришлари мумкин бўлган ишдан камроқ тер тўкишга ҳаракат қиласидилар. Бунга бир сўз билан эътиборсизлик деб аниқлик киритсак ҳам бўлади.

Гап пул етишмаслигида эмас, банқда пул кўп. Имконият йўқлигига ҳам эмас. Инсоният тарихида охирги йилларда қанчадан-қанча ишга таклиф эълонлари, ишламоқчи бўлган кимсага имкониятлар тиқилиб ётибди. Китоб етишмовчилиги ҳам йўқ, кутубхоналар китоб билан тўлдирилган, ҳаммаси етарли. Мактаб ҳам муаммо эмас. Ўқитувчилар, етакчилар, маслаҳатчилар, ўргатувчилар ортифи билан бор. Бизга нима керак бўлса - бойлик, ҳокимият, ҳаёт тажрибаси - ҳаммасига эришиш учун етарли шарт-шароит мавжуд.

Асосий сабаб шу - имкониятлардан камроқ фойдаланамиз, шунчаки эътиборсизлик қиласиз.

Эътиборсизлик худди микроб (инфекция)декдир. Уни назорат қилмасак, бутун қоида тизимиға тарқалиб, гуллаб-яшнаб бораётган баҳтли ҳаётни бузиб юборади.

Шу ишларни бажармагандан сүнг ўзимизни гуноҳкордек ҳис қиласиз. Бу гуноҳкорлик ҳисси ўзимизга бўлган ишончимизни эговлади. Ишончсизлик ортгани сайин фаоллик даражаси пастга қараб туша бошлади. Фаолсизлик эса кўнгилсиз натижаларга олиб келади.

Ёмон натижа мулоқотни сустлаширади. Охир-оқибат инсоний муносабатлар салбий эътиrozларга айланади ва шундай чек-чегарасиз давом этаверади.

## АСОСИЙ ҚОИДА

Муваффақият - бу мўъжиза эмас, файритабиий нарса ҳам эмас. Муваффақият - ҳар кун тақрорланадиган табиий ишларнинг жамламасидир.

Ер юзида бирорта асосий қоида йўқ. Кимки "Мен асосий қоидани яратдим", деса, орқасидан юрманг. Барибир сизни антивариант ишлаб чиқарадиган заводга олиб боради. Бир хил ишларни ҳар кун бажариш керак. Шанба куни кечқурун 7 та олма емоқ ёки ҳар кече биттадан олма емоқ - бу билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Муваффақият - бу оддий, тўғри қоидаларни ҳар кун бажаришдан бошқа ҳеч нарса эмас. Шу вақтнинг ўзида ушбу қоидаларни бажармаслик ёки оддий хатоларнинг ҳар кун тақрорланиши мағлубиятдир. Қоидаларни қилиш-қилмаслик йиғиндиси муваффақиятга ёхуд омадсизликка олиб келади.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Мен МЛМ компаниясидаман. Ҳақиқатдан ҳам компания ва унинг маҳсулотларига ихлосим катта. Сиз-

нинг барча кассеталарингизни эшитиб, ўрганиб чиқдим. Улар аъло даражада, менга маъкул. Муаммо шуки, менга бир ўргатувчи устоз керак. Кимга мурожаат қиласай? Илтимос, шу ҳақда маслаҳат берсангиз. Алоҳида хизматингиз учун сизга олдиндан ташаккур билдираман. Аллоҳ, сизни паноҳида асрасин.

**Жавоб:** Самими тилакларингиз учун раҳмат. Устоз борасида мен баҳти чопган инсонман. Жаноб Шоаффдек одамга шогирд бўлганман. У кишидан бошқа кучли ва обрўли устозларим ҳам бўлган. Улар таниқли буюк Наполеон Хилл, Эрл Найтингел ва Жеймс Алленлардир. У вақтлар уларни шахсан танимасдим, фақат китоблари орқали билардим.

Саволингизга келадиган бўлсак, шуни таъкидлайманки, сиз дунёдаги барча одамлар қатори одамсиз. Гапингизга қараганда, сиз ўзингизни ривожлантиришга киришибсиз, яъни керакли ахборотларни тўплайпсиз. Шу йўлда давом этинг ва бу билан бирга ҳаракатга тушинг. Ҳар қандай фоя ва илҳомланиш сизнинг устозингиз бўлсин, токи реал инсонни топмагунингизча. Ҳаттоқи кейин ҳам бу инсондан бошқарувчи эмас, манба сифатида фойдаланинг. Омад тилайман!

Ахборот - бу фояни амалга оширишнинг осон шакли.

Ҳеч нарса яхши бир фоя ва ахборотдек келажагингиз учун фойдалироқ бўла олмайди. Кўпроқ информаъия жамланг. Ўзингизда яхши-яхши фояларни ишлаб чиқинг.

## ҲАММА ГАП МУНОСАБАТДА

Бирорларга ўзингизни шахс сифатида ўсганингизни кўрсатиш улар учун энг яхши совфа бўлади. Авваллари мён айтар эдим: "Сиз менга фамхўрлик қилсангиз, мен ҳам сизга фамхўрлик қиласаман". Энди эса "Сиз мен учун ўзингизга ўзингиз фамхўрлик қилинг, мен сиз учун ўз фамимни ейман", дейман.

Инсоннинг ўзгариш жараёни ўз ичидан бошланади. Биз ҳаммамиз ҳаракатимиздан яхши натижа олишга ташнамиз. Кўпчилигимиз баҳтли келажак учун қаттиқ меҳнат қилишга тайёрмиз. Ҳар биримиз ўз қобилиятимизни тўла ишга солиб, хоҳлаган натижага эришишимиз мумкин. Қўлга киритганларимиз даражасини олдиндан аниқлаб берувчи биргина нарса бор, у ҳам бўлса, бизнинг муносабатимиз. Худди мана шу бирор бизни янги ишга чақирганда бир қарорга келишимизга таъсир кўрсатади ва орзуимизнинг катта-кичиклигини аниқлаб беради.

Дунёда бирор кимса йўқки, бизнинг муносабатларимизга ўз таъсирини кўрсатса. Тўғри, одамлар ўз ниятмақсадлари йўлида ёлғон хабарлар билан нотўғри фикрлаш ёки бошқа соҳада таъсиrlарини ўтказмоқчи бўладилар. Аммо ҳеч ким бизнинг муносабатларимизни назорат қилолмайди, ўзгартира олмайди, агар ўзимиз ўз хоҳишимиз билан буни қилмасак. Биз хулқ-авторимизни назорат қилишни бирорнинг қўлига бериб қўймаслигимиз керак. Ўзимиздан бўлак ҳеч ким биздан аччиқланмайди. Бизни назорат қилишни бирорнинг қўлига бериб, кейин аччиқланиб юрамиз, ким қилганининг фарқи йўқ. Буни ўзимиз танладик, бирор эмас. Улар шунчаки фақат бизнинг мавқеимиз ва мустаҳкамлигимизни синаб кўрдилар. Агар биз муносабатимизга масъулиятсизлик қилсак, жавобгарликдан қочишни танлаб, ҳасадгўй душман, қўрқоқ, ҳамма нарсадан ҳавфсирайдиган одамга айланиб борсак, демак, синовдан ўтолмадик. Агар биз "Бу синовга қодир эмас юканман", деб ҳаммасига ўзимизни айбдор қилиб ўтирасак ҳам, бу тестдан ўтмадик, деб ҳисоблашимиз мумкин.

Агарда буларнинг ҳаммасига бефарқ эмасман, деб ўйласак, ўзимиз учун жавобгарлик юкини бўйнимизга олишимиз керак. Сиз мана шундай бизни нотўғри йўлга бошловчиларга қарши туришингиз ва баҳтли келажак сари йўлга чиқишига ўзингизда куч топишингиз керак. Биз келажак тайёрлаган мукофотга эришмоқчи бўлсак, ҳозир тўғри

йўлни танлашимиз лозим. Бизда танлаш ҳуқуқи бор. Инсонийлик ирқимиз, қоидамизни авайлаш-асрашни ўз назоратимизга олиш, хулқ-авторимизни, барча нарсаларга нисбатан муносабатимизни бошқаришимиз даркор.

Муносабатларимиз - бизнинг энг қимматбаҳо туйгуларимиз. Уни ҳимоя қилиш зарур. Уни ўғрилардан, қароқчилардан асранг, ижобий муносабатларингизга шикаст етказишларига йўл қўйманг.

Муваффақиятга эришишнинг асосий сабабларидан бири - ҳаётга ижобий, тўғри муносабатда бўлишдир. Ижобий муносабатлар ва соғлом фалсафамиз уйғунлиги ўзимизга ва атрофимиздагиларга мустаҳкам ички куч беради. Ва бу ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўзининг ижобий тъсирини кўрсатади.

## ҲАҚИҚАТ

Ҳақиқатга жуда озчилик яқин келади. Аслида нимага умид қилсан ёки нимани ўйласак, шу ҳақиқатдир. Балки шунинг учун ҳам "Менимча, шу..." демоқ ҳақиқатга энг тўғри ёндошиш ҳисобланади. Ҳақиқатни тасдиқлаш даркор. Сиз бирор ҳақиқатни айтмоқчи бўлсангиз, бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Масалан, сиз хонавайрон бўлдингиз. Энг тўғри йўл - сиз "Мен хонавайрон бўлдим", дейишингиз керақ. Ҳақиқат етарлича бўлмаса, сиз уни ишонарли тарзда тасвирлаб, кўрсатиб беришингиз лозим. Самимият - бу ҳақиқат, адолат учун тест эмас. Биз хатога йўл қўймаслигимиз керак. Баъзида "У тўғри гапираётганга ўхшайди, негақи гаплари самимий", деймиз. Биз булардан қочишимиз керак. Баъзида нотўғри гапни ҳам самимий қилиб айтиш мумкин. Ҳақиқат ҳақиқат билан, самимийлик самимият билан ўлчанади.

Ҳақиқатпарвар, адолатпарвар инсонларни топинг.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Келажакда савдо соҳасини қандай тасаввур қиласиз? Ёшим 29 да, дипломим йўқ. Каръера қуришим керак. Охириг 7 йил давомида хотиним каръера қилгунича уй хўжалиги ишлари ва болалар билан шуғулландим. Даромадимни назорат қилмоқчиман. Мен диплом талаб қилмайдиган, доимий чегарасиз даромад берадиган савдо соҳасида ишламоқчиман. Агар сизда бирор таклиф бўлса, илтимос, марҳамат қилиб менга айтсангиз.

**Жавоб:** Сизга жавоб бериш учун мен сиз тўғрингизда керакли маълумотта эга эмасман. Лекин савдо соҳасининг келажаги буюк деб ҳисоблайман. Гап шу ишни ўз хоҳишингиз билан қилишда. Кейинги 20-30 йиллар ичида нима билан шуғулланишингизни кўз олдингизга келтиринг. Сўнг шу йўналишда ишонч ва қатъийлик билан қаттиқ меҳнат қилинг. Чегарасиз даромад масаласига келсак, мен фақат иккита йўлни биламан: ё ўзингизнинг шахсий ишингизни бошланг ёки МЛМ га киринг. Лекин буларнинг бирортаси ҳам тез ва осон бўлмайди. Кимdir аксини айтса, эҳтиёт бўлинг. Икки йўлда ҳам вақт ва пулга нисбатан таваккал қилинади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам яхши ўйлаб кўриб, керакли тамойиллар билан ишлаш керак. Қайси nisiда ишласангиз ҳам, бошида хавфсизликни таъминлаш лозим, яни вақт ва пулингизни йўқотиб қўймаслик учун сиз шу соҳада аввал кўп пул сарфламасдан малакангизни ошириб боринг. Хусусан, ҳали сиз бу соҳада янги одам бўлсангиз, ҳаммасини ўйлаб кўриб, тўғри иш тутинг.

Муваффақиятнинг 20 фоизи устамонликдан, 80 фоизи стратегиядан иборат. Сиз кўп ўқишингиз мумкин. Лекин муҳими режали асосда ўқишда!

Инсон зоти истаган нарсасини қандай қилиб бўлса ҳам, олишдек ажойиб қобилиятга эга. Лекин "истак" ва "керак" маънолари ўртасида катта фарқ бор. Сарфлашдан кўра қарзга бериш афзал.

**Савол:** Жим, сизнинг веб-сайтингизда ўсмирлар учун "Буюклиknинг уч қалити" деб номланган видеога кўзим тушиб қолди. Бу қанақа қалитлар?

**Жавоб:** Қисқа жавоб бераман. У ўсмир бўлсин, катта ёшдаги одам бўлсин, учта оддий нарсани бажаришни кўз олдига келтириши керак. Агар узоқ муддатда шуни амалга оширса, албатта муваффақиятга эришади.

1. Мақсадни аниқлаш. Буни мен келажакни тасаввур қилиш деб айтаман. Катта келажак ваъда қилинса, ёшу қари керакли суммани беришга тайёр. Бизнинг вазифамиз фарзандларимизга келажакни аниқ кўрсатиб бериш, токи уларда эртанги мукофот учун бугун ишлашга сабаб туғилсин. Бунинг учун уларга мақсад ёрдам беради.

2. Шахс сифатида ўсиш. Билимимизни оширишда қатор изчил оддий ишларни йўлга қўйсак, ўша билим банки бизга умр бўйи энг яхши фоизларни тўлаб боради. Мен китоб ўқиш, кассета кўриш, семинарларда қатнашиш, кундалик юритиш ва лидерлар даврасида тез-тез бўлишга вақт ажратишни таклиф қиласман.

3. Молиявий режа тузиш. Бу режани мен "70/30" деб атайман. Қанақадир аниқ суммага эга бўлганингиздан сўнг унинг 10 фоизини жамлашга, 10 фоизини инвестицияга, 10 фоизини хайрияга олиб қўйсангиз, бироз вақт ўтгандан кейин моддий эркин кишига айлана бошлайсиз.

Шуни таъкидлайманки, бу учта пункт фақат ёшлар эмас, уларнинг ота-оналари учун ҳам қулай усулдир.

Пули кўп, аммо хурсанд бўлмаган отани кўриш ачинарли ҳол. Инсон иқтисодни ўрганса-ю, баҳтли бўлишни ўрганмаган бўлса, бу ҳақиқатдан яхши эмас.

## ЎЗИНИ АЛДАШГА ҚАРШИ ҲАРАКАТ

Моддий эркин бўлиш учун даромаднинг бир қисмини капиталга, капитални ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш-

даги даромадни инвести́ция учун, инвести́цияни эса ўзингизнинг моддий эркинлигингизга айлантириш.

Ҳис-ҳаяжон билан мустаҳкамланган билим ҳаракатга тенг. Ҳаракат натижани таъминлайди. Фақат ҳаракат ижобий реакцияни чақиради.

Мен шу ерда ўзгача фикрдаман. Негаки, бугунги кунда кўп одамлар чиройли ваъдаларга ишонадилар. "Ҳаракатсиз ишонч эзгуликка, яхшиликка хизмат қилмайди", деган сўз бор-ку. Бу ҳақиқат!

Ҳаракатта келиш учун берилган ваъдага қарши эмасман. Қайта такрорланган ваъда тўғри режа тузиб, уни мустаҳкамлашга ёрдам берса, ажойиб натижаларга эришиш мумкин.

Ишонч билан тентакликнинг фарқи жуда нозик бўлади. Кўряпсизми, ҳаракат билан мустаҳкамланмаган ишонч ўз-ўзини алдашнинг бошланишидир. Бизнесда ўз-ўзини алдашдан кўра хавфлироқ нарса йўқ.

Тўкин-сочин яшашни орзу қилган эркакни ҳар кун баъжардиган иши - аниқ бир йўналиши молиявий қийин аҳволга олиб боради. Аёл бахтли яшашга интилишидан қатъий назар унинг хаёли ва қилаётган ишлари ҳафсаласини пир қилиб, ҳамма нарсадан кўнгли қолиб, ҳаётдан совий бошлайди. Оқибатда иккови ҳам алдовчи орзунинг қурбонига айланади. Бу ваъда ҳаракат билан мустаҳкамланмагани туфайли содир бўлади. Нега? Чунки сўз худди наркотикдек одамни тинчлантириб, қониқарли аҳволга солиб қўяди.

Эсда тутингки, ривожланиш, юксалиш учун сиз ҳақиқатда ишни бошлashingиз керак! Лойиҳангиз қанақа бўлишидан қатъий назар бугундан қадам ташланг, бугундан бошланг. Иш столингиз тортмаларини тозалашни бугундан бошланг! Биринчи мақсадингизни аниқлаб олишни бугундан бошланг! Ҳаракатта чорлайдиган кассеталарни кўришни бугундан бошланг! Озиш тўғрисидаги режани тузишни бугундан бошланг! Мураккаб мижонингизга телефон қилишни бугундан бошланг! "Хайрия",

"муваффақият", "инвестиция" кабиларга пул олиб қўйишини бугундан бошланг!

Ҳар бир киши қила олади. Ҳаттоқи илҳоми келмайдиган одам ҳам, руҳи тушкунликдаги одам ҳам руҳлантирувчи китобни ўқишини бошласа бўлади. Яхши ҳаёт учун ўзингизда бирор-бир импулс ҳосил қилинг. Қаранг, қанча янги услубларни янги мақсад йўлида қурбон қилиш мумкин. Ҳаммасини қилинг. Ўзингизга нисбатан паст ниятлар қилманг. Бу қобиқни ёриб чиқинг. Ўзингизни космик ҳаракатингизни бошланг. Нимадир кутишни тутгатинг, ҳамма орзулар орқада қолди. Энди ишонч ва ҳаракатни қурол қилиб олганингизни ўзингизга исбот қилиб беринг. Бу сизнинг янги ҳаётдаги янги кунингиздир. Интизомга риоя қилган ҳолда, сиз қанақанги юксакликка эришганингиздан ҳайратда қоласиз. Нимани ҳам йўқоттар эдингиз? Ўзингизни айбдор сезиш ва ўтган қўрқинчли кунлардан бўлак ҳеч нимани йўқотмайсиз.

Мен сизларга бир чақириқ билан мурожаат қилмоқчиман: "Қаранглар, биринчи кун янги финишда қанча ишларни бошлаш ва давом эттириш мумкин".

## МЕҲНАТ

Сиз донишмандлик ва кучли ҳаяжонни меҳнатга айлантиришингиз керак. Негаки, "Ҳолва деган билан оғиз чучук бўлмайди". Зарур бўлганда дам олинг, лекин мақсад билан эмас. Кучга тўлиш учун керагича дам олинг. Чунки ҳолдан тойганча ишлаш ҳаётингизнинг қадр-қимматига хавф солади. Ҳасадгўйлар кузатиб юрадилар. Ҳар бир берилган ваъдага жавоб бериш керак.

Буйруқларга эмас, маслаҳатларга қулоқ солинг. Фақат ўзингизга буйруқ беринг. Авраам Линколн айтган: "Ҳеч кимнинг қули бўлмасам, ҳеч кимга хўжайин ҳам бўлолмайман".

"Кўп қатори" юрманг. Уларнинг ўзларини оқлашларидан фойдаланманг. Ҳаётингиз учун жавобгар бўлинг.

## ХАЁТИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРИШИ МУМКИН БҮЛГАН ТҮРТ ТҮЙФУ

Инсон зоти ҳеч нарсадан нимадир пайдо қилишдек ажойиб хусусиятга эга. У ҳис-ҳаяжон кучи билан катта қаҳрамонликлар кўрсатиши (шунинг баробарида энг катта талон-тарож ишларни ҳам амалга ошириши) мумкин.

Туйфу - бу сизнинг ичингиздаги энг қудратли куч. Туйфу чўлни боққа, тийинни хазинага айлантиради. Туйфу - бу ёнилғи. Ақл эса - кемани ҳаракатга келтирувчи ёки инсоният тараққиётини ривожлантирувчи кучdir.

Қанақа туйфулар одамни ҳаракатга келишга мажбур қиласди?

Тўргта туйфу мавжуд. Уларнинг ҳар бири ёки уйғунликда бениҳоят ақлга сифмайдиган ҳаракатларга чақиради. Агар сиз туйфунгизни хоҳишингиз билан мустаҳкамласангиз, ана ўша кун ҳаёtingизда қайта қуриш юз беради.

### 1. НАФРАТ туйфуси.

Биз ҳеч қачон нафрат туйфуси билан ижобий ҳаракатни боғлай олмаймиз. Шунга қарамасдан, бу туйфу тўғри йўналтирилса, инсон ҳаётида ўзгариш бўлиши мумкин. Нафрат туйфуси шунақа кучки, инсонни шундай баланд нуқтага чиқарадики, орқага қайтишнинг иложи ҳам бўлмай қолади. Ҳаттоқи, у "Бас, етар" деган ҳайқириқ билан чиқади.

Худди мана шу сўзни мен ҳам 25 ёшимда айтганман. Негаки, кўпдан-кўп камситишлар бошимдан ўтгандан сўнг "Энди бунақа яшашни хоҳламайман", деганман. Ўшанда бўйнимгача қарзга ботгандим. Фойдали нафрат туйфуси қачон келади? Қачонки, одам "Етар, энди етар!" деганда. У "йигит" охир-оқибат воситачи бўлишдан чарчаган. У оғриқли қўрқув туйфусида камситилишдан тўйган. Энди бошқача яшашга қарор қилган.

У ёқ-бу ёққа қаранг. Бу кун ҳаёtingизни ўзгартериб юбориши мумкин. Бу кунни қандай хоҳласангиз, шундай атанг. "Бас, етар, энди етар, бас!" дейсизми, "Бошқа

ҳеч қачон!" дейсизми, қатъий назар бу кун катта кучга эга. Ҳеч бир нарса нафрат туйғусидек ҳаётингизни аврастари билан ўзгартириб юборолмайди.

## 2. ҚАРОР.

Кўпчилигимиз бир қарорга келиш учун ўзимизни мулзам қилиб, мажбур қилишимиз даркор. Бир қарорга келдикми, биз дарров шу қарор билан боғлиқ ички қарама-қарши зиддиятларга дуч келамиз. Биз йўлнинг ажралиш жойига келиб қолдик. Бу йўл икки, уч ёки тўрт тарафга қараган бўлиши мумкин. Сиз қарор қабул қилган кундан бошлаб ичингизда муаммолар жараёни бошланади. У сизга тунлари уйқу бермай, совуқ терга ботасиз. Худди ичингизда "фуқаролар уруши" бўлаётгандек. Туйғулар армиясининг бир-бири билан жангি. Уларнинг ҳар бири ўзларининг арсенал далил-исботлари билан чиқиб, бизнинг эс-ҳушимиз, ақл-идрокимиздан юқори турмоқчи бўладилар. Қароримиз қандай қабул қилинган - мардларчами ёки қўрқоқлик билан, пухта ўйлабми ё тентакларчами, ҳаракатни йўналтиришга қодирмизми ё уни тўхтатамизми?

Қарор қабул қилиш учун мен сизларга қуидагилардан бошқа кўп маслаҳат бермайман: нима қилишингиздан қатъий назар бошингиз қотиб тўхтаб қолманг. Бир қарорга келинг. Ҳеч нима қилмагандан кўра, нотўғри бўлса ҳам, бирор иш қилганингиз маъқул. Ҳар биримиз довдирмасдан, эс-ҳушимизни йиғиб олиб, ўз туйғумизга эга бўлишимиз керак.

## 3. ИСТАК.

Истаклар қаердан келиб чиқади? Бу саволга аниқ жавоб беролмайман. Лекин истак тўғрисида икки нарсани биламан:

- а) у ташқаридан эмас, ичдан келади;
- б) у ташқи кучдан ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Қарийб ҳамма одам тилак билдира олади. Бу вақт ва тайёргарликнинг иши. Бу юракни ўт олдирган қўшиқ, бирор-бир панд-насиҳат, бирор-бир кино, дўстлар сухбати, душман билан юзма-юз келиш, ҳаттоқи китоб ё

бирор руқн остида поэма, нима бўлишидан қатъий назар сизга ички туртки берсин ва инсонни "Мен буни ҳозир хоҳлайман", деб юборишга мажбур қилсин.

Шунинг учун чин юракдан хоҳиш билдиринг. Ҳаётда орттиришингиз мумкин бўлган малакадан ўзингизни ҳимоя қилманг. Ўзингизни аяманг. Мана шунда ҳеч нарсадан ҳафсалангиз пир бўлмайди, кўнглимиз қолмайди. Ҳаётнинг сизга кириб боришига йўл қўйиб беринг. Ҳозир бўлмаса, келаси сафар албатта яхши истаклар ҳаётингизни ўзгартириб юборади.

#### 4. ЖАСОРАТ.

Жасорат "Мен бўламан!" дейди. Бу икки сўз энг қудратли куч. "Мен бўламан!" Буюк Британия давлат арбоби Бенжамин Дизраэли айтган: "Ҳеч нарса инсон иродасига қарши тура олмайди. Негаки, у олий мақсад йўлига тикилган картадир". Бошқача қилиб айтганда, кимдир "қилишга ёки ўлишга" қарор қилдими, уни тўхтатиб бўлмайди.

Скалолаз айтади: "Мен тоғ чўққисига чиқаман. Улар менга у жуда баланд, жуда узоқ, жуда сирпанчиқ, жуда айланма, жуда қийин, оғир, дердилар. Лекин бу менинг тоғим. Мен унга чиқаман. Тез орада чўққидан туриб сизларга қўл силкитаман. Ёки сизлар мени бошқа кўрмайсизлар. Негаки, агар чўққига чиқа олмасам, мен қайтиб келмайман". Бу қарор билан баҳслашишга кимнинг қурби етади? Шунақсанги темир иродали инсонларга дуч келиб тасаввур қиласманки, ВАҚТ, ТАҚДИР ва АҲВОЛ биргалашиб мажлис қилиб, қарор қиласди. "Охир-оқибат мақсадга етишиш учун биз қила оламиз, чиқишга ҳаракат қилиб ё чиқаман, ё ұламан", дейди.

Қачонлардир Калифорния штатида мактаб болалари га маъруза ўқиганимда жасорат тўғрисида савол берганман. Шунда бир ўқувчидан аниқ жавоб эшитгандим. Саволга кўп болалар қўл кўтарди, яхши ижобий жавоблар айтишиди. Лекин энг охирги партада ўтирган уятчан қизалоқ секингина "Жасорат - бу ўзига сўз бермоқ, ҳеч қачон орқага қайтмаслик учун ўзига сўз бермоқ!" деб жавоб

берганди. Мана ўша аниқ жавоб: "Хеч қачон орқага қайтмаслик учун ўзига сўз бериш!"

Ўйлаб кўринглар, ёш бола юриб кетишни ўрганиши учун қанча ҳаракат қиласди? Унга бунинг учун ўртача бир вақт берасизми? Ёки "Бўлди энди, вақт ўтдӣ, вақтдан фойдалана олмадинг", дейсизми? Сиз буни аҳмоқлик, тентаклик деб ўйлайсиз, тўғрими? Албатта ҳар бир она фарзанди юриб кетгунича ҳаракат қилдиради, юришни ўргатади. Шунинг учун ҳамма одам юра олади.

Бу ҳаёт мактаби. Ўзингиздан сўранг: "Орзуимга етишиш учун қачонгacha яшайман?" Мен керагича, деб жавоб бераман.

## ҲИС-ҲАЯЖОН

Ҳис-ҳаяжонимиз бизни бошқариши ёки бизга хизмат қилиши фақат ўзимизга боғлиқ. Ҳис-ҳаяжонимиз билим ва интеллектга муҳтож.

Ҳаётни қандай қилиб ҳис қилиш ва ўзимизга киритишни билишимиз муҳимдир. Ҳис-ҳаяжонингиз ўлчовини билинг. Ҳар қандай аҳамиятсиз нарсага атом бомбасидек портлаб кетиш шарт эмас. Эмоционал сигнал қабул қилиш аёлларда ҳайратда қоладиган даражада кучли бўлади. Масалан, баъзи бўрилар шунчалик ақллики, улар қўйлар жунига ўралиб, ястаниб оладилар. Эркаклар уни "Худди қўйга ўхшайди" ёки "Қўй-ку", десалар, аёллар "Қўйга ўхшайдиган нима экан бу?" дейдилар.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Жим, мен тармоқли маркетингнинг паст дараҷадаги бир группасига раҳбарлик қиласман. Уларни ўзлари устида ишлашга чақираман. Улар бу ишни қилганларидан натижа бизнесда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам ғалати бўлиб ажралиб туради. Шуни сездимки, улар энди улгурган пайтларида ўта бандликларини кўрсатиб, ўрганишни

тұхтатишини хоҳлаб қоладилар. Давом эттиришга ҳожат йўқ, дейдилар. Шу борада нима маслаҳат берасиз?

**Жавоб:** Биринчи бўлиш - бу буюк иш. Мактабга борган кунимиздан бошлаб, то умримизнинг охиригача биз нима муҳим, нима муҳим эмаслигини танлаб олишимиз керак. Менимча, ҳеч қачон янги билимлар олишни тұхтат-маслигимиз керак.

Одамларни ушлаб қолишининг яхши бир йўли - уларни мунтазам семинарларга, тадбирларга, тренингларга йўналтириш, китоб, видео-кассеталар кўришга даъват қилиш. Токи қаерда билим бўлса, улар ҳамма вақт ўша ерда бўлсинлар. Одамларни шахс сифатида ривожланишига йўналтириш худди радиоприёмникни керакли частотада сақлашга ўхшайди. Сиз тинчгина яшяйпсиз, бирдан қанақадир цитата ёки тарих тўғрисида эшигдингиз. Бу сизни руҳлантириб юборди. Энди сиз ўз мақсадингиз ва бурчингиз тўғрисида ўйлай бошладингиз.

Эсингизда бўлсин, билим ҳамма вақт жамланиб боради. Бу тўртта рақамдан иборат қулфни учтасини биласиз - тўртинчисини ҳам топаман, дейишдек гап. Лекин биз қайси семинарда ёки китобда ўша тўртинчи рақам бўлишини ҳеч қачон аниқ билмаймиз. Ҳа, баъзида инсон ўз устида ишлашдан чарчаб бошқа томонга қадам ташлайди. Шунда сиз унинг шахс сифатида ўсишида иштирок этиб, уни йўналтирсангиз, муҳими шу билан яшасангиз, улар албаттга ўрганишга тайёр бўладилар ва ҳеч қачон ўрганиб ривожланишга нисбатан хоҳишилари сўнмайди. Аксинча, энди ўсиб, ривожланишга интиладилар.

Даромад олиш - бу бир ишга яқинроқ бориш ва ишга киришиш демакдир.

## КИТОБ ЎҚИНГ

Бахтли, бой, соғлом, кучли ва муваффақиятли бўлиш учун ўқилмоқчи бўлган китобларнинг қарийб ҳаммаси ёзib бўлин-

ган. Турли ҳаёт йўлларидан ўтиб, муваффақиятга эришган инсонлар чўнтакларидағи тийинлардан катта бойликка, омадсизликдан муваффақиятга эришганликлари тўғрисида ёшиб қўйганлар. Биз илҳомланишимиз учун, кучли билимларидан ўрганишимиз учун ва ўз муваффақият фалсафамизга эга бўлишимиз учун улар ўзларининг бой малакалари ва донишмандликларини бизга қолдирғанлар. Биз уларни худди ўшандай такрорлай олмаймиз.Faқат уларнинг зийракликлари, фаросатларидан фойдаланиб, хатоларидан қочиб, ўз режаларимизни тузамиз. Уларнинг донишмандлик насиҳатлари билан ўз ҳаётимизни ўзгартиришимиз мумкин.

Бизга керак бўладиган инсон зотининг барча донишмандлиги бошقا одамлар томонидан аллақачон китобларга йиғиб қўйилган. Бу бебаҳо маълумотлар бизнинг ҳаётимизни яхши томонга ўзгартириш учун катта қудратга эга. Ушбу китобда тўкин-сочинлик, соғлик, ўзаро муносабат, фарзандлар камоли жамланган. "Охирги тўқсон кунда нечта китоб ўқидингиз?" деган ҳақли савол туғилади.

Нега ҳаётимизни ўзгартириш мумкин бўлган китобларга эътибор бермаймиз? Нега эътиборсизликни давом эттирамиз-у кейин шикоят қиласми? Нега эътиборсизлигимиз оқибатини лаънатлаб, яна ўзимизни оқловчи сабаблар кўрсатишда давом этами? Нега фақат З фоизгина аҳоли ҳаётини ўзгартириш учун туғиладиган барча саволларга жавоб берувчи китоблардан фойдаланади? Улар кутубхоналарга қатнайди. Ҳаётини яхшилашга интилган инсон бу китобларни ўтказиб юбормайди. Негаки, ўтказиб юборгани унга ёрдам бера олмайди. Муаммо китобнинг қимматлигидами? Агар инсон китобнинг нархи баланд деб ҳисобласа, бир кун келиб шу китобни сотиб олмагани учун катта тўлов тўлайди.

Китоб ўқий олмайдиган ва ўқишни хоҳламайдиган одам ўртасидаги фарқ катта эмас. Икки ҳолатда ҳам эътиборсизликнинг оқибати. Мукаммал инсон бўлиб етишиш учун ўқишга, билим олишга жиддий эътибор бе-

риш керак. Яхши ўқишини ўргатувчи курслар мавжуд. Минглаб китоблар кутубхона жавонларида ўз ўқувчила-рини кутиб ётибди. Ҳаётимизни ўзгартиришда биз билан китоб ўртасида ҳеч нима турмаслиги керак.

Китобларни ўқишда давом этиб, сиз қисқа вақт ичидя янги, фойдали кўпгина нарсаларни ўрганасиз. Агар сиз вақт тополсангиз, тезгина қўлингизга китобни олишга ўзингизни мажбур қилмасангиз, иродали бўлмасангиз, дарров бўшлиқни эътиборсизлик эгаллаб олади. Кимки гўзал ҳаётни орзу қилса, у аввало шахс сифатида ўсган бўлиши керак. У мукаммал даражадаги ҳаёт фалсафасига эга бўлиши керак. Ўқишига кўникма ҳосил қилиш - бу баҳт ва муваффақиятга элтувчи энг яқин йўл.

## КУТУБХОНА

*Керак бўлса, тушликни ўтказиб юборинг,  
лекин китобни эмас.*

Баъзилар ёмон романни ҳам ўқиш керак, дейди, ҳатто-ки ўшанда ҳам қанақадир қиммат нарса топилади. Манти-қан ёндошсак, яхшилаб қидирсанг, ахлатхонадан ҳам нон бўлагини топса бўлади. Лекин шу иш қилишга арзийдими? 250 минг доллар турадиган қасрларга, данфиллама участкаларга эга бўлган инсонларнинг уйларида кутубхоналари бор. Бу кўп нарсани англатади. Нимага муҳтож-лигингиз бўлса, ҳаммаси мавжуд. Сиз фақат кутубхонага боришингиз керак. З фоизгина американкларнинг кутубхонадан фойдаланишининг бирор маъноси бордир. Балки у жуда қиммат турад? Йўқ, у бир чақа ҳам турмайди. Эҳтимол, кутубхона уйингизнинг ёнгинасида жойлашган.

Баъзилар шунчалик ҳам ўқийдиларки, уларнинг миялари қуришиб қолган (ҳаётий фаолиятини йўқотган миялар). Ҳозир мен энг ажойиб кутубхоналарнинг бирининг эгасиман. Кутубхонамдаги ҳамма китобларни ўқимаган-

ман. Буни тан оламан. Лекин қачонки бирор китоб билан танишиб чиқсам, ўзимни ақллироқ бўлганимни ҳис қила-ман. Ёмон адабиётларни ўқиманг. У кўнгилочар бўлиши мумкин, лекин сизга ҳеч қанақа фойда келтирмайди. Ўқимаган китобингиз сизга ёрдам беролмайди.

Китоблар бор, уларни топиш ва сотиб олиш осон. Китоб жилди билан магазинда 6 ёки 7 доллар туради. Бу пулни сиз болангиздан ҳам қарзга олишингиз мумкин. Гап китобнинг нархида эмас, гап китобни ўқимаганингиз сизга қанчага тушишида.

## ЧУМОЛИ ФАЛСАФАСИ

Мен болаларга доим чумоли фалсафаси деб номланган тўғри ҳаёт йўлини уқтириб келаман. Чумолилар ҳайратда қолдирадиган 4 та концепциядан иборат ажойиб фалсафага эга:

1. Чумолилар ҳеч қачон орқага қайтмайдилар. Агар бирор ёққа кетаётган бўлса, халақит берсангиз ёки тўхта-тишга уринсангиз, улар дарров бошқа йўл топадилар. Қандай ажойиб фалсафа! Ҳеч қачон таслим бўлмаслик, орқага қайтмаслик! Ҳар қандай услубни қўллаб айтилган жойга етиб бориш!

2. Чумолилар ёз бўйи қишиғамини ейди. Ҳамма вақт ёз бўлиб турмайди. Ёзда ортиқасини қишига фамлайди.

Эски тарихдан маълум: "Уйингни тупроқдан қурма". Нега бу насиҳат бизга муҳим? Негаки, реалист бўлиш керак. Ёзнинг иссиқ кунларида кўл бўйида дам олиб, кузнинг қаттиқ шамоли тўғрисида ҳам ўйлаш керак. Келажак ҳақида ўйланг.

3. Чумолилар қиши бўйи ёз тўғрисида ўйлади. Бу жуда муҳим. Улар қиши ҳам мангу чўзилмаслиги, тез орада бу ердан чиқиб кетишлари тўғрисида ўйладилар. Иссиқ кунлар бошланиши билан улар ер юзига чиқа бошлайди-

лар.. Яна совуқ бошланса, улар дарҳол яширинадилар. Иссиқ бўлиши билан яна чиқа бошлайдилар. Улар ҳамма вақт яхши ўзгаришларни кутиб яшайдилар.

4. Чумолилар қишига тайёргарлик кўриш учун ёз бўйи қанча меҳнат қиласидилар? Қанча ишлай олсалар - шунча, ишлай олганларича. Қандай ажойиб фалсафа! Қўлдан келганча ҳамма ишни қилиш лозим.

Ҳеч қачон таслим бўлманг, орқага қайтманг. Қўлингиздан келган ҳамма ишни қилинг.

## ШАХСИЙ ФАЛСАФА

Камроқ ишлаб, кўпроқ олиш истаги иқтисодий муаммоларнинг бошланишидир. Агар хатоларингизни тўғриламоқчи бўлсангиз, сиз ҳаёт фалсафангизни ўзгартиришингиз керак. Охирги 90 кун ичida китоб ўқимаганингиз ёмон. Ундан ҳам ёмона китоб ўқиш муҳим эмас, деб ҳисоблашингиз.

Шахсий фалсафангиз сизнинг ҳаёт факторларингизни аниқлаб беради. Одамлар ўз фалсафаларини тўғри йўлга солиб, ҳаётларини ўзгартириб юборишлари мумкин. Келажакда молиявий аҳволингизни пул эмас, сизнинг фалсафангиз аниқлаб беради. Бошқаларнинг фикрини ўзластириб олманг. Ўзингизнинг шахсий фалсафангизни ривожлантиринг, у сизни муваффақиятга олиб боради.

Агар сиз курсни тўғри танлаб олсангиз, шамол ҳамма вақт сизни орзунгиз томон олиб боради. Тўғри йўлдан борасизми ёки хато қилиб юраверасизми - фалсафангиз шуни аниқлаб беради.

## ИМКОНИЯТЛАРНИ СЕВИНГ

Ойлик-маошдан кўра даромад яхшироқ. Ойлик-маоштирикчиликка етса, даромад инсонни бадавлат қиласиди.

Кимдир инсон қилаётган ишини севиб қилиши лозим, дейди. Түгри, лекин сиз имкониятни севишиңгиз керак.

Имконият - бу келажак, соғлик, муваффақиятдир. Балки тақијлалаётган эшикдан кириш сизга ёқмас. Лекин ўйлаб күринг, бу эшик орқасида сизни нималар кутяпти? Масалан, бир йигит: "Мен ариқ қазийман. Энди ариқ қазиши яхши кўришим керакми?" деса, жавоб шундай: "Йўқ, сиз ариқ қазиши севишиңгиз шарт эмас, аммо шу иш сизни муваффақиятга олиб борса, ардоқланг". Сиз ўзингизга "Мен шу ариқ қазиш менга ажойиб имконият бергани учун хурсандман. Ариқни яхшилаб қазийман, чунки бу ерда бир умр қолиб кетмоқчи эмасман", денг.

Майли, кичкинагина муваффақиятдан ҳам завқланинг, илҳомланинг. Аввал қилмаган ишингизни қилиш балки сизга қийинчилик туғдирап. Майли, хатоликларга йўл қўйинг. Бу тўғрида ўйламанг. Сиз имкониятни ва шу имкониятни сизга берган инсонни қадрланг. Ўзингиздан кўра олдинроқ сизга ишонган кишини ҳурмат қилинг. У сизга "Эй, мен бу ишнинг уддасидан чиқдимми, демак, сен ҳам қила оласан", деганди ўшанда.

Ўзингизга бўлган ишонч тез орада ўса бошлайди. Буни ўзингиз сезасиз. Сиз ҳамма нарсага ишончсизлик билан, хавфсираб қаровчи одамдан ижобий инсонга айланасиз. Дунёда энг яхши имконият - бу инсонлар билан мулоқотда бўлиш эканига ўзингиз амин бўласиз. Ҳар бир учрашган одамингиз ким? Балки сизнинг бир умрлик дўстингиз бўлиб қолар? Балки буниси кетиб қолар? Буни вақт кўрсатади. Бошида сиз олдингизда турган одамни тушуниб олиш учун қанча вақт ўтиши кераклигини билмайсиз. Шунинг учун ҳаммасини ташлаб кетишдан олдин шуни эсда тутингки, муваффақият ишонч, интизом, муносабат ва узоқ муддатли мажбуриятга асосланган. Сиз ҳозир қилаётган ишингизни севмассиз, лекин бу иш сизни эртанги катта имкониятларга олиб боради.

## ХОҲИШ

Инсон ўзига нима кераклигини аниқ билса, уни олиш ва унга эришиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қила олади. Ҳа, фақат инсон ана шундай ажойиб қобилиятга эга. Лекин "керак" ва "хоҳиш" ўртасида катта фарқ бор.

Энг яхши руҳланиш - бу инсоннинг ўзини руҳлантириши. Ёш киши: "Кимdir менга ҳақиқат йўлини, тўғри йўлни кўрсатсайди", дейди. Ўша одам келмаса-чи? Сиз шунга тайёр бўлишингиз керак. Агар сиз бирор нарсани хоҳлассангиз, уни топишнинг йўлини ҳам топасиз. Руҳланишнинг ўзи етарли эмас. Агар сиз аҳмоқни руҳлантирсангиз, натижада руҳланган аҳмоқни кўрасиз. Билиб қўйинг, хоҳиш вақт ўтиши билан ўз кучини йўқотади.

## РУҲЛАНИШ ВА МАНИПУЛЯЦИЯ

"Руҳланиш" сўзи билан "манипуляция" (эпчиллик билан найранг ишлатиш) сўзларини тез-тез адаштирамиз. Уйга вазифани бажариш, қилган ишига жавоб бериш, билим олиш, буларнинг ҳаммаси руҳланишнинг оқибати. Манипуляъия эса бошқаларни ўзингизнинг шахсий фойдангиз учун ҳаракат қилишга ундаш, арзимаган нарсани қиммат нарҳда сотишдир.

Қўшимча ҳақ тўламасдан ишдан ташқари ишлатиш ҳаракатлари манипуляъияга мисол бўлади. Бу билан шуғулланган инсон хароб бўлади. Манипуляторларнинг таъсиrlари одамларга катта бўлади. Кўпинча одамлар уларнинг ҳаракатига керагича жавоб бера олмайдилар.

Лидерлик - бу ўзаро қизиқишлиар, яъни сиз учун ҳам, улар учун ҳам керакли ҳаракатлардир. Руҳланиш билан манипуляъияни тенглаштириш худди эзгулик билан алдовни тенглаштиришдек гап: Буларнинг фарқига этиш инсоннинг ўзига ҳавола. Руҳланиш инсонни ўз хоҳиши билан ҳаракат қилишга ундейди. Манипуляция эса маж-

бурий келишувлар билан тугайди. Биринчиси узоқ ва ахлоқий ҳаётый ҳаракатлар бўлса, иккинчиси вақтингчалик ва беодоблиқдан иборат бўлади.

Лидерлар ва руҳлантирувчилар ғалаба қиласидилар. Манипуляторлар дарфазаб бўлиб, келишолмай ютқазадилар. Руҳлантирувчи бўлинг. Ўз одамларингизни ил-ҳомлантиринг, ҳеч қачон манипулятор бўлманг.

Дилкаш одам ўзгармайди. Яқинда шундай ўқигандим: "Биз одамларга ёқимтой, жозибали бўлишни ўргатмаймиз. Шунчаки ёқимтой, жозибали инсонларни ишга оламиз". Қандай яхши сўзлар!

Даромад камдан-кам ҳолларда инсонни шахс сифатида ўзгартиради.

## ЎЗ НАТИЖАЛАРИНГИЗНИ КУЗАТИНГ

Осонига чопманг, ақллироқ бўлинг. Муаммолардан қочманг, донишманд бўлинг, синовлардан қўрқманг.

Учта ётакчи сўзни эслаб қолинг: тарози, ҳисоб ва ўлчов.

Нега тарози, ҳисоб ва ўлчов керак? Чунки фаолиятингиз натижаларини, муносабатингизни ва ўз фалсафангизни кўрасиз. Агар фаолиятингиз натижалари сизга ёқмаса, сиз уч нарсадан жавоб қидиринг. Фалсафангиз тўғри бўлиши керак, ишингизга нисбатан муносабатингиз актив бўлсин. Демак, сизнинг қўшимча билимга эҳтиёжингиз бор. Фаолият ва ишга муносабат яхши натижаларни пайдо қиласи.

Энди натижалар тўғрисида. Ақл билан ишлатилган вақт сизга аниқ натижалар беради. Бу ҳаёт тақозоси. Ишларимиз жуда ҳам кўп, улар бизни кутиб турмайди. Ҳар қандай вақтда натижаларни чамалаб кўриш керак.

Мана бир қанча вақт ўлчамлари:

Биринчи рақам - куннинг охирида. Сиз кунни ҳеч нимага эришмасдан бефойда ўтказманг. Эскиларда бир гап бор: "Агар жаҳлингиз чиқса, қуёш ботмасдан ўзингизни тинч-

лантиришга ҳаракат қилинг". Фазабингизни бошқа кунга кўчирманг. Бу жуда оғир юк. Бу юкни ҳафта давомида кўтариб юрсангиз, у қаддингизни букиб қўяди. Шунинг учун баъзи нарсаларни кун давомида бажаришингиз керак.

Навбатдагиси - натижаларни текшириш. Бу ҳафталик натижаларни қараб чиқиш лозим. Биз ойлик-маош тўлаш учун 'ҳафталик ишларимиз ҳисобини олиб боришимиз керак. Ишларингиз қолиб кетишига қарамасдан, сиз ҳафта охирида албатта ҳафталик натижаларни кўриб чиқишингиз керак. Бизнесда икки нарсани ҳафта давомида текшириб бориш керак: бу сизнинг фаолиятингиз ва ишларингиз натижаси. Ишларингиз қандай натижалар бераётганини билишингиз керак.

Бир куни устозим менга "Муваффақият сонлар ўйинидан иборат", деб айтди. Сўнг:

- Охирги 90 кун ичида нечта китоб ўқидинг? - деб сўради.

- Бирорта ҳам ўқимабман.

- Яхши эмас. Билимингни ошириш учун охирги олти ой мобайнида нечта дарсга қатнашдинг?

- Ҳеч қанаقا.

- Яхши эмас. Охирги олти йил ичида қанча пул иқтисод қилдинг?

- Ҳеч қанча.

- Яхши эмас. Жим, агар бу сонларни ўзгартирасанг, ҳаётинг ўзгармайди. Агар шу сонларни яхши сонга ўзгартирасанг, ўзинг фарқини ҳам сезасан.

Ҳа, муваффақият ва натижалар - бу сонлар ўйини. Жон унчалик катта бўлмаган савдо компаниясига ишга келди. Унинг ҳафталик юмуши ўнта телефон билан боғлиқ ишни бажаришдан иборат. Шундай қилиб, жума куни менежер ундан сўради: "Нечта телефон ишини бажардинг?" Жон: "Ҳалиги..." деди-ю буни бажариш учун кўп куч йўқотгани ва ҳоказоларни айтди. Менежер: "Жон, бизга гап керак эмас, бажарган ишингнинг сони керак. Гапни биз ўзимиз

ўйлаб топамиз. Фақат рақамлар аҳамиятта эга. Вақтдан унумли фойдаланиш - тараққиётга эришишдир. Энг яхши ҳисоб - бу ўзинг олиб борган ҳисоб. Буни сен учун давлат ёхуд фирма ё ташкилотинг қилиб беришини кутма. Ўз ҳисоб-китобингни ўзинг қил ва ўзингдан сўра: "Ишларим юришяптими, хоҳлаган нарсамга ҳозир эришаманми ёки келажакдами?" Ўзингизга судя бўлинг.

## БОЗОР

Дадам: "Сенга кўп пул тўлайдими, камми, ҳамма вақт сен кўп иш қилгин", деб ўргатар эди. Қанча ишлайсиз, олти ҳафтами, олти ойми, фарқи йўқ, кетаётганда ишингизни олган вақтдагидан кўра яхши аҳволда қолдириб кетинг.

Бозорга талабингиз билан эмас, уддабуронлигингиз билан киринг. Агар ўзингизни ёмон ҳис қилсангиз, докторга мурожаат этинг, бозорга эмас. Пулга муҳтоҷлигингиз бўлса, банкка боринг, бозорга эмас. Агар сиз сотувчилик қилсангиз, тирикчилик учун пул ишлайсиз. Агар сиз шу жараённи инвестиция қилсангиз, тўкин-сочин ҳаётга эришасиз.

Жиддий тайёргарлик кўрмаганингиз бозорда билинади. Иш бошида ўзингизга ишончсизлик сезсангиз, бу энди бозорда келажагингиз йўқ, дегани эмас. Яхшиси, ўз ишингиздан қониқиш ҳосил қилинг.

Бизга бозорга нима олиб келганимизга қараб тўлашади. Бунга кўп вақт сарфланади. Бизга вақтга эмас, хизматимизга, нарсамизга ва предметларга тўлашади.

Иш ташлашнинг асосий вазифаси - катта пул олиш. Аммо сиз фақат талаб қилган билан бадавлат бўлолмайсиз.

Эскидан қолган иккита муҳим сўз бор - қидиринглар ва сақланинглар. "Имкониятни изланг ва қидиринг, ифво ва васвасадан сақланинглар".

Қоғозда режалаштирмасдан ҳеч қачон кунингизни бошламанг.

Кам ишлаб, күп нарсани хоҳласангиз, иқтисодий мұаммолар бошланади.

## ЯХШИ ҲАЁТ НИМА?

Хеч нарса осмондан тушмайди. Яхши яшаш учун яхши ишлаш керак. Ҳаётда асосийси ойлик-маош эмас, "Мерседес" эмас, миллион доллар эмас, банқдаги ҳисоб рақами эмас. Асосийси яхши яшаш керак деб ҳисоблайман.

Биз ҳамма вақт ўзимизга "Мен учун яхши яшаш нима дегани?" деб савол беришимиз керак. Сиз ҳам ҳамма вақт бунга жавоб излашингиз лозим. Үнга иқтисод, соғлик, руҳият, муносабат ва дам олиш киради. Қисқаси яхши ҳаёт нима дегани?

Биринчидан, самарали бўлиш. Самарали бўлмасангиз, сиз баҳтли бўлолмайсиз. Ҳаёт - дам олишдан иборат эмас. Одамлар кучга тўлиб, яна ишга қайтиш учун дам оладилар. Ҳаётнинг маъноси нима? Ҳаётнинг маъноси меҳнатингиз масъулини кўришдан иборат. Дадил бўлинг, жасорат кўрсатинг, ана ўшандা меҳнатингиз натижасини, самарасини кўрасиз. Демак, самарали бўлиш - яхши ҳаётнинг биринчи омилидир.

Иккинчи омил - бу яхши дўстлар. Дўстлик - дунёдаги энг катта совға. Дўстларингиз билан бирга бўлишга вақт топинг. Бу эҳтиёжнинг жойини ҳеч нарса босолмайди. Дўстлар - булар ажойиб инсонлар, улар сизни танийдилар, сиз тўғрингизда ҳамма нарсадан хабардор ва барибир сизни севувчи инсонлар. Мен яқинда энг яқин, қиёматли дўстларимдан бирини йўқотдим. У 58 ёшда юрак хуружидан вафот этди. Дэвид ҳаётдан кетди. У энг яхши дўтларимдан бири эди. Мабодо, мен қамалиб қолган тақдиримда менга бир марта телефон қилиш имконияти берилса, албатта Дэвидга сим қоққан бўлардим. Негаки, у албатта келиб мени қамоқдан қутқазиб кетарди. Бу дўстлик деб аталади. Кимки сизни келиб қутқарса, ўша дўст бўлади. Албатта ҳамма-

мизнинг биродарларимиз бор. Қачон чақирангиз, улар: "Телефон қилиб тургин, биз бирга вақтимизни чоғ ўтказамиз", дейди. Келинглар, ҳақиқий дўст ва биродарларимиз бор бўлсин. Дўстларингиз, оғайниларингиз бўлиши шарт.

Навбатдаги учинчи омил - бу маданият, тил, мусиқа, урф-одатлар, анъанлар, кийиниш. Буларнинг ҳаммаси ҳаётда муҳим. Ҳақиқатдан булар ноёб нарсалардир. Уларда ҳуқуқ, таъсир, адолат, энергия, қобилият мужассам.

Тўртингчи омил - динимиз, руҳиятимиз. У миллатимизнинг келиб чиқиши ҳисобланган оилани шакллантиради.

Характерингизнинг руҳий томонига эътиборсизлик қилманг. Руҳиятингизни эҳтиёт қилинг. Руҳиятингиз сизнинг қандай инсон эканингизни кўрсатади. У бизни бошқа жонзотлардан - ҳайвонлардан, итдан, мушукдан, қушлардан ва сичқондан фарқлади. Демак, руҳиятни эъзозланг.

Бешинчи омил - ота-онамиз ўргатган ҳеч нимани ўтказиб юбормаслигимиз керак. Кинолар, буюмлар, чиқимлар, шоулар, рақслар... нимага қатнаша олсангиз, ҳаммасига қатнашинг. Иложи бўлса, ҳаммасига чипта олинг. Ота-онам мени шуларга ўргатган эди. Ҳали ҳам шулар менга ёрдам беради. Отам 93 ёшида вафот этди. Агар унга кеч соат 10:30-11:30 ларда телефон қилсангиз, уйда топа олмас эдингиз. У болаларнинг софтбол ўйнашлини кузатар эди, конъертларга, черковларга борарди. Ҳар кеч қаердадир бўлар эди.

Ҳаётда фаол яшанг. Ҳаётингиз яхши бўлса, яхши яшасангиз, даромад ҳам яхши бўлади. Агар сиз яхши яшасангиз, бу сизнинг овозингиздан, гапларингиздан сезилади, чеҳрангиздан барқ уриб туради. Агар сиз яхши яшасангиз, сиздан қандайдир кишини мафтун қилувчи хулқ-автор таралади. Бу фақат шахсий ҳаётингизга эмас, балки ишингизга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ва сизга дунёда ҳеч нарса шунчалик бера олмайдиган ҳаётий қобилиятни беради.

Охириги олтинччи омил - оила ва қариндошлар. Қариндошларни севинг, улар ҳам муҳаббат билан жавоб қай-

тарадилар. Уларнинг руҳини кўтаринг, улар сизнинг руҳингизни кўтаришади.

Бирон майда-чуйдан ўтказиб юборманг. Ҳаёт майда-чуйдалардан тузилган. Отам тириклигида мен саёҳат қилиб юриб, унга телефон қиласардим. Одатда у эрталабки нонуштани фермерлар билан қиласарди. У Айдахо штатининг шимолий-ғарбида жойлашган, унчалик катта бўлмаган қишлоқда яшарди. Агар мен Истроилда бўлсам, туннинг ярмida туриб, 5-6 дақиқа телефон қилиб: "Дада, мен Истроилдан", десам, у баланд овозда гапираварди. Унинг ўғли Истроилдан телефон қилаётганини ҳамма эшиксин-да. Яна мен: "Дада, кеча-кечкурун улар менинг шарафимга катта зиёфат уюштиришди", десам, энди буни ҳамма биларди. Бунга ҳаммаси бўлиб 10-15 дақиқадан кам вақт кетади. Аммо мен дадамга қандай унугли мас кун совға қиласардим.

Ота уйдан чиқа туриб қизининг ўпичларини ҳис қилса, бу унинг юзидан кўриниб туради ва кун давомида унга куч бағишлиади. Дадаларни ўпиб ишга кузатинглар. Аёл киши уйдан чиқа туриб эри билан қўлтиқлашиб кетса, буни ҳис қилган эркакка ўша қуни билан ҳеч қандай зарба ўз таъсирини ўтказолмайди. Булар одамни кучга тўлдиради, ўзига ишонч беради.

Бу жуда қадрли нарса, бундай имкониятларни ўтказиб юборманг. Бир киши айтган экан: "Ҳаётда қимматли нарсалар кўп, шулардан энг қимматлиси - бир одамнинг иккинчисига ғамхўрлик қилишидир". Муҳаббатдан қимматлироқ нарса йўқ. Қасрда ёлғиз яшагандан кўра севган кишиниз билан дарё бўйидаги ҳужрада яшаган афзал.

Демак, ишонч ҳосил қилинг, эсда тутинг, нима учун шу ишларни қиласиз?

## ҲАЁТ ТАРЗИ

Майли, бошқалар ҳаётга номуносиб бўлсин, лекин сиз эмас. Бошқа арзимаган майда-чуйда учун жанжаллаш-

син, лекин сиз эмас. Бошқалар арзимаган майда-чуйдаларга йиғлаб юрсин, лекин сиз эмас. Майли, бошқалар ўз тақдирини бироннинг қўлига топширсинг, лекин сиз эмас. Ҳаёт тарзи ўзгача яшаш санъатидир.

Кўпчилик инсонлар катта пул топишни ўрганадилар. Топа олганингизча кўпроқ пул топинг. Қанча кўп пул топсангиз, шунча муаммоларингиз ўз ечимини топади.

## МАҚСАД ҚҮЙИШ

Мен мақсад аниқ қилиб белгиланган бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Тасавуурингизда кўринарли бўлиши керак. Бундан ташқари, қўйган мақсадингиз сизга нима учун, нима сабабдан кераклигини билиб олишингиз лозим. Сабаби ҳар хил бўлиши мумкин. "Нима учун?" сабаби "Қандай?"дан кўра кучлироқ. Сабаб билан мақсад бир-бирига ўхшайди. Аммо фарқли томонлари ҳам бор. Сабабнинг энг қисқа рўйхати (аслида булар жуда кўп) сизнинг кучли интилувчанлигингиз:

1. Моддий бойликлар: ҳовли-жой, машиналар, қайиклар, спорт мусобақалари ёки театрга чипталар, таътилни ўтказиш. Моддий бойликлар жуда муҳим.

2. Оиласвий сабаблар ўта муҳим бўлиши мумкин. Оиласвий саёҳат, фарзандларнинг билим олиши, бошқа оиласларга ёрдам... Кейин биз ўзимиздан кўра оиласизга кўпроқ жон кўйдирамиз.

3. Тан олиш. Бу бизни олдинга юришга даъват этади. Рекорд натижаларга эриштиради. Вазиятдан келиб чиқиб, инсон уч муҳим омилни тан олиши керак:

а) ўзимизга тенг инсонлар доирасида ("Тенг тенги билан" қабилида);

б) устоз ва лидерларни ҳурмат қилиш;

в) оила ва дўстлар даврасида.

Шу уч нарсани тан олиб яшанг.

4. Сахийлик - очиққүл бўлинг. Бирор нарса одамни сахийликдек ёқимтой қила олмайди.

5. Ҳамма вақт ҳар жойда яхши инсон бўлинг. Ҳамма нарсага ўзингизни синаб кўринг. Янги мақсадларга эришинг. Ҳамма вақт чўққида бўлинг, ҳатточи бир кунлик бўлса ҳам. Буларнинг ҳаммаси сизга руҳий кўтаринкилик бағишлади. Хуллас, буларнинг ҳаммаси сизнинг орзунгиз томон биринчи қадамни қўйишга ёрдам беради. Сиз ўз меҳнатингиз, кучингиз масъулидан завқланасиз. Шу билан руҳий кўтаринкилик сизга муаммо бўлмай қолади. Омадингизни берсин!

Энг қизиги шундаки, муваффақиятга эришиш учун сиз ўзгаришингиз керак. Бир неча оддий ҳаракат сизнинг ҳаётингизга ўзгартириш киритади. Қанчалик кейинги 90 кун мобайнида ўзгаришлар рўй беришига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Энди кейинги 12 ой ёки уч йил тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Агар сиз болаларингиз билан суҳбатлашсангиз, улар билан оқилона гаплашсангиз, сиз уларнинг орзуларига эришишларига ёрдам берасиз. Иккаласи ҳам сизга буйсунади ва хизмат қилади. Ё бугунги кунни сиз бошқарасиз, ё бугун сизни бошқаради. Танланг, ё ишларни сиз бошқарасиз, ё ишлар сизни бошқаради.

## КУНДАЛИК ЮРИТИШ - СИЗДАН КЕЙИН ҚОЛАДИГАН УЧ ХАЗИНАНИГ БИРИ

Муваффақият - бу оддий ҳаракатларнинг ҳар куни такрорланишидан бошқа ҳеч нарса эмас. Шу билан бирга омадисзлик оддий хатоликларнинг ҳар кун такрорланишининг муқаррар натижасидир. Агар сиз ҳақиқатан ҳам кучли, соғлом, бой, таъсирчан, маданиятли ва нодир инсон бўлишни истасангиз, кундалик юритинг. Ўз хотирангизга ишонманг. Бирор қумматли нарса эшишиб қолсангиз, ёзиб қўйинг. Бирор муҳим нарсани кўриб қолсангиз, ёзиб қўйинг. Мен одатда

қоғоз парчаси ёки эски конвертларга белги қилиб қўядим. Мен фикрларимни ресторонлардаги қоғоз қўлсочиқларига ёзардим. Улар ахлат яшикларига кетарди. Кейин тушундимки, энг яхшиси, фикрларни тўплаш, кундалик юритиш... Мен 25 ёшимдан бошлаб кундалик юрита бошлаганман. Кундалик менинг кутубхонамнинг асосий қисми бўлса, интизом ўқиб-ўрганишимнинг асосини ташкил қилган. Мен кундалик учун тоза, оппоқ қоғозли китоблар сотиб оламан. Болаларим менинг устимдан куладилар. Негаки, тоза, оқ қоғозларга 26 доллар тўлайман-да. Улар буни беҳудага пул сарфлаш, дейдилар. Нега мен қуруқ китобларга шунаقا пуллар тўлайман? Чунки мен 26 доллардан анчайин қимматроқ бир нарсани топишни истайман. Ҳамма кундаликларим шахсан ўзимники. Агар бирор кун китобларимдан лоақал биттасини олсангиз, ўшанда бу 26 доллардан анчайин қимматлироқ эканини тушуниб оласиз. Шуни тан оламан, агар менинг кундаликларимга назар ташласангиз, бемалол мени жиддий, талабчан деб ўйлайсиз. У фақат менинг касбимга эмас, ҳаётда янги тушунчалар ўзлаштиришга ва уддабуронликка бағишиланган. Кундалик юритиш энг муҳим дарс. Мен буни энг қимматли уч хазинанинг бири деб атайман. Сиз уни ўзингиздан кейинги авлодга қолдиришингиз мумкин. Кейинги авлод сиздан қолган мебелларингиздан кўра сиз қолдирган бу уч хазинани кўпроқ қадрлайди:

Биринчи хазина - бу сизнинг суратингиз. Кўпроқ фотосуратга тушинг. Лаҳзадан фойдаланишга, ютишга эринчиқлиқ қилманг. Бир лаҳзани ушлаб олишга қанча вақт керак? Сониянинг бир қисми. Бир лаҳзани ўтказиб юбориш учун-чи? Унга ҳам сониянинг бир қисми. Демак, ҳар бир лаҳзани йўқотманг. Қачонлардир бу дунёни тарк этганингиздан сўнг сиз ҳақингиздаги хотиралар яшайди.

Иккинчи хазина - бу сизнинг кутубхонангиз. Бу сизни ўқитган, ўргатган кутубхона сизнинг идеалингизни ҳимоя қилишга, сизга ёрдам берган фалсафангизни ривожлантиришга кўмаклашади. Бой, кучли, муваффақиятли, соғлом

ва ўзгача бўлишга сизга ёрдам берган ўзгача кутубхонангиз! Балки касалликни енгишга ҳам ёрдам бергандир?! Балки қашшоқлик устидан фалаба қилишга кўмаклашгандир?! Сизнинг онгингиз ва юрагингизни озиқлантирган кутубхонангиз авлодингизга қолдирадиган энг катта совғангиздир.

Учинчи хазина - бу сизнинг инжиқлик билан йиққан фоя ва ахборотларингиз. Шу учта хазина сизнинг ўта жиддий инсон эканингизни кўрсатади. Расмга тушиш эса осон. Китоб магазинидан китоб сотиб олиш ҳам қийин эмас. Аммо шахсий ҳаётингизни, келажак тақдирингизни текшириш анчайин мураккаб. Кундалик юритишга ва белгилаб юришга вақт топинг. Натижалардан хурсанд бўласиз. Ўзингиздан кейин қимматли нимадир қолдириш - бу бир баҳт. Бугунги кундан завқланиш ҳам бир баҳт.

## КУНДАЛИК

Яхши фояларни тўпланг, ҳеч қачон хотирангизга ишонманг. Йўлингизда учрайдиган фоя ва ахборотлар учун энг яхши жой - бу сизнинг кундалигингиз. Кундалик учун катта пуллар сарфлашимнинг сабаби улар мени бирор-бир қимматли нарса топишимга мажбур қиласди. Ўз миянгиздан картотекадек фойдаланманг. Миянгизни муаммоларни ечишга ва жавоб топишга ишлатинг. Фояларингизни кундаликка ёзиб боринг. Ачинарлиси шуки, сиз охирги 90 кунда бирорта ҳам китоб ўқимагансиз. Бундан ҳам ачинарлиси китоб ўқиш муҳим эканини тушуниб ётмаганингизда. Молиявий келажагингизни пул эмас, балки сизнинг фалсафангиз аниқлаб беради.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ ЮЗ ЙИЛЛИК ТАЛАБИ

Майли бошқалар кам яшасин, лекин сиз эмас.

Майли бошқалар майда-чуйдалар учун жанжаллашсин, лекин сиз эмас.

Майли бошқалар майда-чуйдалар учун йиғласин, лекин сиз эмас.

Майли бошқалар ўз келажагини бошқалар қўлига топширсин, лекин сиз эмас.

XXI асрга кўп нарсаларни ўрганган ҳолда кириб бориши керак. Агар сиз савдо билан, ТМ билан шуғуллансангиз ёки ўз шахсий бизнесингиз бўлса ё келажакда режалаштираётган бўлсангиз, сизга бу ўрганаётган билимларингиз асқотади. Мана мен сизга таклиф қилмоқчи бўлган қисқа режа, ундан амалда фойдаланиш жараёнида янги билим, услубларга эга бўласиз:

### 1. САВДО-СОТИК.

Мен 15 ёшимда савдо билан шуғулланишни бошланман. Бу менинг ҳаётимда катта бурилиш ясаган. Биринчи йилдаёқ даромадимни 1 баробар оширдим. Мен фермада муваффақиятли ишладим. Сигир соғишни билардим, лекин бунга жуда кам ҳақ тўлашарди. Савдо менинг ҳаётимни тубдан ўзgartариб юборди. Мен товарни бозорга таклиф қилишни ва яхши томонларини кўрсатиб беришни ўргандим. Мижозларга олий дарожада ҳизмат кўрсатиб, бажони дил товарни сотиб олишларига эришдим.

### 2. ЯНГИ ИШЧИЛАРНИ ЁЛЛАШ.

Кейинчалик мен савдо ходимларини ишга ёллашни ўргандим. Энди мен бизнесимни кенгайтиришим ва ўз ташкилотимни қуришни мумкин. Сизнинг-ча, битта одам минг долларга товар соттани яхшими ёки 100 киши 10 доллардан соттаними? Агар мендан сўрасангиз, иккинчи вариантни танлар эдим. Малакали персоналларни (бирор соҳа ходимлари) ёлладим. Ўз имкониятларини ошириш қобилияти бу бошқарувда энг муҳим маҳорат ҳисобланади.

### 3. ТАШКИЛОТ.

Ундан кейин мен ташкилот тузишни бошладим. Баъзida ўзингизнинг жадвалингиз қийиндек туюлади. Энди сиз максимал натижа олиш учун кўпчиликнинг кучлари-

ни бирлаштирасиз. Ана шунда сиз команда бўлиб ишлашнинг фойдаси анча катта эканини кўрасиз.

#### 4. СИЛДЖИТИШ.

Кейин реклама кетади. Бу баҳорги компания, бу кузги компания ва бу ой якунлари компанияси. Сиз қачон ким товарингизни сотиб олиши кераклигини ёки сиз билан ишламоқчи эканини ҳеч қачон билмайсиз. Шунинг учун одамларга ҳамма ваqt бир нима таклиф қилишингиз керак.

#### 5. ҲУРМАТ ҚОЗОНИШ.

Кейинги қадам - ҳурмат қозониш. Сиз ўз йўлингизни мустақил танлаш ҳуқуқига эгасиз. Агар одамларга ўзлари бир ишни қилишларини кўрсатсангиз, улар буни амалга оширишлари мумкин.

#### 6. МУНОСАБАТ.

Кейин одамлар билан мулоқот қилишни ўргандим. Одамларнинг руҳини кўтариш энг катта совфа ҳисобланади. Одамларнинг руҳини кўтаринг, улар кўп нарсага қодир эканларини ҳис қилсинлар. Шунаңги товушда гапиргинги, улар буни донишмандларча қабул қилсинлар. Агар сиз янги асрга юқоридаги билим ва кўникмалар билан кириб келсангиз, сиз яхши қуролланган ҳолда бўласиз. Охирги 15 йилда нималар содир бўлганини кўрдик. Агар ишчи ишни бир ўзи қилмоқчи бўлса, у ишсиз қолади. У заиф бўлиб, қўлидан бошқа иш келмай қолади. У энди қаттиқ пушаймонда: "Эй Худо, мен дарсларга бориб фойдали нарсаларни ўрганганимда эди, ҳозир бунаقا ноилож аҳволда, муҳтожликда қолмасдим", дейди. Менинг маслаҳатим янги асрда малакали тарзда тўғридан-тўғри, бевосита ўз ишингизда қобилиятингизни намойиш қилинг.

### КЎНИКМАЛАР

Осонига чопманг. Ўзингизни яхшилашга ўрганинг. Муаммолардан қочманг. Малакангизни оширинг. Синовлардан қочманг. Донишмандликка ўрганинг.

Сиз ё ўз истакларингизни ўлдиришингиз, ё ўзингизда яхши кўникма ҳосил қилишингиз керак. Сиз дарахтни болға билан ҳам чопиб ташлашингиз мумкин. Лекин бунга 30 кун керак. Агар болғани болта билан алмаштирангиз, дарахтни 30 дақиқада чопиб ташлайсиз. 30 кун билан 30 дақиқа оралиғидаги фарқ кўникма ёки маҳоратдир.

Ҳаётда арзигулик ишлар қилиш қобилиятига эга бўлиш учун катта малака керак бўлади. Бу ҳаёт тақозоси. Маҳоратингизни кўрсатишга, эҳтиёжларингизни яширишга ўрганинг: Савдода омадли бўлиш учун сиз ҳар куни одамлар билан гаплашишингиз шарт. Атрофингизда одамлар керагидан ортиқ. Амалиётда оширилган малака савдонинг ўзидек ҳурматли. Кўпчиликка савдо яшашга ёрдам берса, маҳорат, кўникма ва ўрганиш сизни бой-бадавлат қиласди. Савдо - бу одамларнинг бир-бири билан мулоқоти. Сиз одамларга савдо маълумотномасини бериб товарингизни сота олмайсиз. Чунки маълумотноманинг тили ёки овози ё оёғи йўқ. Савдо ходимининг асосий иши товарни сотганидан кейин бошланади. Савдо-сотиқ билан шуғулланадиган одамлар болалардан кўп нарсани ўрганишлари керак. Болалар учун "йўқ" сўзи нимани англатади? Қарийб ҳеч нарсани. Агарда савдода энди иш олиб бораётган бўлсангиз, мижозлар сонини ҳисоблаб боринг, маҳоратингизни эмас. Ишиңгиздан фақат фойда олишни кўзламанг. Ишиңгиз сизни ўзгартиришга хизмат қиласин. Ундан ўзингизни ўзгартиришда фойдаланинг.

## ЯХШИ ИШЛАРНИ ҚИЛИШ

Агар сиз молиявий эркин бўлишни истасангиз, даромадингизнинг бир қисмини капиталга айлантиришингиз керак. Капитални ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришни фойдага, фойдани инвестишияга, инвестишияни молиявий эркинликка айлантириш керак.

Йўлингизда тўсиқлар пайдо бўлса, у қийинчиликлар билан курашиш керак. Ўзингизга шундай саволлар беринг: вазиятни ўзгартириш учун нима қилишим керак? Иқтисодий тартибсизликлар авж олган пайтда қандай йўл тутиш керак? Ишлар айтгандек кетмаса, нима қилиш керак? Инқирозга учрасам, нима қилиш керак? Ўзимни ёмон ҳис қилсан, нима қилиш керак?

Жавобини сизларга мен айтаман. Барча содир бўладиган воқеаларга қарамасдан, сиз ажойиб ишларни қила оласиз. Баъзида одамлар ҳаттоки энг қўрқинчли, ваҳимали ҳолатлардан ҳам ажойиб, ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган қобилияти билан осонгина чиқиб кетадилар. Нега одамлар шунаقا хусусиятларга эга? Негаки улар ўзгача ва олийжанобдирлар. Инсон ер юзидағи ҳар бир жонзотдан фарқ қиласди. Ит ўз йўлида бегона итга дуч келса, ғажиб ташлаб кетаверади. Сабаби шундаки, у ит. Одамзод бошқача йўл тутади. У чўлни чаманга айлантира олади. Фақат инсонгина йўқ жойдан нимадир қилиши, қулликни бойликка, камбағалликни тўкин-сочинликка, кулфатни омадга айлантириши мумкин. Нега улар бунаقا ажойиб ишларни қиласдилар? Негаки улар ажойиб ва ўзгачадирлар. Ўзингизга бир қаранг, табиат сизга бебаҳо инсонийлик фазилатларини ато этган. У фазилатларингизни қачон очишингизни ва ундан фойдаланишингизни кутиб турибди. Шунақанги буюк неъматга эга экансиз, хоҳлаган нарсангизни ўзгартира оласиз. Мен сизни шунга чақираман. Ҳаётингиз сизга ёқмаса, уни ўзгартиринг. Сизга бирор нарса ёқса, уни топиб олинг. Бирор нарса сизга тўғри келмаса, уни ўзингизга ёқадиганига алмаштиринг. Сиз бир умр бир хилда қолиб кетмаслигингиз керак. Агар яшаётган уйингиз ёқмаса, бошқасини олинг. Сиз дараҳт эмассиз-ку! Энг муҳими сиз керакли ишларни қилишга қодирсиз. Хоҳлаган натижага эришиш, эътирозни муваффақиятга ўзгартириш - бу ҳақиқатдан ҳам ўта ажойиб!

## ДУГА ФАЙЕРБАХНИНГ МАҲСУС МАҶОЛАСИ

"Инсон эртасига кучли, яхши ва донишманд бўлиб туғилиши учун ҳар кун ўлади".

Эммет Фокс (Emmet Fox)

Танқид

Хижолат бўлиш

Ўзига ишонмаслик

Жанжал

Руҳий зарба

Рашк

Хафагарчилик

Эзилиш...

Бу ҳаётнинг қоронфу томонини кўрсатадиган рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Лекин яхши янгиликлар ҳам бор. Шундай ҳоллар учраб турадики, сиз кимнинг-дир танқидидан, дарғазаблигидан, хафа қилувчи сўзла-ридан кун давомида қийналиб юрасиз. Бошқатдан ўсиб-униш учун ўзингиз ўлишининг керак. Ҳаётнинг ўзи бу жараённи эслатади. Янги ўсимлик ҳаёт бериши учун уруғ бизнинг ичимиизда ўсиб боради. У ҳар куни уруғ тўғрисида дарс бериб боради. Тонг отиши билан сиз янги кун бошланганини ва кечаги кун ўз ўрнини танла-шини биласиз. Энди сиз уруғ ўсиб, сизни янги чўққи-дарга яқинлаштиришини кутасиз. Баъзida ҳаёт бизга нисбатан бешафқат. Биз буни биламиз. Кеча бирор сиз-нинг кўнглингизни оғрйтган бўлса ва ўша учун юрагин-гизнинг бир бўлакчаси ўлаётган бўлса, майли. Доно ва яхши одамлар кечаги бирор қолдирган оғриқни олиб, юракнинг ўлган қисмини уруғдан ўстиради. У бир ке-чада ўлмаслиги мумкин. Лекин у ўсади. Сиз шунга азоб-ланишингизга қарамай, олдингизда пайдо бўладиган барча қийинчиликлардан ўтасиз.

Ваъда бераман! Буларни бошимдан ўтказганман ва ҳалиям мен шу ердаман.

Одатда одамлар қийинчиликдан қочиш йўлини қидирадилар. Омадли одамлар қийинчиликларни бартараф қилиш йўлини қидирадилар. Жуда озчилигимиз ҳақиқатда тўғри гапирамиз. Биз ҳақ эканимизга умид қиласмиз ва ўзимизни ҳақ деб ҳисоблаймиз. Худди шунинг учун ҳам "менимча" дейиш - бу тўғри йўлдир.

## ТИЛ КУЧИ

Бирорга миллион мерос бўлиб қолса-ю у миллион бўла олмаса, бу ачинарли ҳол. Эсиз, сизнинг даромадингиз ўссабо ўзингиз ўсмасангиз. Биз ҳаётимиздаги фалати ўзгаришлар ёки муносабатларимизнинг тутқич бермас нозик томонлари тилимиз билан боғлиқ эканини билиб оламиз. Биз бирор билан бошқача гаплашамиз. Ўзимиз билан бошқача мулоқот юритамиз. Аслида ҳақиқатдан нима хоҳлашимизни айтмаймиз. Мен буни истеъдод деб атайман. Эътиқод - яхши орзу-ниятларга ҳаракатлантирувчи куч.

Масалан, улар "йўқ" десалар, нима бўлади? "Бу ишдан ҳеч нарса чиқмаса-чи", дейишнинг ўрнига "Шу иш юришиб кетса-чи", денг. Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Қачон нима тўғрисида гапирсангиз, ўйласангиз, сиз шу нарсанни ҳақиқатдан ҳам хоҳлайсиз ва миянгиз автоматик равишда ишлаб, сизни тўғри томонга йўналтиради. Баъзида бу бир оддий сўз ўйини бўлиб кўринса-да, сизнинг ҳаётга бўлган муносабатингизга ва фалсафангизга таъсир кўрсатади. Тилимиз бизнинг атрофимиздагиларнинг хулқига ўз таъсирини кўрсатади. Фарзандингиз "Менга ўн доллар беринг", деса, сиз болангизга тўғри муомала қилишни, ҳар бир нарсага тўғри муносабат билдиришини ўргатинг. "Мен ўн долларни қандай топишим мумкин?" Сизнинг пулингиз кўп. У ҳаммага етади. Лекин болангиз ўша пулни қандай олиш кераклиги тўғрисидаги сехрли сўзни билиши керак.

Ахир, сиз ердан "Менга ҳосил бер", деб сўрамайсиз-ку. Шундай десангиз, ер кулиб "Аввал бирорта уруғ ташламасдан мендан ҳосил кутаётган масхарабоз ким?" дейишини яхши биласиз. Агар сиз ерга "Уруғ менда бор, мен уни ичсан, бориб дамимни олсан, сен менга ҳосил берасанми?" десангиз, ер: "Муаммо бўлиши мумкин эмас. Сен уруғингни бер-да, дамингни өл. Сен дамингни олгунингча мен ишлаб тураман", деб жавоб беради. Агар шу оддий ҳақиқатни билиб олсангиз, болангиз ёки катталарнинг ўрганишлари фақат тил саволларида бўлади. Бу худди инвестиция рақамига омонат билан бирга қўйилган ҳисобга ўхшайди. Мана шу оддий ҳақиқатни тушунмасдан ҳаётда бир умр қоқилиб, қийналиб юриш мумкин.

Камчиликлар кўп. Китоб ўқимасдан, жиддий дарсларни ўтмасдан, тилни ўрганмасдан, оғир изланишлар қилмасдан бу камчиликларни тўғрилаб бўлмайди. Сиз истаган вақтда бошлишингиз мумкин. Мен 25 ёшимда бошланман. 25 ёшда мен камбағал, қашшоқ эдим. Олти йилдан сўнг мен миллионер бўлдим. Кимdir "Фақат сиз шундай бўла олгансиз!" дейиши мумкин. Мен: "Йўқ, ҳар бир одам олти йилда - 36 дан 42 гача, 50 дан 56 гача, 60 дан 65 гача - хоҳлаган олти йилда муваффақиятга эриша олади", деб жавоб бераман. Сиз ўз устингизда мунтазам ишлashingиз керак. Ўзингизни ривожлантиришингиз, тарбиялаш режасини тузишингиз шарт. Балки олти йиллик вақtingиз унмас. Лекин натижасини мен кафолатлайман. Сиз ўзингиз тушуниб оласиз. Қаерда бўлишингиздан қатъий назар тилингиз сизнинг муносабатингиз, фаолъ тингиз ва натижаларингизни белгилаб беради.

## МУЛОҚОТ

Кўпайтиргандан кўра камайтирган маъқул. Майли, одамлар сиз ваъда қилгандан кўра кўпроқ иш қилишига ҳайрон қоласиз.

Эффектив мuloқot қилиш учун фикрларингизни қисқа тарзда билдиришингиз керак. Сиз ўзингиз билмаган нарса түғрисида гапира олмайсиз. Ўзингиз ҳис қилмаган нарсаны бўлиша олмайсиз. Ўзингизга эга бўлмаган нарсани биронга бера олмайсиз. Бериш ва бўлишиш учун у нарса сизда бўлиши керак. Жиддий мuloқot учун тайёргарлик керак. Таассурот қолдирадиган мuloқot шуки, сизни эшитувчилар "Мен сиз билан", десинлар.

Одамларга ўз фикрнингизни баён этишга ўрганинг. Уларни ҳайрон қолдиришга эмас. Бирон нарсани тушунтиришда аниқ ва мантиқан ёндошинг. Автомобил түғрисида кўп нарса билиш мумкин. Лекин унда юриш учун уни тушуниб олиш керак. Фойдали мuloқot - бу 20 фоиз билишингиз бўлса, 80 фоиз нимани ҳис қилишингиздан иборат. Гапираётган гапингизни билишингиз айсбергнинг чўққиси эканини эсдан чиқарманг. Уларга бераётган ахборот, информацияларнинг сонига эмас, бу хабарларни қай тарзда бериш кераклигини билиб олинг.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Жим, сизнинг дарсларингизга тез-тез кириб тураман. Инглиз тили - менинг она тилим. Билимимни ошириш, мукаммал инсон бўлиш, иқтисодиётга ўз ҳиссамни қўшиш учун қайси тилни ўрганишимни тавсия қиласиз? Испан тили, япон тили ёки фарқи йўқми? Ўзим АҚШда яшайман. NWM компаниясида ишлайман. Илтимос, менга маслаҳат берсангиз.

**Жавоб:** Сизнинг мақсадингиз ва бурчингиз катта. Агар сиз Америкада ишласангиз ва катта иқтисодиётнинг бўлаги бўлмоқчи бўлсангиз, мен сизга испан тилини таклиф қиласим бўлардим. Бу тил шимолий ва фарбий Америкада сиз учун қимматли бўлади. Албатта Европанинг бошқа қисмлари учун ҳам керак. Уни ўрганиш қийин эмас. Испан тилини ўргангандан сўнг сиз ўзингизга тўғри келган

хоҳлаган тилда фаолият кўрсатасиз. Сизни иккинчи тилни ўрганишингиз, ўзлаштиришингиз билан самимий табриклайман. Беш-ўнта сўзни бир кунда ўргансангиз, бир йилдан сўнг 1500-3000 сўзни билиб оласиз.

**Савол:** Офисингиз Техас штатининг Даллас шаҳрида жойлашганини биламан. Жим, ўша ерда яшайсизми?

**Жавоб:** Умуман олганда, кўп вақтларда хизмат юзасидан сафарларда бўламан. (Бир йилда 100 дан ортиқ дарс бераман.) Лекин Далласда кўп бўламан. Менинг Беверли Хиллсда, Айдахонинг шимолий-ғарбий штатида Финексда ва Кармалада резидентциям бор. Ҳар сезонда битта резидентция - 40 йил бурун ўз олдимга шундай мақсад қўйган эдим. Сиз ё баҳорда экишингиз, ё кузда тиланчилик қилишингиз керак. Танланг!

Мен айтардим: "Ҳаммаси ўзгаришига ишонаман!" Кейинчалик билдимки, ҳаётимни ўзгартиришнинг ягона йўли - бу **ЎЗИМНИ ЎЗГАРТИРИШИМ** экан.

Пулдан кўра вақт қимматлидир. Сиз кўп пул топишингиз мумкин, лекин кўп вақтни тополмайсиз.

## ИЧКИ ДУШМАНЛАР

*Майли, бошқалар ҳаётда нолойиқ бўлсинлар,  
лекин сиз эмас, майли, бошқалар майда-чуйдалар  
учун жанжаллашсинлар, лекин сиз эмас, майли,  
бошқалар ўз келажагини бошқа кишига  
ишонсин, лекин сиз эмас.*

Биз мард бўлиб туғилганмиз, қўрқоқ бўлиб эмас. Балки газеталар ўқиб, нималарни дир эшишиб, оширган малақамиз бизда шунаقا қўрқув пайдо бўлишига сабаб бўлгандир. Баъзи қўрқувларни тушуниш мумкин. Масалан, бегона шаҳарда кечки маҳалда юриш. Лекин вазиятни ўрганиб олгандан сўнг сизни қора хаёллар бошқа бе-

зовта қилмайди. Ҳаттоғи оддийгина қўрқувлар ҳам бизнинг бурчимизни йўқقا чиқариши, мол-мулкимизни барбод қилиши, муносабатларимизни барбод этиши мумкин. Агар қўрқувни назорат қилмасак, у ҳаётимизни издан чиқаради. Қўрқув катта душманларимиздан бири бўлиб, у ичимида яширинган бўлади. Энди мен тўқнаш келадиган бешта душман тўғрисида гапириб бераман.

Биринчи душман - у сизни янчидан ташламасдан сиз уни янчидан ташлашингиз керак. Бу бефарқлик. Майли шундай ҳам бўлсин. Лекин битта муаммо бор. Сиз тоғ чўққисига қараб ҳаракатлана олмайсиз.

Биз тўқнаш келадиган иккинчи душман - бу қатъиятсизлик. Қатъиятсизлик имконият ва ташаббуснинг ўғриси. Бу ўғри яхши имкониятларни ўғирлайди. Химични олиб, уни янчидан ташланг.

Учинчи душман - бу иккиланиш. Соғлом спектизм (объектив дунёни билиш мумкин эмас, деб даво қўлувчи оқим) учун ҳам жой бўлиши керак. Сиз ҳаммага ҳам ишона олмайсиз. Лекин ҳамма нарсага ҳам шубҳа билан қарап ярамайди. Иккиланиш сизни бошқармасин. Кўпчилик кечаги кунга ҳам, эрганги кунга ҳам, бирорга ҳам, имкониятта ҳам, давлатга ҳам шубҳа билан қарайди. Энг ёмони улар ўзларига ҳам шубҳа билан қарапади. Иккиланиш ҳамма нарсага шубҳа билан қарападир. Бу муваффақиятта эриштирувчи имкониятни йўқقا чиқаради. У сизнинг омонат ҳисобингизни бўшатиб, қобилияtingизни ҳам бўй-бўй қилиб қўяди. Иккиланиш - бу душман. Ундан қочинг, ундан қутулинг.

Тўртинчи душман - ичимиздаги хавотирилик. Биз ҳаммамиз гоҳида кўп безовта бўламиз. Бу душманга енгилишга йўл қўйманг. Безовталикни ташвишга айлантиринг.

Бешинчи душман - бу ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик, қўрқоқлик, ҳаётта ҳадиксираб қарападир. Бу қадр-қиммат эмас, балки касалликдир. Агар ундан эҳтиёт бўлмасангиз, сизни енгади. Қўрқоқ одам олдинга ҳаракат қилмайди. Улар бозорда олдинга юрмайдилар, ўсмайдилар, кучли бўлмай-

дилар. Сиз ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик қилмаслигингиз керак. Душманлар билан курашинг. Ички қўрқувлар билан курашинг. Орзу ва мақсадингиз йўлида мустаҳкам туриш учун ўзингизни мардлик руҳида тарбияланг.

## ЭҲТИРОЗНИ ЕНГИШ

Биз ҳаммамиз доим умидсизликка қарши мунтазам курашиб боришимиш керак. Агар биз бўшанг бўлсақ, бегона ўтлар боғимиздаги қимматли нарсаларни йўқ қилиб ташлайди. Мўминлик - бу қадр-қиммат бўлса, қўрқоқлик - бу касалликдир. Агар сиз беш дақиқа шикал қилиб ўтирангиз, шу дақиқани бефойда ўтказган бўласиз. Шундай шикалда давом эттираверсангиз, ўз пушаймонингиз чангидан бўғила бошлайсиз ва ҳеч нимага эриша олмайсиз. Боғингиздаги ёввойи ўтларга нисбатан шафқатсиз бўлинг. Улардан нафратланинг. Уларни йўқ қилинг. Бегона ўтларни ўстириш эмас, янчиб ташлаш керак.

## КЕЧИКТИРМАСДАН ҲАРАКАТГА

Санъат асарини яратиш, тушуниш вақт талаб қиласди. Ҳаётда нимадир қуриш учун ҳам фурсат зарур. Ривожланиш, ўсишда ҳам вақт даркор. Оилангизга, ўзингизга, ишингизга ҳам вақтингизни бағишлиланг. Улар шунча талаб қилган вақтингизга лойиқдирлар.

Автомобилга бензин қанчалик муҳим бўлса, сизга ҳам қатъийлик шунчалик муҳимдир. Вақти-вақти билан сиз ўзингизни ҳолдан тойған отек ҳис қиласиз. Лекин сиз қатъийлик билан ҳар қандай қийинчиликни енгиб кетасиз. Бусиз ҳатто бирор-бир иш бошлай олмайсиз. Қатъийликнинг акси - сусткашлик. Қатъий одам ҳеч қачон орқага қайтмайди. Сусткаш одам бир ишни бошлай олмайди. Қобилиятызизлик ҳам сусткашликнинг бир қўри ниши. Агар сиз: "Нега одамлар шуни кейинга қолдириш-

ни яхши кўрадилар?" деб сўрасангиз, улардан: "Мен идеалистман, иш бошлишим учун менга идеал мухит керак. Ҳеч нарса менга халақит бермаслиги зарур. Мен ўзимни яхши ҳис қилишим даркор. Бошим оғриб турса, ишлай олмайман", деган жавобни эшигасиз.

Кейинги сабаб қобилиятсизлик - бошланган ишни тутатмаслик. Бунда ҳам тушунтириш кетади. "Мен ҳамма вақт ўзимдан рози эмасман. Мен ўзимга нисбатан ўта танқидчиман. Нима қилишим керак? Мен шунача одамман. Мен ҳеч қачон ўзгармасам керак". Бу нимани билдиради? Хатолар худди қадр-қимматдек кўрсатиляпти. Идеалист "Менинг талабларимга бу дунё торлик қиласди. Чунки талабларим жуда юқори", дейди. Аслида бу шунчаки ўзини ҳимоя қилиш. Қачонки одамлар ўзларининг бўшликларини танолишни истамасалар, шундай йўл тутадилар. Тўғрисини айтганда, бу бир пуллик ўзини оқлашдан бошقا гап эмас. Агар ишингизни кейинга қолдираверсангиз, бу сизни омадсизликка олиб келади. Мана сизга идеализм. Агар унга эътибор бериб қарасангиз, нимадан қўрқишишингиз аҳамиятсиз. Қўрқув сизни шол, мажруҳ қилиб қўяди. Сиз ҳеч қачон ушлай олмаяпсизми, тугата олмаяпсизми, ҳеч қанақа фарқи йўқ. Сиз ҳеч қаёқча кетмаяпсиз. Сиз салбий натижадан қўрқяпсиз. Ўйлаяпсизки, одамлар сизни танқид қиласдилар ёки устингиздан куладилар. Мана шулар сизга ҳеч нима келмаслигига йўл қўйиб беради. Лекин бу шунчаки баҳона. Мен сизга бу муаммони қандай енгиш ва уни қатъийликка айлантиришни айтиб бераман. Агар менинг маслаҳатимга қулоқ солсангиз, бу жараён оғриқсиз ўтиб кетади. Мана икки тамойил - қулоқ ва бўшанг бўлишнинг ўрнига самарали ва қатъий бўлиш лозим:

Биринчи тамойил - тақсимланг. Нима қилишингиздан қатъий назар, китоб ёзмоқчимисиз, тоққа чиқмоқчимисиз, уйни қайта қурмоқчимисиз - хуллас, орзуга эришишнинг калити вазифаларни бўлакларга ажратиб чиқишидир. Ҳозир сиз учун мухим бўлган нарсага кучингизни йўналтиринг. Шошилманг,

бўлмаган ишларни кейинга қолдиринг. Салбий фикрларни ижобийсига алмаштиринг. Бу муваффақият сари биринчи қадамдир. Мен сиздан бир узун роман ёзишингизни сўрадим, деб ҳисоблайлик. Агар сиз оддий одам бўлсаниз, сиз учун бу имкониятсиз вазифа бўлиб кўринади. Фараз қилинг, мен сиздан йил давомида ҳар кун бир бетдан ёзишин сўрасам, уддасидан чиқасизми? Энди бу вазифа бажариб бўладигандек кўринади. Биз ушбу катта китобни кичик парчаларга бўлиб ташлайлик. Негалигини биласизми, бир бетни ёзиш унчалик қийин эмас?! Лекин мен сиздан келажакка назар ташлашни сўрасам, сизнинг руҳиятингиз тушиб кетади. Келинг, вазифани ўзгартирамиз. Мен сиздан шу бир бетни бир йил, бир ой ёки бир ҳафтада ёзишингизни сўрасамчи. Мен ўйлайманки, бу вазифани ҳамма бажара олади. Албаттга улар бутун китобни ёзишга қобилияtlари етмайди. Лекин орқага ҳам, олдинга ҳам қарамасдан бир бетни ҳозир ёзишлари мумкин. Уддасидан чиқа оласизми? Ҳозир шу вақтнинг ўзида бу вазифани бажариш, китоб ёзиш учун талаф қилинадиган муддатни кичик қисмларга бўлиб чиқамиз. Мана шу руҳда бир йил мобайнида давом эттирсангиз, сиз китоб ёзасиз. Орқага ҳам, олдинга ҳам қараманг. Сиз ҳеч қачон ўзингизда кутилмаган натижаларга эришасиз. Ҳаммаси икки сўздан бошланади. Қисмларга бўлинг, сусткашликка қарши курашинг.

Иккинчи тамойил бу - бир сўз билан айтганда, ёзиб боринг! Сусткашликни енгиш учун ёзувлар керак. Шундай ёзишингиз лозимки, ҳақиқатда ҳам сиз ҳар куни шу билан яшанг. Қаерга бормоқчисиз? Нима қилмоқчисиз? Сизда борадиган жойларнинг рўйхати бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, қиласидиган ишларингизни ёзиб борадиган кундалик юритишингиз лозим. Эътибор бериб назар солинг, кун давомида қанча вақтингиз бекор ўтганига ўзингиз ҳам ҳайрон қоласиз. Бекорчилик сизнинг мақсадингизга эришишга йўл қўймайди. Кўпчилик одам ўз кунини режалаштиради. Лекин унчалик режа тузмаслиги мумкин. Кун-

далик юритиш жуда муҳим. У сизга вақтингиздан қандай фойдаланишингизни ўз кўзингиз билан қўришга имкон беради. У сизга ҳақиқатда ҳам нима қилаётганингиз ва нима қилмаётганингизни аниқ кўрсатиб боради. Буни ҳечам қийинчилик жойи йўқ. Кичкина чўнтакка сифадиган ёзув китобчасини сотиб олинг. Нонуштага ўтирибсизми, шаҳарга боряпсизми, машинада печат қиляпсизми, ҳамма-ҳамма вақтини ёзиб боринг. Қачон буни бошладингиз ва қачон тутатдингиз, ўша заҳотиёқ ёзишга ҳаракат қилинг. Шу пайт нокулай бўлса, кейинроқ ёзинг. Сиз лоақал бир ҳафта давомида ҳар ўттиз дақиқада кундаликка қараб қўйишингиз керак. Ишингизни қисмларга бўлинг ва ёзиб боринг - бу катта сафарбарликни кўрсатади. Лекин берилиб кетманг. Бу яхши, фойдали усувлар сусткашлиқ билан қўришга қаратилган. Улар қачон ўзингизни нимадир қилишга мажбур бўлган вақтда керак. Демак, у иккита қоидани бажаринг. Улар ўта муҳим. Ўзингизнинг муаммоларингизни ечинг.

## МУВАФФАҚИЯТ ВА ОМАДСИЗЛИК

*Сиз омаднинг орқасидан қувманг,  
униўзингизга қараб торting.*

Омадсизлик - бу ягона хато эмас, балки бир неча хатоларнинг ҳар кун такрорланишининг муқаррар натижасидир. Ҳаётингизни тасодифлар билан тўлдиришга йўл қўйманг. Тасодиф тасодифни туғдиради. Омад - бу аниқ бир нарсани ўрганиш. Ҳар бир одам муваффақиятни ҳали мактабдаёқ билиб олиши керак.

Афсуски, омадсизлар семенар ўтказмайдилар. Ўтказгандарнида эди, зўр иш бўларди. Агар сиз ўз ҳаётини ўзгартирган 40 ёшли кишини учратсангиз, унга "Жон, агар мен кундалигимни келтирсам, бутун кун бўйи у билан бирга бўламан, шу кунни мен билан ўтказишни хоҳлармидинг?" деб айтишингиз керак.

Муваффақият - бу бизда нима борлиги билан әмас, ким бўлганимиз билан аниқланади. Муваффақият 20 фоиз ўқиб-ўрганиш бўлса, 80 фоиз стратегия. Сиз ўқишни билишингиз мумкин, муҳими сиз нимани ўқимоқчилигин гизда. Оддий одамлар муаммолардан қочиш йўлини қидиради. Муваффақиятли одамлар эса муаммони ечиш усулларини ўйлаб топади. Кўпчилик яхши пул топишни билади, лекин яхши яшашни әмас. Сабрсизлик ва хасислик муваффақият қотилидир. Олти ҳафтами, олти ойми, қанча вақт ишлашингиздан қатъий назар ишингизни қабул қилган ҳолатдан яхши ҳолатда қолдиринг.

## ҲАЁТ БАРЧАНИ МУКОФОТЛАШНИ ИСТАЙДИ

*Устозимга айтганим эсимда: "Агар кўп пулим бўлганида эди, келажакда яхши режа қиласдим".*

*Устозим: "Агар сенда яхши режа бўлса, катта пулга эга бўласан", деб жавоб берганди.*

Муҳими сизнинг режангиз бўлиши керак. Ота-оналар, лидерлар, ишбилармонлар, ўқитувчилар, кўнгиллилар, сиз ҳаётнинг энг катта сирини билиб олдингизларми? Мана у! Ҳаёт ҳамма вақт берган инсонни мукофотлайди. Агар сиз берсангиз, унда кўп маротаба ортиғи билан мукофотланасиз. Агар баҳонангизни парвариш қилсангиз, гуллари очилиб сизга: "Менга қаранг, кўряпсизми, биз қандай чиройли ва кўркаммиз, негаки сиз бизга фамхўрлик қилдингиз. Бунинг учун сизга ташаккур", деб айтади. Агар сиз фарзандларингизга ўзингизни берсангиз, улар ўз муваффақиятлари билан сизни қувонтиради. Мен қизларимга сўзимни ўргатдим. Улар менга хурсандликдан бақириб-чақириб "Дада, дадажон, менга қаранг, қарасангиз-чи!" дейишди. Мен уларга қараб қувонаман. Ахир, буни мен ўргатдим, ўзимни бағишлаганим эвазига олган мукофотим. Тушундимки, ҳаёт бергандарни мукофотлайди. Кимки бирорга ўз вақтини, кучи-

ни, малакасини берса, кимга, нимага беришидан қатый назар у сизни мукофотлайди, раҳматини айтади. Булар ҳосил бўлиб етишади. Эсингизда бўлсин, нимага ҳаракат қиласангиз, ўша нарса ўзингизга йўналтирилган бўлади. Ўқишишни бошладингизми, билим ўзи ҳаракатга кела бошлайди. Қачон сиз ривожланишни, ўз устингизда ишлашни бошлаб олдинга интилсангиз, сизга муваффақият кулиб боқади. Кимгадир фамхўрлик қиласангиз, у албатта эришган муваффақиятлари билан сизни мукофотлайди.

## ТАРБИЯ

Бирор ҳақида фамхўрлик қилган одам бебаҳо инсондир. Сизнинг ойлангиз ва севгингиз бир боғдек очилиб турсин. Муносабатларни қўллаб-қувватлаш учун сиз бор кучингиз, вақtingиз ва фикрларингиздан фойдаланишингиз керак. Энг катта совға бермоқчи бўлган одамингиз - бу сизнинг ўзингиз. Мен авваллари айтардим: "Агар мёнга фамхўрлик қиласангиз, кейин мен ҳам сизга фамхўрлик қиласман". Ҳозир эса "Агар сиз мен учун ўзингизга фамхўрлик қиласангиз, мен ҳам сиз учун ўзимга фамхўрлик қиласман", деб айтаман.

Биз ўзимизни кулфатдан ҳимоя қилишимиз учун қурган биномиз деворлари бизга хурсандчилигимизни баҳам кўришга қўймайди. Сиз бир ўзингиз муваффақиятга эриша олмайсиз. Бой-бадавлат қаландарни тоғиш жуда қийин.

Лидернинг тарбия борасида эҳтиёжи катта бўлади. Агар сиз фарзандингиз билан гаплашиб турсангиз, сиз уларга ҳамма вақт бирга бўлишларига ёрдам берасиз. Агар сиз усталик билан, ақл билан гаплашсангиз, сиз уларга эртанги кунни қуришга катта ёрдам берган бўлардингиз. Лидерлик - бу XXI асрда фанда, сиёсатда, таълимда ва ишлаб чиқаришда давр талабидир. Лекин лидер учун зарур бўлган нарса - бу тарбия. Биз йигирма биринчи юз йиллик чақириқларига тайёр туришимиз ва фарзандларимизни шунга тайёрлашимиз керак.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Жим, сизнинг биографиянгизни сайт орқали ўқиб чиқдим. Сиз тўғриңгизда кўпроқ маълумотга эга бўлмоқчиман. Таниқли инсонларнинг гапларига қараганда, сиз ҳаётда кўп нарсага эришибсиз. Шундай улкан муваффақиятта эришишингизда сизга нима ёрдам берди ва сиз учун ҳаётда нима муҳим ҳисобланади?

**Жавоб:** Минглаб тасодиф ва ҳодисалар ҳаётимга ижобий таъсири кўрсатди. Менинг ҳаётий малакам жуда катта. Буни биографиямда очиб ифодалаш қийин. Агар эришган ютуқларимга келсак, у З та нарсага асосланган:

1. Болаликдаги эътиқод. Буни ота-она шакллантирган.
2. Вояга етган давримда кўплаб аввалги ва кейинги устозларим бўлган.
3. Умримнинг охирги қисмида менинг ишонадиган яқинларим бор.

Ўйлайманки, мана шулар ёрдам беради.

Менежерлар одамларга ўзларининг борлигича кўришишга ёрдам берадилар. Лидерлар эса одамларга яхши ҳаётга лойиқ эканларини, улар ҳозиргидан кўпроқ нарсага қодирликларини сезишга ёрдам берадилар. Ҳамма нарсани ҳам ҳаётда асосий деб бўлмайди. Гап нимани асосий деб танлашингизда.

Лидерликнинг талаблари кучли бўлсин, лекин қўйпол эмас. Камтарин бўлинг, лекин бўшанг эмас, мард-жасур бўлинг, лекин безори эмас, сермулоҳаза бўлинг, лекин эринчиқ эмас, ор-номусли бўлинг, лекин кеккайган бўлманг, ҳазилкаш бўлинг, лекин тентак, бемаъни бўлманг.

## МЕХНАТИНГИЗ МЕВАСИНИ ЎРИБ ОЛИНГ

Мақсадлар... Агар бир нарсадан руҳлансангиз, уни албатта қиласиз. У иш нима бўлганидан қатъий назар у сиз учун чўт эмас, қачонки унга ишонсангиз, албат-

та. Агар мақсадингиз даражасида ҳаракат қилсангиз, албатта унга эришасиз.

Ҳар бир ишлатилган күч муносиб равищда тақдирланади. Бу ҳаёт қонунларидан бири. "Нимани эксанг, шуни ўрасан", деб айтилган.

Мен "әкмоқ" ва "үрмоқ" қонунларини ўрганиб олғанман. Ҳақиқатда ҳам фақат экканимизни әмас, балки анчайин күпроқ ўриб оламиз. Ҳаёт қонуниятлари күп, аммо биз асосий муҳим қонунни тушунишимиз керак. Ҳар бир қилған ишиңгиз учун ўзингиз күтгандан күра устамаси билан мукофотланасиз.

Ажойиб қонун! Сиз кучингизни қанчалик күп сарфлаганингиз сайин мукофотингиз ошиб бораверади. Агар сиз одамлар билан тұғри, адолатли, сабр-тоқатли бўлсангиз, мукофотингиз сиз күтгандан кўра анчайин кўп бўлади. Лекин ёдда тутиングки, калит сўз - интизом. Дунёда ҳар бир қимматли нарса эътибор, фамхўрлик, интизом талаб қиласди. Фикрларимиз ҳам интизом талаб қиласди. Биз ички хулқ-атвор чегарамизни мустаҳкамлаб боришимиз керак. Акс ҳолда фикр-хаёлимиз пала-партиш бўлиб қолади. Агар фикримиз чалкашиб кетса, биз ҳаёт лабиринтида адашиб қоламиз. Чалкаш фикрлар чалкаш натижаларни беради. Эсда тутинг, "Ҳар қандай сарфланган кучингиз мукофотланади".

Ўз вақтингиздан унумли фойдаланишни ўрганинг. Дўстларга хат ёзиш, ҳисобларни вақтида тўлаш, ҳамма учрашувларга ўз вақтида етиб бориш ва ҳоказолар. Одамлар эътиборида бўлинг. Ўзингизга қарашга вақт ажратиш, соликларни ўз вақтида тўлашга ўрганинг. Ҳамкорларингиз, (эрингиз ёки хотинингиз), фарзандларингиз ва отонангиз билан тұғри муносабатда бўлишга ўрганинг. Ўзингизни тартибга солинг ва ўзингизни ҳам шунга ўргатинг.

Ҳар бир сарф мунтазам тақдирланади. Ҳар бир китобдан янги билим, ҳар бир мавзудан янги режа, ҳар бир синовдан янги тушунча, ҳар бир омадсизликдан

янги қарор олинг. Ҳаёт шунаقا. Ҳаттоки аччиқ ҳаёт малакаси ўз ҳиссасини беради.

Кимки ҳаётда интизомга безътибор бўлар экан, уларни огоҳлантиришим мумкин. Ҳар бир нарсанинг ўз баҳоси бор. Интизомни менсимаслик орқасида катта тўлов ётади. Буни тўлашингизга тўғри келади. Вақт ҳаммаси ни ўз жойига қўяди.

Агар биз мунтазам интизомли бўлмасак, бор-йўғи кредит олишга эришамиз. Жиддийроқ бўлинг. Ҳаёт лаборатория иши эмас. Агар сиз кийимингизни шкафга илишнинг ўрнига, стул суюнчигига ташласангиз, демак, сиз интизомсиз одамсиз, ўйлаб кўринг. Шуни билингки, майдо-чуйдаларда интизомнинг бўлмаслиги ҳаётингизнинг муҳим соҳасида қимматли туради. Сиз хонангизни тартибга солмай туриб, ишхонада тартиб ўrnата олмайсиз. Сиз фарзандларингиз билан бесабр бўлиб туриб, ҳамкор ва ишчи ходимлар билан тинчгина хотиржам бўла олмайсиз. Сиз бошқалардан кўп савдо қилишни талаб қила олмайсиз, агарда ўзингизнинг ҳаракатингиз бунинг аксини кўрсатса, ўзингиз китоб ўқимай туриб, бошқалардан китоб ўқишини сўролмайсиз.

Ҳаётингиз тўғрисида ҳозирдан ўйланг. Тезда нима қилиш керак? Балки сиз севган кишинингиз билан жанжаллашиб қолдингиз ва у одам билан гаплашгингиз келмаёттандир? Мана сизга янгича идеал намойиш қилиш имконияти туғилди.

Балки сиз кетиш чегарасида ёки, аксинча, бошланиш стартида турибсиз. Бу ерда сиз муваффақиятга эришишингиз учун интизомни намоён қилиб, ўзингизни ҳозиргидан кўра изчил ишлашга мажбур қилинг. Давлат, вазият ёки бошқа одамлар сиздан талаб қилмасларидан интизом сиздан чиқиши керак. Ахир, бу фожеа эмасми? Бошқалар сиз тўғрингизда ўзингиздан кўпроқ ўйласа, эрталаб вақтли туришга ва вақтли бозорга боришга мажбур қилса, сизни муваффақият ташлаб, ўзи тўғрисида ўйлайдиган одамларни излаб кетиб қолишига тайёр бўлсангиз... Бу ҳақиқатда фожеа!

Сизнинг ҳаётингиз, менинг ҳаётим, бошқаларнинг ҳаёти - бу бир огоҳлантириш ёки намуна. Мунтазам эътиборсизлик, иродасизлик, интизом ва бурчини етарли ҳис қилмаслик огоҳлантириш бўлса, фойдаланилмаган истеъдод ўзбилармонлик ва қўйилган мақсадни ўзгартиришга мисол бўлади.

## САХИЙ ВА ОЛИЙЖАНОБ БЎЛИНГ

Ҳали камбағаллигингиздан сахий бўлишга ўрганинг. Негаки, миллиондан 100 мингни беришдан кўра 1 доллардан 1 ъентни бериш осонроқ.

Олишдан кўра бериш яхши. Негаки, қачон сиз берсангиз, шунда олишни бошлайсиз. Дунёда ҳеч бир нарса инсон характеристерини олийжаноблиқдек шакллантира олмайди. Ўзоянгизни бошқалар билан бўлишишнинг яхшилиги шундаки:

Бошқалар бир марта эшитса, сиз ўн марта эшитасиз.

Сиз бошқаларга қанча кўп берсангиз, ҳаёт сизга шунчалик кўп беради.

Бошқалар билан қанча бўлишсангиз, шунча мукаммаллашиб борасиз.

Кимdir "Ахир мен ҳаммага фамхўрлик қила олмайман, ундан кўра ўз фамимни еганим дурустроқ", дейди.

Унда сиз ҳамма вақт камбағал бўласиз. Нимаики берсангиз, инвестициянгизга айланади ва келажақда ошиғи билан сизга қайтади. Кимки борини бўлишса, у ҳамма вақт ютади.

Бераётган нарсангиз сони муҳим эмас. Муҳими берёртган нарсангиз сиз учун нима аҳамиятга эга эканида. Фақат бериб сиз ўзингизда бор бўлган нарсадан кўпроқ нарсага эга бўлишингиз мумкин. Бу ҳамма ишда қисқа муддатли тўсиқларни енгишга ёрдам берадиган, узоқ муддатли каттакон мақсад бўлиши даркор. Бегоналарнинг режасидан фойдаланманг. Ўзингизнинг шахсий қарашларингизни ривожлантиринг, у сизни нодир ва ажойиб натижаларга олиб келади.

## ЎЗ ОРЗУЛАРИНГИЗНИ РҮЁБГА ЧИҚАРИНГ

Кўпчилик одамлар тирикчилик қилиш учун бор кучларини ишга солиб пул топадилар. Жуда озчилик одамларда хоҳлаган ҳамма нарсаси бор. Қийинчилик билан пул топиш ўрнига озчилик одам фаол ишлаб ўз бойликларини кўпайтирадилар. Худди ҳамма улар учун ишлатгандек. Кўпчилик одамлар ўзларининг баҳтсизлигидан, ҳаётлари жуда мураккаблигидан нолиб юрадилар.

Бирор нарса ягона бир қобилиятдек бизнинг келажагимизга таъсир қила олмайди. У ҳам бўлса, орзу қилиш қобилиятидир.

Орзу - биз истаган ҳаётни тасвирловчи сурат. Орзу ҳар қандай тўсиқларни енгишда сизга ёрдам беради. У бу билан сизнинг ижодий кучингизни очиб юборади. Бунинг учун сиз нима хоҳлашингизни аниқ билишингиз керак. Эртанги кунни равшан кўролмаслик ҳеч қандай ижодий кучга эга эмаслиkdir. Аниқ келажак катта кучга эга. Ўз орзунингизга тўлиқ эришишингиз учун режангиз сизни олдинга олға етаклади. Орзунингиз аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Агар сиз бирор вақт 14 минг фут баландликдаги қояли тоқقا чиқсангиз, албатта каллангизга "Биринчи бўлганлар қандай бу ерга чиқсан эканлар? Шарқ қирғоғидан фарб қирғоғигача, мағрибдан машриққача қандай етиб олган экан?" деган фикр келади.

Озиқ-овқат запаслари ва сувни ўзи билан кун бўйи кўтариб бориш етарлича қийинчилик туғдиради. Шу билан бирга кийим-кечакларни ҳам бирга олиб, қадамдан қадамга, кундан кунга, ойдан ойга боришни тасаввур қилишингиз мумкин. Бу одамларда катта орзу бўлган. Улар юқорига - тоқقا кўтарилаётганида қийинчилик тўғрисида ўйламаганлар. Улар ақлан ўзларини чўққида деб ҳис қўлганлар. Фақат олий мақсади бор бўлганларгина йўлларидаги кураш ва оғриқларга, туғилиш ё ўлишига қарамасдан чўққига чиқсанлар ёки тугалмас қуёш нури барқ

урган ўзгача бойликка эга қирғоққа етиб борғанлар. Нимага деганда уларнинг йўлларида учраган тўсиқлардан кўра орзулари кучлироқ бўлган.

Сиз орзуманд бўлишингиз керак. Сиз эртанги кунни кўра билишингиз даркор. Сиз 14 минг фут баландликдан Калифорнияни кўришингиз лозим. Сиз югураётганингизда марра чизигига қарашингиз ва сизни олқишлиётгандарини эшишиб, шу буюк лойиҳа ўртасида ўзингизни тасаввур этишингиз шарт. Фақат мана шу орзуни рўёбга чиқариш мумкин.

## МАҚСАД

Мақсад қўйишда биз асосан бир нарсани аниқлаб олишимиз керак. У ҳам бўлса, шу мақсад бизга нима учун керак, нега у биз учун шунчалик қадр-қимматга эга, ҳаракат қилиб эришишга арзидими?

Эндрю Карнеги ўлимидан кейин бир варақ қоғоз топиб олганлар. Унда у ўз ҳаётининг асосий мақсадидан бири - ҳаётининг биринчи ярмини пул топишга, иккинчи ярмини шу пулларни сарфлашга бағишлиши тўғрисида ёзиб қолдирган ва шундай яшаб ўтган. Одамлар борки, улар кундалик ҳаёт юмушларига кўмилган. Чунки уларнинг борлари шу. Улар эртанги кунларини аниқлаб олмаганлар.

Қисқа муддатли муаммоларни ечиш учун бизда узоқ муддатли кучли мақсадлар бўлиши керак. Мақсадни жуда ҳам кичик қўйманг. Агар сиз катта, кўп нарсани хоҳласангиз, кўп нарсага эришмайсиз ҳам.

Агар сиз мақсадга эришиш учун ишласангиз, мақсадингиз сиз учун ишлайди. Сиз қилаётган яхши ишлар ўз навбатида сизни шахс сифатида ривожлантиради.

Бизда танлаш ҳуқуқи бор: биз тирикчилик учун ишланишимиз мумкин. Эсингизда бўлсин, хасислик ва сабрсизлик муваффақият кушандасидир.

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШ МУМКИН?

Сиз донишмандлик ва кучли ҳаяжонни меҳнатга айлантиришишингиз керак. Яхши кўриб овқатланадиган ресторани бор-у, лекин яхши кўрган ёзувчиси бўлмаган инсонларга менинг раҳмим келади. Бу одам ўз танасини тўйдирish учун жой топган, лекин ақлини озиқлантирадиган бир жой топа олмаган.

Нега шунаقا бўлади? Сиз эгри чизиқли ўзгариш тўғрисида эшигтганмисиз? Туғилганимиздан то 16 ёшга тўлгунча шу эгри чизиқ жуда ажойиб бўлади. Мана шу пайтда ўқиб-ўрганишимиз керакки, қобилиятимизнинг энг кучли давридир. Ҳамма нарсани жуда тез ўрганиб оламиз. Биз тилни, маданиятни, тарихни, билимни, математикани ва ҳамма ҳаммасини яхши ўзлаштира оламиз. Баъзилар бу жараённи давом эттирадилар. Лекин баъзилар иш топганларида буни тўхтатадилар. Имтиҳон топширмаса, ручка, қалам тутиш зарурияти бўлмаса, китоб ўқишининг нима керағи бор? Албатта бирон нарсага ўргангандиган бўлсангиз, ўз мала-кангиз орқали ўргангансиз, баъзида тўғри қилган бўласиз, баъзида эса йўқ, сиз ўқиши давом эттиришишингиз лозим.

Агар ўқиб-ўрганишни бир умр давом эттирангиз, нималар рўй беришини тасаввур қилинг. Сиз ўзингизни қанчалик ривожлантирсангиз, усталикка, моҳирликка етишишингиз ва қанчалик ймкониятга эга бўлишишингиз мумкинлигини тасаввур қила оласизми?

Ақлий ривожланиш - бу дунёқарашни кенгайтиришнинг яна бир йўли. Бу бошқалар меҳнати орқали кўришdir. Балки бу одам билан ҳаётда учрашмассиз, лекин китобларини ўқишишингиз мумкин. Иергил вафот қилди, лекин бизда унинг китблари бор. Аристотел йўқ, лекин бизда унинг фоялари бор.

Яхши китоб ва программаларни ўқинг, журнал ва газеталарни мутолаа қилинг. Улар мутлоқ ақлий ривожланиш

имкониятини беради. Бунга қўшимча сиз ўз малакангиз тўғрисида гапиришингиз ва уни бўлишишингиз керак.

Менинг асосий ҳаётий муаммоларимни ечишда ёрдам берадиган танишларим бор. Улар менга шахсий дунёқарашимни тушуниб олишимда, ўз қадр-қимматимни ўлчашда, муваффақият тўғрисида тўғри фикр юритишмада ёрдам беради. Бизнинг ҳаммамиз пул, ишлаб чиқариш, оила, давлат, ҳокимият, севги, дўстлик, маданият, имкониятлар, муаммоларни тўғри тушунишимииз ва тартибга солишимиз учун одамлар билан мулоқотда бўлишимиз керак. Фоя дунёқарашимизга таъсир қиласди. Фояга илм, маълумот даражаси таъсир этади. Маълумотга мулоқотда бўлган одамлар таъсир қиласди. Ҳаётимдаги энг катта қувончлардан бири - бу устозим Шоафф билан бирга 5 йил давомида ўтказган суҳбатларим эди. У нонуштада, саёҳатларда, бизнес конференцияларда, иш вақтида, шахсий учрашувларда ўз фояларини мен билан бўлишар эди. У фоя билан мени таъминлаб турарди. Фоялари билан менинг фаолиятимга кўплаб ўзгартиришлар киритган. Бу кундалик ўзгартиришлар бўлса-да, жуда муҳим ва салмоқли экани кейин кўриниб қолди.

Жаноб Шоафф фояларини ўз дарсларида кўп маротаба тез-тез такрорлаган. Сизга унинг фояларини таг-туғи билан тез-тез эшитиш шарт эмас. Лекин ақлни ривожлантиришга яхши озуқа бўлади. Мен сизларга худди танангиздек ўз фалсафангизни ҳам озиқлаңтиришингизни сўраб қоламан. Уни яхши фоялар билан таъминлаб туринг. Бизнес фояси, саноат фояси ва ҳоказо. Фақат яхши фоялар қидиринг. Ҳар бир янги фоя сизнинг фалсафангизни бойитади. Фалсафангиз сизнинг ҳаётингизни олиб боради ва хурсандчиликларга тўлдиради.

## МОЛИЯВИЙ ЭРКИНЛИК

Молиявий эркинлик - бу шахсий даромад манбалари асосида яшаш қобилиятига Ҷа бўлиш, демакдир. Шуни

билингки, пулнинг суммаси муҳим эмас, ундан қандай фойдаланиш муҳим. Нега сизнинг ўзингиз интилган томонга олиб борувчи яхши режангиз йўқ?

Мен нарсалар ҳаддан зиёд қиммат, деб тақрорлашни яхши кўрадим. Устозим мени тўғрилаб: "Муаммо нарсанинг қимматлигида эмас. Муаммо - ўша нарсани ўзингта раво кўрмаганингда", дерди. Ана шундан кейин охирокибат тушуниб олдимки, ҳамма муаммо менинг ўзимда экан. Муқаддас китобларда бой одамнинг жаннатга тушиши қийин, деб айтилган. Лекин жаннатга тушишнинг иложи йўқ, дейилмаган. Одамлар тўдасидан нари кетинг. Уларнинг узрларини ўзингизга қабул қилманг. Ҳаётингиз ва эртанги кунингизни ўз қўлингизга олинг.

Биз интизомли бўлиш юқидан қийналамиз. Ёки имкониятни ўтказиб юбориб, кейин афсус юқидан қийналиб юрамиз. Фарқи фақат шундаки, интизом юки граммларда бўлса, афсуслик юки ўша вақтда тонналаб оғир бўлади. Афсус чекищдан оғир нарса йўқ.

## БОЛАЛАРГА ЎХШАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Сиз мудоҳазаларингизни бирор билан бўлишсангиз, яхши томонга ўзгариб борасиз. Қанча берсангиз, ўрнига ўзингиз шунча кўп оласиз.

2000 йил олдин буюк устоз нима деганини эсланг: ҳали ёш боладек бўлмаган экансиз, сизнинг режаларингиз нолга тенг. Сиз намоз ўқита олмайсиз. Мана катталар учун ўйлаб кўриладиган мавзу. Боладек бўлинг ва эсда тутингки, бунга эришишнинг қуидагича усули бор: сиз неча ёшда бўлишнингиздан қатъий назар синчков ва қизиқувчан бўлинг. Ҳар нарсага қизиқиши болалардан ўрганинг. Бола бир нарсани ўрганмоқчи бўлса, у нима қилади? Сиз ҳақсиз. Улар савол берадилар. Болалар миллионлаб саволларни берадилар. Худди тутагандек, лекин улар яна миллион савол берадилар. Ва сизни жонингиздан тўйдириб юборади.

Болалар ўрганишлари учун ҳар нарсага қизикувчан бўла-ди. Сиз эътибор берган бўлсангиз керак, кичкитойлар чўқ-қайиб ўтириб, уларга диққат билан қараб турадилар. Қизи-кувчанлик болаларга ўсиб-ўрганишга ёрдам беради.

Ҳаяжонда бўлинг. Эътиборли бўлинг. Бефарқ, бепарво бўлманг, ҳаяжонланишни болалардан ўрганинг. Болалар-даги ҳаяжон, соддадиллик ҳеч қаерда йўқ. Улар шунчалик қаттиқ ҳаяжонланадиларки, ухлашни хоҳламайдилар. Улар-нинг эрта тонгни кутишга сабрлари йўқ. Мана шундай гўдак-лик сеҳрига қаршилик қилиш мумкинми? Баъзилар: "Буна-қанги болаларча бачканалиқдан энди ўтганман. Мен энди катта одамман", дейди. Ахир, бу қайфули ҳол эмасми? Фа-қат уларга раҳмингиз келиши мумкин. Агар сиз ҳаяжонла-нишга ҳам ярамайдиган даражада катта бўлсангиз, нима деб жавоб бериш керак? Сиз ҳақиқатда қариб қолибсиз. Ҳеч қачон бунақа қария бўлманг. Ишонинг! Ишонч худди гўдакка ўхшайди. Ишонч болаларга хос одат. Ишонувчан одамлар худди болаларга ўхшайди. "Келинглар, катталар-дек фикр юритайлик", дейилади. Йўқ, ҳамма вақт ҳам бу-нақа қилиш керак эмас. Кўпчилик катталар ҳар нарсага шубҳа билан қарайдилар ва ҳаттоки беҳаё, уятсиз бўлади-лар. "Ҳа, мен бу нарсалар ҳақида аллақачон эшитганман, буларнинг ҳаммаси хом хаёл. Бу иш амалга ошмаслигини ҳали ўзингиз исбот қиласиз. Мен шунчаки гапираётганим йўқ". Бу гапларни фақат катталар гапирадилар, болалар эмас. Болалар ҳамма нарсани бирданига ҳозирнинг ўзида олиш мумкин, деб ўйлайдилар. Бу баъзида жуда қизиқ ҳам туюлади. Сиз уларга "Учта бассейн бўлишини хоҳлайсан-ми?" дессангиз, улар: "Ҳа, ҳар биримизга биттадан, қани менинг бассейним олдидан нарироқ бор-чи!" деб ўзаро бўли-шишга тушадилар. Катталарга шундай таклифни берсан-гиз, "Учта бассейн, дейсизми? Сиз ақлдан озибсиз! Кўпчи-ликда битта ҳам бассейн йўқ-ку. Орқа ҳовлингда битта ванна бўлса ҳам, омадим келди, десанг бўлади", дейди. Фарқини сезяпсизми? Буюк устознинг "Ҳали сиз болаларга

ўхшамас экансиз, сизнинг имкониятларингиз нолга тенг", деган сўзларини эсланг. Ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Ишонувчанлик - бу болалик фазилати ва у катта маънога эга. Сиз "Худди боладек ухлаётти", деган сўзни эшигтганмисиз? Мана шу ухлаётган боланинг юзида тасвирланган ишонувчанлиқдир. Агар бола бугунги бажарган иши учун "5" баҳо олса, уни албатта завқ билан кимгайдир айтади, хурсандлигини бўлишади. Сиз ҳам шундай қилинг. Қизиқувчанлик, синчковлик, яхшиликка ишонч, ишонувчанлик - булар болаликнинг ажойиб хислатлари. Биз уларни ҳаётимизга қайтаришимиз керак.

## БОЛАЛАР

Бола нечта тилни ўрганиши мумкин? Бу фақат сизга боғлиқ! Унга қанча вақт ажратасиз, нечта тилни билишини хоҳлайсиз? Бу сизга боғлиқ! Болалар жуда қобилиятли бўладилар. Улар ўзлари ўйлагандан кўра олдинроқ, тезроқ пул топишни ўрганадилар. Ҳар бир болада иккита вилосипед бўлиши керак: биттаси ўзи миниши учун, иккincinnиси бировга ижарага бериш учун. Бола иккичи вилосипедини нима қилишини дарров тушуниб етади. Мен болаларнинг қандай қилиб 40 ёшда бой бўлишлари мумкинлигини ўргатсан. Улар қобилиятли бўлса, 35 ёшда бой бўлишлари мумкин. Кўпчилиги ўзларини қобилиятли ҳисоблаб, 35 ёшда бой-бадавлат бўладилар.

Болада бир доллар бўлган пайтда у нима қилиши керак? Биз нима қиласиз? Бир доллар ва бир бола фарқи нима, нима қилсин деймиз?

Эй Худо, қандай хатолик! Қачондан тарбиялашни бошлийсиз? Ахир, ҳозироқ сизда бола ва бир доллар бўлганида бошлаш керак. Лекин сиз ўз билганингиздан қолмайсиз. "Ҳали у ёш, кичкина бола, нима хоҳласа, ўшанга бир долларни ишлатсан", дейсиз. Хўш, бу нима билан тугайди, деб ўйлайсиз? Қачонки, 50 ёшга тўлганида худ-

ди сиздек омадсиз инсон бўлади. Агар болалар ўз қобилиятларини кўра олсалар, улар мамнуният билан шу долларни кўпайтиришга иқтидорларини ишга соладилар. Кўпчилик одамлар кундалик ҳаёт ташвишига кўникиб яшайдилар. Негаки, уларда бундан бошқа бирор нарслари йўқ. Бундай бўлишининг сабаби уларда режа йўқ. Эртанги кун учун ҳеч қанақа тасаввурга эга эмаслар, ўз вақтида нима қилиш кераклигини билмайдилар.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Мен чиқишиб кетишм қийин бўлган инсонлар билан ҳам яхши муюмалада бўлишга ҳаракат қиламан. Агар у мен билан хушмуомалада бўлса эди, мен ҳам у билан яхши муюмалада бўлардим. Ёқимсиз, совуқ одамларни ёқтирумайман, шунинг учун уларга тан бергим келмайди. Улар билан суҳбатда бўлганимда ўзимни чин юрақдан, самимий эмаслигимни ҳис қиласман.

**Жавоб:** Биринчидан, ўзингизни яхши ҳис қиласлигиниз мутлоқ табиий ҳол эканини тушунинг. Кўпчилигимиз қўпол, қўрс одамлар билан хушмуомалада бўлиш каби туғма хусусиятга эга эмасмиз. Ҳаёт шундай тузилган. Лекин исталган одам билан мулоқотда бўлиш қийинчилигига қарамасдан, муваффақиятта эришиш қарорини қабул қилишимиз керак. Шунинг учун биз шундай фикр юритишмиз лозимки, у бизни муваффақиятга олиб келсин.

Иккинчидан, сиз учун ёқимсиз бўлган одамлар тўғрисида яхши фикрда бўлишга ўзингизни ўргатишингиз керак. Бунга ўрганишингиз учун сиз аввал уни юз кўришингизда тасвирлашингиз керак бўлади. Кўпчилик муваффақиятга эришган инсонлар шу усулни қўллаганлар. Сиз ҳам бу усулдан фойдаланинг, ўшанда кўрасиз. Бу усул ажойиб ишлайди. Масалан, одам фамгин бўлса, ўзини баҳтли, хурсанд сезиши учун унда бирорта хурсандчилик воқеаси содир бўлиши керакми? Йўқ, агар у ўзини баҳтли

ҳис қилса, бироз вақт ўтганидан сўнг ҳақиқатда баҳтли одамга айланганини сеза бошлайди. Бу исботланган.

Ўз ҳаракатларингизни ўзгартиринг ва ҳис-туйфунгиз ўзгарди. Масалан, келиб бирор-бир хафагарчиликни ҳис қилиб бўлмайди. Бошида ўша одам билан яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг, тўғри, бу аввалига ўйиндек кўринади. Ҳечқиси йўқ, сизнинг яхши муносабатларингизни кўриб, у ҳам яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қиласди. Натижада бу ўзаро муносабат самимиятга айланади. Йўлингизда вақтингчалик учрайдиган тўсиқларни енгиш учун сизга узоқ муддатли катта мақсадлар даркор.

Сиз бирор-бир нарсани сотсангиз, тирикчилик учун пул топасиз. Агар шу жараёнга инвестиъия қилсангиз, вақтингизни ажратсангиз ва мижозга яхши хизмат кўрсатсангиз, катта пулга эга бўласиз.

## МУВАФФАҚИЯТ ВА ОМАДСИЗЛИК ФОРМУЛАСИ

Сиз ўзингиз билмаган нарса тўғрисида гапира олмайсиз. Ўзингиз ҳис қилмаган нарсани бирор билан бўлишолмайсиз. Ўзингизда йўқ нарсани бирорга бера олмайсиз. Бирорга бериш ёки бўлишиш учун авваломбор у нарса ўзингизда бўлиши керак. Жиддий мулоқот учун тайёргарлик керак.

Юқорида омадсизлик - бир нечта хатоларнинг ҳар куни такрорланишидан бошқа ҳеч нарса эмаслиги айтилди. Лекин нега инсон хато қиласди-ю, яна уни такрорлайди. Негаки, бунга унчалик аҳамият бермайди. Кундалик ишларимиз биз учун унчалик аҳамиятсиздек кўринади. Нотўғри қарор - бир соат бекор кетган вақт. Кичкинагина хатолик катта салбий из қолдирмайди. Кўпинча хатомизнинг натижасини кўра олмаймиз.

Агар биз охирги 90 кун давомида мутолаа қилмаган бўлсак, у ҳаётимизга қанақадир катта ўзгариш киритмайди. Демак, бу 90 кун ҳеч нима содир бўлмадими, кейинги 90 кун ҳам

ўқимаслигимиз мүмкин, яъни тақрорлашими мүқаррар. Нега? Негаки, ҳеч қанақа хавфли ҳодиса рўй бермайди. Ҳамма хавф-хатар мана шу кунлар китоб ўқимаганимизда, ундан ҳам ёмони ўқишимиз кераклигини тушунганимизда.

Кимки нотўғри овқатланса, соғлиги билан муаммолар туғилади. Мазали, лекин заарли овқатдан роҳатланиш дарров ўзининг салбий таъсирини кўрсатмайди. Ва аҳамиятсиздек кўринади. Кимки кўп чекса ёки кўп ичса, буни ойдан ойга, йилдан йилга давом эттираверади. Бунга эътибор бермайди.

Кўп ҳолларда бўлар то бирор ноҳуш ҳолат юз бермагунча жамланиб қолаверади, ўша вақт келганда биз ҳаммасига товоң тўлашимизга тўғри келади. Аввалига унчалик эътибор бермаган эдик. Омадсизликнинг энг ёмон томони шундаки, у сездирмасдан яширинча кириб келади. "Бизнинг ҳамма ишларимиз одатдагича кетяпти. Ҳаёт ўз маромида давом этяпти, бирор ёмон ҳодиса содир бўлгани йўқ. Осмон узилиб ерга тушмаяпти. Биз шунчаки хатоларимизни тақрорлаб, кундан кунга силлиқина ўтиб кетаверамиз. Кеча китоб ўқимаганимда осмон узилиб бошимга тушгани йўқ, ҳаммаси тўғри кетяпти. Бизнингча, ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Шунинг учун шундай давом эттираверамиз".

Аммо эътиборли бўлишимиз керак! Агар бир кун китоб ўқимаганимиз учун куннинг охирида осмон узилиб бошимизга тушганида эди, ҳеч иккilanmasdan тезгина бунинг чорасини кўрган бўлардик. Худди бола иссиқ печкада қўлинни куйдириб олгандан сўнг бошқа печкага яқинлашмаганидек. Ҳолбуки, онаси уни бир неча бор огоҳлантирган эди. Биз ҳам хатоларимизни тақрорламас эдик. Бахтга қарши омадсизликдан ҳеч ким бизни огоҳлантиrmайди. Дунё-қарашни ўзгартириш керак. Ўзимизнинг шахсий кент фалсафамиз ёрдамида ҳар қадамимиз қаерга олиб боришини тушуниб олишимиз лозим. Ҳудди омадсизлик формуласидек, муваффақият формуласини ҳам тушуниш осон. Од-

дий түғри ҳаракатларни ҳар кун такрорлаш лозим. Ўйлаш учун қызық савол: омадсизлик формуласи ўрнига муваффақият формуласига эга бўлиш учун нима қилиш керак?

Муваффақият ҳам, омадсизлик ҳам муқаррар ўз натижасига эга: мукофот ёки афсус. Агар бу түғри, ҳақ гап бўлса, нега кўпчилик бу түғрида ўйлаб кўрмайди? Жуда оддий, булар бунга шунчаки эътибор бермайдилар, улар шу бугунги ташвиш билан овора. Шу кун ташвиши ва хурсандчилиги уларни ўзига сингдириб олган, улар эртанги кун түғрисида ўйламайдилар.

Лекин биз түғри ишларни қилишни бир неча кун давом эттирганда қанақа натижа олишимизни тасаввур қилиб кўрсак. Бизнинг ҳаракатимиз нима натижа беришини кўрамиз. Ва ана шу ажойиб хабар билан қуролланиб, биз хатоларимизни муваффақиятли ҳаракатларга айлантиришимиз мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, агар биз келажакни оддинда кўра олсак, ўз фикрларимизни ўзгартиришимиз, хатоларимизни түғрилашимиз ва эски-ёмон хулқ-авторимизни янги ижобий одатларга айлантиришимиз мумкин.

Муваффақият формуласининг ажойиб хусусиятлари - бир неча оддий түғри ҳаракатларнинг ҳар кун такрорлаши, бу тез натижа беради. Агар ўз хоҳишимиз билан кундалик хатоларимизни ижобий одатларга айлантирсак, жуда қисқа муддатда ижобий натижаларга эришамиз.

Агар овқатланиш режимини ўзгартирсак, бир неча ҳафтада соғлигимиз яхшиланганини сезамиз, спорт билан шуғуллансанак, тезда анча тетик ва дадил бўлганимизни ҳис қиласамиз. Китоб ўқиши бошласак, ўзимизга ишонч ортиб, ақлли бўлаётганимизни биламиз. Ҳар қандай такрорланган кундалик ҳаракат ўзининг ижодий натижасини беради. Бу ўз навбатида жуда яхши ижобий кўнилмаларни ривожлантиради.

Янги одатларнинг ажойиблиги шундаки, у сизнинг фикрлаш тарзингизни ҳам ўзгартиради. Агар сиз бугун китоб ўқисангиз, кундалик юритсангиз, дарсларга кирсангиз,

кўпроқ ўйласангиз, демак, бу кун сизнинг яхши келажа-  
гингиздаги янги ҳаётингизнинг биринчи қадамидир.

Агар сиз бугун майда-чуйда, лекин жиддий хатолар ўрни-  
га тушунган ҳолда бор кучингизни бериб кўпроқ иш қил-  
сангиз, фойдали кўникмаларга эга бўлсангиз, сиз ҳеч қачон  
содда, тор фикрлаш хусусиятига қайтмайсиз ва ҳақиқий  
ҳаёт намунасини суриш баҳтига муюссар бўласиз.

## ЛИДЕРЛИК

Ҳақиқий лидер аслида ишда, билим олиш соҳасида  
бирор нарсага эришмоқни мақсад қилса, унга етишишда  
хато қилмаслиги керак. Лидерлар одамларга ўзларининг  
яхшироқ эканларини кўрсатиб берадилар. Лидер бўшанг,  
гўл бўлмаслиги керак. Авваллари мен "Алдоқчилар ал-  
дамасликлари лозим", дер эдим. Бу тушунча аҳмоқона,  
кулгили сўзлар бирикмаси эди. Ёлғончи ёлғон гапиради.  
Шунинг учун ҳам уни ёлғончи дёб аташади. Сиз ундан  
яна нима кутмоқчисиз? Ҳурматга муҳтоҷ одамларга эмас,  
ҳурматга лойиқ одамларга ёрдам беришимиш керак. Ҳаёт  
кўпинча хизмат кўрсатган одамларга ёрдам беради. Ус-  
тозим: "Келинглар, шу ишни қиласиз", дер эди. "Шу  
ишни қиласиз", эмас, "Келинглар, биргалашиб шу ишни  
қиласиз", деган сўз қандай яхши эшитилади.

Одамлар албатта қаршилик кўрсатишларини яхши би-  
лиш керак. Нима учун шунаقا қилишларини аниқлашда ва-  
қтни сарфламанг. Ундан кўра улар ким эканини билиб олинг.

Одамларга мурожаат қилганингизда одатда "Менинг  
омадим чопмайди, ҳали у соҳада, ҳали бу соҳада... Нега  
ҳамма вақт шундай бўлади?!" дейишади. Мен шунчаки  
"Худо ҳақи, мен билмайман. Билганим шуки, сизга  
ўхшаш одамлар билан фақат шунаقا нохушликлар со-  
дир бўлиб туради", деб айтаман.

Лидерликнинг мақсади - ишни ёмон, нотўғри, аммо  
яхшилашга, тўғрилашга ҳаракат қилаётган кишиларга

ёрдам бериш. Агар сиз ҳақиқий лидер бўлсангиз, одамларни бирор ёқса олиб боришдан олдин уларга нима кераклигини, улар нима хоҳлашини, нимани ҳис қилишини тушуниб олишингиз керак.

Лекин эсда тутиңг: лидерларнинг асосий пойдевори интизомда. Интизомсизлик муқаррар омадсизликка олиб боради.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Жим, сизда ўсмирлар учун "Буюкликка элтүвчи З калит" деб номланган видео тасма бор. З та калит тўғрисида сўзлаб берсангиз.

**Жавоб:** Агар ёш йигит ёки қиз, хусусан, катта одам шу учта оддий нарсага диққат-эътиборини қаратса, мен аминманки, бироз вақтдан сўнг у албатта муваффақиятга эришади.

Ўз олдингизга мақсад қўйинг. Мен буни келажакни олдиндан кўриш деб атайман. Кўпчилик одамлар - болалардан тортиб катталаргача катта ваъдалар бераётган келажак лойиҳасини аниқ кўришга куч билан зўр беришлари керак. Бу болаларимизнинг келажакка интилишлари учун уларга эртангги кунни кўра олишларига ёрдам беради. Улар эртангги эришмоқчи бўлган нарсалари учун қийинчилик ва тўсиқлар борлигини ва уни босиб ўтиш кераклигини ҳис қилишлари шарт. Юқоридагилар буни болаларга онгли равища қилишларига ёрдам беради. Ўзингизни мукаммал инсон қилиш билан шуфулланинг. Билим олишни мудом давом эттириб боринг. Сизнинг билимингиз катта даромадлар берадиган омонат кассангиз бўлади. Мен сизларга кўпроқ ўқишни, семенарларга қатнашишни, аудио, видеокассеталари билан ишлашни, кундалик юритишни ва муваффақиятга эришган инсонлар билан кўпроқ мулоқотда бўлишни маслаҳат бераман. Чарли Гремендос Жонс: "Беш йилдан сўнг сиз ўқиган китобларингиз суммасида ва атрофида юр-

ган одамларингиз орасида бўласиз", деган эди. Молияларингизни режалаштиринг. Бу режани 70/30 деб атайман. Тушуниб олганингиздан сўнг унинг 10 фоизини олиб қўйинг. 10 фоиз инвестицияга, 10 фоизини муҳтожларга беринг. Бундан ташқари, болангизнинг молиявий эркинлигини кафолатлашга пулни аяманг. Шу учта пункт ота-оналар учун яхши натижка беради, деб ўйлайман. Ўзингизнинг янги қўникмаларингизга ўргатишнинг энг яхши вақти бу - кучли бир фикр қилган пайт. Нимадир қилмоқчи бўлсангиз, сўранг. Океанга сув олиш учун қошиқ кўтариб бормаётганингизга ишонч ҳосил қилинг. Болалар устингиздан кулмаслиги учун қўлингизга челак олинг. Миллионер бўлганингиздан сўнг пулларингизни сарфлашингиз мумкин. Негаки, миллион доллар муҳим эмас, муҳими шу жараёнда сиз ким бўлиб етишганингиз, қанақа инсонга айланганингиздир.

## ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ

Ёрқин келажагингиз асосий калити - бу сиз ўзингиз шахс сифатида ўсишингиз. Бу келажагингизга асосий таъсирини кўрсатишига ишонаман. Агар сиз шахс сифатида ўсмасангиз, савдонинг, фойданинг ўсиши тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқатда ҳам бу ҳамма нарсага эришишни очиб беради. Бу муҳим тезисни эслаб қолинг. Келаражакнинг асосий калити - сизнинг ўзингиз, яна такрорлайман, **ЁРҚИН КЕЛАЖАК КАЛИТИ - СИЗНИНГ ЎЗИНГИЗ**. Шу жумлани ҳар куни кўзингиз тушадиган жойга ёзib қўйинг. Эрганги куннинг калити сиз бўласиз. Буни ҳар кун эсланг, такрорланг. Бу ҳақда мудом ўйлаб юринг. Асосий калит ўзингиз. Келаражакда сизга ёрдам берадиган омиллар жуда кўп. Агар сиз ривожланадиган фирмада ишласангиз, у сизга ёрдам беради. Фирмангиз маҳсулоти яхши бўлса, хизматингиз яхши бўлса, бу билан куурланинг. У сизга ёрдам беради. Фирмангизда ўқиши учун шароитлар бўлса, бу ҳам "машинангизнинг бузилиб қолмаслигига" ёрдам беради. Қўшнилар тар-

бияли инсонлар бўлса, болаларингиз касал бўлмаса, қариндошлар зериктириб жонга тегмаса, ҳаво ҳаддан зиёд иссиқ ёки совуқ бўлмаса, буларнинг ҳаммаси сизнинг келажагингизга ўз таъсирини кўрсатади. Агар нарх-наво ошмаса, икти sodиёт бир хил бўлса, бу ҳам ёрдам беради. Биз бу рўйхатни чексиз давом эттиришимиз мумкин. Лекин бир нарсани эсдан чиқарманг: ҳозиргина биз санаб ўтганларимиз ва бошқа кўп нарсалар сизнинг келажагингизда муҳим рол ўйна майди. Ёрқин келажагингизнинг асосий таърифи - бу сизнинг ўзингиз. Бу жуда муҳим ва буни сиз эсда сақлашингиз керак. Асосий қалит - ўзингиз. "Қандай қилиб сиз юқори даромад даражасига эришдингиз?" деган саволга дўстим "Мен юқори даражадаги инсон бўлдим. Ўз устингизда ишланг", деб жавоб берди. У яна айтдики: "Кўл бериб кўришишга ҳам эътибор беринг". Одамлар муваффақиятта эришишни истайдилар. Лекин қўл бериб кўришишларида, қўл сиқишида эътибор бермайдилар. Кўришганда қўл суст бўлмаслиги керак. Очиқ чехрада табассум қилишга, ҳис-туйғунгизни ёрқин ифодалашга ўрганинг. Ишингизга ўзингизни бутунлай бағиашлашга, бошқалар билан қизиқишишга ўрганинг. Кўп нарсани олиш учун бошқача бўлинг. Ишингизни ўзгартиргандан кўра ўзингизни ўзгартиришга кўп вақт, куч сарфланг. Битта фирмада ишлаб, икки хил ойлик оладиган одамлар сизга фалати кўринмайдими? Бири кўпи билан юз доллар олса, иккинчиси минг доллар олади. Фарқи нимада? Ўргатиш бир хил, товар бир хил, иш қуроли бир хил, устози битта. Нега бири юз доллар, иккинчиси минг доллар олади? Фарқи унинг шахсида, ичиди бўлади. Ташқарида эмаслигини эсдан чиқарманг. Айтишларича, сизда сирли, мўъжизали нарсалар бор эмиш. Китоблар, фильмлар, учрашувлар, лекин буларни мўъжизага айлантирувчи сеҳрли нарса бизнинг ичимизда. Ишга бўлган сеҳр, ишончга бўлган сеҳр, фикрга бўлган сеҳр, табассумга бўлган сеҳр, фуурли ва иродали бўлиш сеҳри - буларнинг бари бизнинг ичимизда. Ҳақиқий сеҳр - ғамхўрлик, қайғуриш, ачиниш каби кучли ҳис-туйғу

бизнинг ичимиизда, ҳаммамизнинг ўзаро ҳақиқий фикримиз бизнинг ичимиизда. Сиз ҳаммадан фарқ қиласиз. Сиз баҳтли келажакнинг асосий қалитисиз.

## БИЛИМ ОЛИШ

Билимингиз сизга яшаш учун пул топишга, мустақил ўқиб-ўрганишга, бой-бадавлат бўлишга ёрдам беради. Биз истаган нарсамизга эришишимиз учун олган билимимизни ишлатишимишни ўрганишимиз керак. Ўқиши - бу бойликнинг бошланиши. Ўқиши - бу соғликнинг бошланиши. Ўқиши - бу маънавий бойликнинг бошланиши. Бу руҳий кўтаринкилик.

Ўқиши, ўрганиш давомида ҳақиқат ва саломатликни англаш, тушуниш жараёни дунёга кела бошлайди.

Агар инсон нотўри йўлдан кетаётган бўлса, уни бу йўлдан қайтаришга уриниш бефойда. У қайтмайди. Билиб олгандан кейин, маълумотга эга бўлгандан кейин эса ўзини бу йўлдан қайтариб олади. Диққатингизни иккита нарсага қаратинг: ҳаёт ва одамларга. Бу нарса қизиқ бўлса, келинг, шу тўғрисида гаплашамиз. Агар мактабда ўқиб юрган бўлсангиз, сиз билим олишингизга ишонинг. Билим олишингиз ва уни келажакда қандай ишлатишингиз сизга боғлиқ. Мактабдан билим олмасдан кетманг. Ҳеч қачон билим олиш, ўқиши учун пулингизни аяманг. Агар сиз мустақил ўқиб, ўрганиш йўлида борсангиз, ишлатган пулларингиздан кўра анча катта билимга эга бўласиз. Ўз билим ва ғояларингизни бирор билан бўлишсангиз, биласизми, нима бўлади? Агар ғоянгизни киши билан баҳам кўрсангиз, улар буни бир мартадан эшитишади. Сиз эса ўн марта. Осонига чопманг. Сиз ўзингизни ўстиришга, яхшироқ бўлишга интилинг. Кўпроқ ишлашга ҳаракат қилинг. Қилган ишингиздан яхшироқ натижа олиш учун бор кучингизни ишлатинг. Синовлардан кўркманг. Донишмандликни ўрганинг.

## ЛИДЕРЛИКНИ УДДАЛАШ БЕЛГИЛАРИ

Мақсадга эришиш жараёнида сиз ким бўлиб етишишингизда ишнинг қизиги охирги натижага эмас, ишнинг бажарилишига боғлиқдир.

Агар сиз ёқимтой, аҳамиятли инсонларга лидерлик қилмоқчи бўлсангиз, ўзингиз шунаقا бўлишингиз керак. Лидерлик - бу малака, иқтидор ва имкониятни жалб қилиш қобилиятидир. Хўжайин, ота-она ва иш юритувчилик... Лидерлик - бу инсоннинг ўз тақдирига ташлаган буюк чақириғидир. Лидерликнинг энг муҳими - ўз-ўзини ўстириш, мукаммалликка интилиш. Барча буюк лидерлар аниқ натижаларга эришгунча ўз устиларида ишлаганлар.

Мана бир нечта қоидалар:

1. Кучли бўлишга ўрганинг. Лекин қўпол бўлманг. Обрўли лидер бўлиш учун ўзгача таъсир этувчи кучга эга бўлиш керак. Баъзилар кучни қўполлик билан адаштиради. Бу ёмон адаштириш.

2. Хушмуомала бўлинг. Лекин бўшанг бўлманг. Биз хушфеъллик билан бўшангликни адаштирмаслигимиз керак. Хушмуомалалик олийжаноблик, муайян куч туридир. Биз бирорга тўғри сўзни айтишимиз учун хушфеъл бўлишимиз керак. Ҳамма нарсани борлигича айтишимиз керак. Токи одамлар хушмуомалалик билан бўшбаёвликни адаштирмасинлар.

3. Мард, жасур бўлинг, лекин безори бўлманг. Муваффақиятли инсон бўлиш учун довюрак бўлишингиз керак. Бошқаларга таъсир кўрсатиш учун сиз олдинда туришингиз лозим. Сиз биринчи бўлиб камондан ўқ узингиз, биринчи бўлиб қийинчиликларни, тўсиқларни кўра олишингиз ва уни енгишни бошлашингиз даркор.

4. Камтарин бўлинг, лекин қўрқоқ, юраксиз бўлманг. Қўрқоқ одам муваффақиятга эриша олмайди. Кўпчилик камтарлик билан қўрқоқликнинг фарқига бормайди. Андешанинг отини қўрқоқ деб қўйманг, деган нақл бор. Мўмин-

лик, итоаткорлик - Аллоҳнинг фарзи. Бу ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш туйғуси ҳисобланади. Бу инсоннинг қалби ва руҳини англаш, демакдир. Бу инсонга бўладиган нодир туйғу ва ҳаётнинг охиригача у билан бирга бўлади. Мўминлик - бу юлдузлар ва бизнинг оралиғимиз нақадар улкан эканини тушуниш ва у билан бирга коинотнинг бир бўллагилигимизни англашдан иборатдир. Мўминлик - бу қадр-қиммат, обрў-эътибор бўлса, кўрқоқлик касаллиқдир. Ҳа, кўрқоқлик - бу касаллик. Лекин уни даволаса бўлади.

5. Мағрур бўлинг, лекин манманчи бўлманг. Муваффақиятта эришиш учун мағрур бўлиш керак. Бу ўрнингизни топишингизда ва лидер бўлишингизда ёрдам беради. Сиз мағрур бўлинг, лекин манманчи, такаббур бўлманг. Такаббурлик манманлиқдан келиб чиқади. Бу инсон ўзининг ҳеч нимани билмаслигини сезмайди. Такаббурликнинг яна бир кўриниши бор: у сабрсизлик. Инсон қўлидан иш келадиган бўлса, буни кўтарса бўлади. Лекин манманчи ва нодон бўлса-чи, бу энди ортиқча.

6. Ҳазилкаш бўлинг, лекин тентак, аҳмоқ эмас. Лидер учун юмор жуда зарур. Лидер фаросатли бўлиши керак, аммо тентак эмас. Ва охирида айтмоқчиманки, реал ҳаётда тўғри яшанг. Ўзингизни қийнаманг. Ҳаёт қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинг. Умр бир марта берилади. Бошқа тақрорланмайди. Баъзилар ҳаётни фожеа деб атайдилар. Мен ҳаётни ажойиб деб ўйлайман. У бир бор бериладиган нодир неъматдир. У сизни ўраб олади. Мен бир лидернинг фазилати иккинчисига хос эмаслигини билдим. У бир-бирига айнан тўғри келмаслиги муумкин. Лекин лидернинг асосий билимлари ишда ҳам, омма орасида ҳам, уйда ҳам ҳаммага ёрдам беради.

## ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Ўз-ўзингизнинг қурбони бўлманг. Кўчада кутаётган ўғрини эсдан чиқаринг. Лекин миянгизда турган ўғридан қандай

кутулиш мумкин? Сиз давлатимизда тартибсизлик, деб айтишиңгиз мумкин. Сиз барига ношукрлик қилманг, шукр қилинг. Қачонки, ўзингизнинг шахсий планетангиз бўлса, ўша ерда тартиб ўрнатишиңгиз мумкин. Қолган ҳамма нарсани борича, қарздордек қабул қилинг. Тўдадан узоқда юринг. Халқаро аҳволни ҳисоб-китоб қилиб ўтирунг. Тақдирингизни ўз кўлингизга олинг. Маслаҳатларга қулоқ солинг, буйруқларга эмас. Ўзингиз ўзингизга буйруқ беринг. Сиз жавобгарликни, масъулиятни ҳис қила билишиңгиз керак. Сиз вазиятни, йил, вақтни, шамол йўналишини ўзгартира олмайсиз. Сиз ўзингизни ўзгартириб боринг. Мана ўнга сиз жавобгарсиз. Сиз юлдузларга ўз таъсирингизни ўтказа олмайсиз. Лекин сиз нима ўқиётганингизга, мутахассис бўйича керакли билимлар олаётганингизга, ўз устингизда ишлаётганингизга жавобгарсиз. Сизнинг иш қилишиңгиз иш берувчи га эмас, ўзингизга боғлиқ. Иш берувчи сизнинг ишиңгиз нархини чиқара олмайди, сиз эса ишчи сифатида бўласиз. Сиз ёки ўз истакларингиздан воз кечишиңгиз керак. Савдо билан боғлиқ касбларда асосий иш товар сотилгандан кейин бошланади. Яхши яшаш санъати - бу ҳаёт қиёфасидир.

## ФИКРНИ ЖАМЛАШ

Қачонлардир жамлаш тўғрисида яхши бир маслаҳат эшитгандим. Қаерда бўлишдан қатъий назар ўша ерда бўлинг. Ўйнаётган бўлсангиз, ўйнанг. Нима билан шуғулланаётган бўлсангиз, ким билан мулоқотда бўлсангиз, диққатингиз ўшанда бўлсин. Эътиборли бўлинг. Иш жараёнида фикрларингизни жамлаб, ишга қаратинг. Кун бўйи ишламасдан лақиллаб юрманг. Нима иш қилишиңгиздан қатъий назар кетаётгандан олган пайтингиздан яхшироқ ҳолатда бўлинг. Авваллари мен "Ҳаёт ўзгаради, деб ўмид қиласман", дердим. Кейинчалик эса ҳаётимни ўзгартиришни бирдан-бир ягона йўли - бу ўзини ўзгартириш эканини тушундим.

## ФЕРМЕР КАБИ ФИКР ЮРИТИНГ

Сиз муваффақият кетидан қувманг. Уни ўзингизга тортинг. Асримиздаги биз түқнаш келаётган қийинчиликлардан бири шуки, бизга йил фаслларининг фарқи йўқ. Оқибатда ҳозир нима мұхимлигини аниқлаб ололмаймиз. Буни мисоллар асносида тасдиқлаб берсам, фермер учун баҳор йилнинг энг иш қизғин пайти. Бу вақтда у тонг отгандан кун ботгунга қадар ишлаши керак. Унинг вақти жуда оз. Уруғларни ўз вақтида экиб, тугатиши керак. Қишлоғандан ишларини тугатиб, фермер дам олади. Бу мисол бизлар учун бир мактаб. Ҳаётингиз мавсумларидан фойдаланишга ўрганинг. Қаҷон ишлаш керак, қаҷон дам олиш керак, қаҷон бор эътиборни жамлаш, қаҷон ўз ҳолига қўйиш керак? Буларнинг ҳаммасини ўрганиш зарур.

## БЕПАРВОЛИК

Ҳар куни битта олма есангиз, докторнинг кераги бўлмайди, деган нақлни ҳаммамиз эшигтганмиз. Сизга битта саволим бор. Агар шу ҳақиқат бўлса-чи? Бу жуда осон-ку, ҳар кун олма ейиш. Муаммо шундаки, олмани емаслик ундан ҳам осон. Бепарволик худди микробдек билинмасдан кириб боради. Кейин касалликка айланади. Америкада ҳар куни минглаб одамлар юрак касали билан ҳаётдан кўз юмадилар. Шуларнинг тўқсон фоиз сабаблари бепарволик ҳолатлари экани аниқланган. Одамлар истаган мақсадларига эриши олмасликларининг сабабларидан бири - бу уларнинг бепарволиклари. Сизнинг бировга ҳадя қилмоқчи бўлган энг катта совғангиз - бу сизнинг ўзингиз.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Яқинда мен "Муваффақиятга эришиш йўлидаги синовлар" деган кассетани эшишиб қолдим. Жим, "Сиз

қирқ ёшингизда молиявий эркин бўлишингиз мумкин, агар бирор нодир истеъдод эгаси бўлсангиз. Ҳаттоти ундан ҳам олдин молиявий эркин инсон бўла оласиз", деб айтасиз. Бу мен учун фалати туюлди ва ўйланиб қолдим. Шунинг учун тавсия қилган учта китобингизни ўқияпман. Жим, сиз қайси китобларни ўқишини тавсия қиласиз?

**Жавоб:** Сиз ўқишингиз мумкин бўлган китоблар, эшишингиз мумкин бўлган кассеталар жуда кўп. Лекин сиз учта муҳим ишни қилишингиз керак:

1. Сизни молиявий эркинликка олиб борувчи режа ишлаб чиқаришингиз керак.

2. Шу режа билан боғлиқ ҳамма китобларни ўқиб-ўрганинг.

3. Кейин ўз режангизни тузинг ва уни бажаринг.

Қуйидаги китобларни ўқинг, тавсия қиламан: "Ўйланг ва бойинг", "Бадавлат сартарош", "Вавилондаги энг бой одам", "Бой дада ва камбағал дада". Муваффақиятга эришиш учун сиз ўзингизни бутунлай ўзгартиришингиз шарт эмас. Бир неча оддий одатларингизни ўзгартирангиз, 30 кун ичига ҳаётингизда анча ўзгаришлар бўлганинг гувоҳи бўласиз. Сизнинг бир ўзингиз муваффақиятга эриша олмайсиз. Бой-бадавлат дарвешни топиш қийин.

Кўпчилик одамлар баҳорда ниҳол ўтказиб, ёз бўйи дам оладилар. Агарда баҳорда боғингизга ўз вақтида керакли ниҳоллар ўтказсангиз, ёз бўйи мashaққат қилишга ҳожат йўқ. Фақат уларни парвариш қилсангиз, етарли.

## БУГУН - БУ КЕЧАГИ ЭРТАМИЗ

Биз эртанги кунни кутамиз. Охир-оқибат у кириб келади ва биз уни бугун деб атаймиз. Бугун - бу кечаги эрта. Биз бунга қандай эришамиз? Жуда оддий, уни ўтказиб юборамиз. Худди кеча ва бугунни ўтказиб юборган-дек. Агар биз мана шу бир кунни бекорга ўтказишимизни ва шу кун содир бўлиши мумкин бўлган ҳодиса, ба-

жарилиши мумкин бўлган ишларни амалга оцирмагани-  
мизни тушуниб етмасак бўлмайди.

Бунаقا кунларни ўтказиб юборамиз. Ҳар биримиз тўхтаб  
ўтириб ўйлашимиз керак. Соат ишлайпти, вақт ўтяпти. Биз  
туғилгандан бери вақт ўтяпти. У қачондир тугайди. Вақт  
ҳаммамизни тенглаштириб қўяди. У ҳаммани олиб қетади.  
Яхшини ҳам, ёмонини ҳам. Ҳеч кимни айириб қўймайди.  
Вақт ҳар биримизга имконият беради. Лекин қатъийликни  
талаф қиласди. Қачонки, умримиз охирлаб қолганда хато-  
ларни тузатиш учун иккинчи имконият йўқ. Мана шу дақи-  
қалари ўтиб бораётган соат ишлайверади. Биз ғалаба қиляп-  
мизми ёки мағлубиятга учряпмизми, унга фарқи йўқ. Вақт  
ўтаверади. Унинг парвойига ҳам келмайди. Биз муваффа-  
қиятга эришамизми ёки омадсизлик азобини чекяпмизми,  
вақт шафқатсиз. Адолат тантана қиласдими, ҳақсизликми,  
унга барибир. Ҳеч қанақа баҳона қабул қилмайди. Ўтиб  
кетаверади. Муҳими ўз ўйинимизни қандай ўйнашимизда.  
Инсоннинг ҳар қанақа ёшида уни ҳаракатта келтирадиган  
бир қўзғалиш даври бўлади. Ҳаётимиз ҳар бир дақиқасини  
қадрояпмиз керак. Биз эса шу дақиқаларнинг нақадар қим-  
матли эканини тушунмасдан улар бекор ўтгаётганини сез-  
маймиз. Бизда ҳали вақт бор. Бизда ҳали кўплаб имконият-  
лар, кўп ишлар бор. Эрта ҳам келади. Келаси ҳафта ҳам  
келади. Ой, йил ҳам келади. Агар биз бундан ўзимизга  
керакни ҳиссия қўзғатмасак, бу кун ҳафта, ой ва йиллар ҳам  
бекор ўтиб кетади. Вақт чексиз змас. Демак, биз орзу-мақ-  
саднарга эртага эришмоқчи бўлсак, бу йўлдаги биринчи  
қадамини бутунидан бошлиб қўйишмиз керак.

## РЕЖАЛАШТИРИШ

Мен ғалали хусусиятли одамларни кўрдим. Улар ҳаёт-  
ларидан кўра таътиларни пухта режалаштирадилар. Ҳаётни  
режалаштиришдан кўра уни қилмаслик осонлиги учун балки  
шундай қилсалар керак. Ўзингизнинг режайнгиз бўлмаса,

бировнинг режасини амалга оширишга тўғри келади. Лекин бегоналарнинг режаси сизга нима беради? Ҳеч нима. Нега кўпчилик одамлар келажакни қўрқув, ҳадиксираш билан кутадилар? Улар эртанги кунни режалаштирганлар. Сабаби фақат шуки, ёш йигит: "Ишда мен ишлайман, уйга келганда кеч бўлиб қолган бўлади, овқатланиб, озгина телевизор кўриб, ётиб ухлаш керак. Ахир ярим кечагача ўтириб олиб ҳаётни режалаштириш керак эмас", деса, бу одам, билингки, машина сотиб олишга қурби етмайди.

Ёқимтой одамларни ўзингизга жалб этиш учун ёқимили бўлиш керак, кучлиларни жалб қилиш учун кучли, мукаммал инсонларни жалб қилиш учун мукаммал бўлиш керак. Бунинг учун сиз ўзгаришингиз керак. Агар шунинг уддасидан чиқсангиз, одамларга ўз таъсирингизни ўтказа оласиз ва уларни ўзингизга жалб қиласиз.

Олий мақсадларингизга эришиш учун самимий бўлинг, хайр-эҳсон қилинг. Ўзингизни шунга руҳлантиринг. Шуни тан оламанки, бошида менда хайр-эҳсон қилиш деган тушунча умуман йўқ эди. Булар мен учун ёт нарса эди. Менинг ҳаётим "оқ қарға" деб аталувчи категорияга кираради.

Ҳаётимни ўзgartiriшга сабаб бўлган воқеа тўғрисида айтиб берсам. Мен билан содир бўлган бу воқеа ҳар қандай кишини эътиборсиз қолдирмайди. Бу воқеа жаноб Шоафф билан учрашмасдан сал олдинроқ бўлиб ўтган эди. Бир кун уйда ўтирганимда эшик оҳиста тақиллаганини эшилдим. Очсан, эшик олдида ўн ёшлар чамаси нозиккина бир қизча менга тикилиб турарди. У менга кичкина юракчасидаги бор мардлик, жасорат билан қараб Герл Скаут печенъеларини сотиб юрганини айтди ва менинг ҳам харид қилишимни сўради. Бу жуда ажойиб таклиф эди. Бир қутида бир неча хил печенъелар бор. Бор-йўғи икки долларга! Бунга қандай қилиб рад жавобини бериш мумкин. Қолаверса, қизча таклиф этаётганда шунаёнги ишонч билан табассум қилдики, менинг сотиб олгим келди. Мен сотиб олишни жуда хоҳлардим. Лекин менда икки доллар йўқ эди. Жуда хижолат бўлдим.

Мен коллеж талабаси ва иш жойим борлигига қарамасдан икки доллар пулим йўқ эди. Албатта, қизчага буларни айта олмадим. Мен унга ҳозиргина ҳудди шундай печенье сотиб олганимни, бунақангич печенельар уйда жуда кўплигини гапириб қизчани алдадим, ёлғон гапирдим. Негаки, қўлимдан келгани шу бўлди. "Яхши, кечирасиз, сэр", дея ўтирилиб кетди. Мен унинг орқасидан узоқ тикилиб қолдим. Кейин эшикни ёпиб, унга суянганча қичқириб юбордим: "Бас, пулсилизик жонга тегди. Бошқа мен бундай яшашни истамайман!" Бугундан бошлаб мен ўзимга чўнтақ харажатларим учун ҳамма ваqt бир неча долларим бўлади, деб ваъда бердим. Мана шуни мен камбағаликнинг эффекти деб айтаман. Балки бу ҳодиса охирги натижаларни олишда етарли таъсирга эга эмасдир. Лекин вақтингчалик муаммоларни ҳал қилишда етарли таъсирга эга деб ҳисоблайман. Бу воқеанинг охири яхшилик билан тугади. Бир неча йил ўтиб, мен банкса каттагина омонат қўйиб чиқиб кетаётгандим. Кўчани кезиб ўз машинам томон юраётганимда печенье сотиб юрган иккита қизчага қўзим тушиб қолди. Уларнинг биттаси олдимга келиб: "Жаноб, озгина конфет сотиб олмайсизми?" деб сўради. "Қанақа конфетларинг бор?" дедим.

- Лимонадли.  
- Лимонадлими? Энг яхши кўрган конфетларим экан, қанча туради?

- Фақат икки доллар.

Мен ҳаяжонланиб кетдим.

- Беш қути.

- Сизда неча қути бор? - деб иккинчи қиздан сўрадим.

- Тўрт қути.

- Ҳаммаси бўлиб тўққиз қути.

- Яхши, мен ҳаммасини оламан, - дедим.

Қизчалар оғизлари очилиб бараварига "Ростданми?" дейишиди.

- Албатта, менинг дўстларим кўп. Ўзим ҳам уларни энди кўришга бормоқчи бўлиб турувдим, - дедим.

Қизчалар ғайрат билан қутиларни жойлаштиришга киришиб кетдилар. Мен чүнтағымдан ўн саккиз доллар олиб бердим. Қутиларни олиб кетаверишимда қизчаларнинг бири "Жаноб, ҳақиқатадан ҳам сиз яхши одам экансиз", деди. Бу түгрида нима дейсиз? "Ҳақиқатда сиз яхши одам экансиз", дейишлари учун бор-йўғи ўн саккиз доллар сарфласа, етарли эканини тасаввур қила оласизми? Мана шундай имкониятларни ўтказиб юбормаслик учун ҳам мен ҳамма вақт чўнтақ харажатлари учун бир неча юз доллар олиб юраман. Ўйлаб қарасам, икки доллар пулимнинг йўқлигига хижолат бўлдим. Шу хижолат бўлганим мақсадимга эришишга илҳом берди. Сиз билан ҳам шундай бўлганми? Камбағаллик эфекти сизга ҳам ўз таъсирини кўрсатганми? Сизни яхши томонга ўзгаришга мажбур қилганми?

## МАЛАКА

Вақтини топиб, ўтган кунларингизни таҳлил қилинг. Ўз малакангизни жамлаб, эртанги кунга инвестиция қилинг. Ўз малакангизга танқидий кўз билан қаранг. Агар охирги ўн йил ичида бирон ишни нотўғри қилган бўлсангиз, бундай малакадан воз кечинг. Ҳаёт фақат вақт ўтказишдан иборат эмас. Ҳаёт малака оширишдан ва малакалар натижасидан фойдаланиш, демакдир. Яхшиси, ўтган кунингизга худди кулфатдек қаранг. Худди сиз ўқиб чиқкан мактабдек қаранг.

## АТРОФИНГИЗДА ГИЛАРНИ ҚАДРЛАНГ

Агар ҳаётингиз билан боғлиқ ҳамма нарсанинг қадрига етсангиз, сизнинг қанақа инсон эканингизни ифодалаш, фаҳмлаш учун атрофингизда ўзингиздек ҳамфир одамлар бўлиши керак. Жаноб Шоафф менга эҳтиёткорликни ифодаловчи муҳим бир гапни айтган эди. Шуни сизларга етказмоқчи-ман: "Таъсир қилиш кучини қадрламаслик мумкин эмас".

Хақиқатда ҳам одамларнинг атрофдагиларга таъсир кучи жуда катта. Одамлар бизларга ўз таъсирларини ўтказаётгандарини кўпинча англай олмаймиз, ҳаттоқи сезмай қоламиз. Негаки, бундай таъсир аслида аниқ вақт давомида ривожланади. Агар сиз ишлаб топган пулинни сарфлаб юборадиган одамлар билан бирга бўлсангиз, сиз ҳам шу ишни қиласиз. Агар сиз футбол ишқибозлари билан бирга бўлсангиз, ҳеч қачон концертга эмас, албатта футболга борасиз. Агар сиз китоб ўқимайдигандар орасида бўлсангиз, албатта сиз ҳам китоб ўқимайсиз. Биз "Қандай бу ерга тушиб қолдим?" демагунимизгача одамлар бизни шунга итарадиilar. Агар биз ҳаётда режалаштиргандек яхши яшашни хоҳласак, бунаقангич таъсирларни дикъат билан ўрганишимиз керак. Рухсат берсангиз, юқоридагиларга якун сифатида сизга учта савол берсам. Бу саволларим ҳозирги вақтда сиз қанақа одамлар билан эканингизни билиб олишингизга ёрдам беради.

"Мен қанақа одамлар орасидаман?"

Ўйлаб кўринг, сиз кўпроқ кимлар билан мулоқотда бўласиз? Сиз ҳар бир одамни сизга қандайдир образда таъсири борлигини баҳолай олишингиз керак.

"Бу одамлар мен учун нима қила олади?" Бу энг муҳим савол: "Улар мени нима қилишга, нимани эшлишига мажбур қиласптилар?"

Улар мени нимани ўқитишга ундаштилар, қанақа ва нимани гапиришга, қаерга боришга, нимани ҳис қилишга ўргатштилар, нимага мажбур қиласптилар? Бошқалар сизга қандайди таъсир кўрсатаётгандари тўғрисида ўтириб жиддий англаб олишингиз керак, хоҳ ижобий, хоҳ салбий тарафдан.

"Бу сизга ёқадими?" Балки сиз бирга юрган одамлар сизга ижобий таъсир қилар, сизни руҳлантирувчи таъсирга эгадир?! Балки яхши олмалар ичиди бир қанча чириги ҳам бордир?! Мен таклиф қилмоқчи бўлганим - буларни чуқур текширинг. Уларга қайта-қайта назар ташлаш учун бу саволлар ўринли деб ҳисоблайман. Хусусан, гап таъсир кучи ҳақида кетганда яхши ҳам, ёмон ҳам бизни қаер-

гадир олиб боради. Лекин фақат яхшиси керакли жойга олиб боради. Ҳаётимизга таъсир қилувчи нарсаларни жуда осонлик билан қўйиб юборишимиз мумкин. Бир одам айтган экан: "Мен қаерда яшаётганим, кимлар орасида бўлиш им мухим эмас. Уларнинг менга аҳамияти бўлмаса керак". Мен бошқа фикрдаман. Эсда тутинг, ҳаммасининг аҳамияти бор. Албатта, баъзилари катта, баъзилари кичикроқ таъсирга эга, лекин сизга таъсири бор. Атрофингиздагиларни салбий ва ижобий томонларини текшириб ўлчаб кўринг. Тарозининг қайси томонга босиб кетаётганини билиб олинг. Буни эътибордан қолдирманг. Балки сиз қичкина қушча тарихи тўғрисида эшитгандирсиз. Қушча қанотлари билан кўзини яшириб йиғлар эди. Шунда сава ундан сўради: "Нега йиғлаяпсан? Катта қуш кўзингта тупургани учунми?" Митти қушча: "Йўқ, мен катта қуш кўзимга тупургани учун йиғламаяпман. Мен шундай бўлишига йўл қўйганим учун йиғлаяпман", деб жавоб берди.

## АТРОФ-МУҲИТНИ БАҲОЛАНГ

Биз ҳаётимиздаги таъсир кучларини кўриб чиқдик. Демак, биз ўзимиздан: "Қандай қилиб бу ерга тушиб қолдим?" деб сўрамагунча одамлар бизни итаришларини билиб олдик. Биз ўзимизга учта қалит савол бердик: "Қанақа одамлар орасидаман?" Сиз ҳар бир инсонни ҳаётингиздаги ўрнини боғлай олишингиз керак. "Атрофимдаги одамлар менга қанақа таъсир кўрсатадилар?" Бу асосий савол: "Бу одамлар мени нимага ундейдилар? Нима қилишга, нимани эшитишга, ўқишишга, ўйлашшга ва ҳис қилишга мажбур қиласадилар?" Улар сизга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатаётгандарини жиддий ўрганиб олишингиз керак. "Бу сизга ёқадими?" Балки сиз бирга юрган одамлар сизга ижобий таъсир қилиб, сизни яхши натижаларга илҳомлантирас. Сизга энергия берар. Лекин бир қоп олма ичига чиригани ҳам бўлади. Менинг

таклифим сизни қуршаб олган кишиларга танқидий кўз билан назар ташланг. Бу саволларнинг ҳаммаси сизнинг атрофингиздаги одамларга қайтА-қайта эътиборли бўлишингиз учун керакдир. Хусусан, гап таъсир кучи ҳақида борганда. Яхши ҳам, ёмон, ҳам бизни қаёққадир олиб боради. Лекин фақат яхши бизни керакли жойга олиб боради. Энди бизни орқага етакловчи атрофдагиларга қарши ҳаракатнинг З услубини кўриб чиқишимиз керак:

### 1. Мулоқотни тўхтатиш.

Бу одамлар билан мулоқотда бўлманг. Бундай қарор мураккаб бўлиши мумкин. Бу осон кечмайди, лекин баъзи ҳолларда шундай қилишга тўғри келади (илтимос, буни қандай қилишни мендан сўраб хат ёзманглар, буни фақат ўзингиз ҳал қилишингиз мумкин). Бу йўлни фақат ўзингиз танлашингиз керак. Лекин бу оғир танлов, шунинг учун у сизнинг ҳаётингизга қарши таъсир кўрсатмаслиги керак. Бу танлов сизнинг лидерлик фазилатларингизга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Вазиятга қараб иш тутинг.

### 2. Мулоқотни чегараланг.

Сизга ижобий таъсир қиласидиган одамлар билан кўпроқ, салбий таъсир қилувчилар билан эса камроқ мулоқотда бўлинг. Аксини қилиш осонроқ бўлади. Лекин сиз бу тузоқча тушмаслигингиз керак. Ўз қадр-қимматингизни билинг. Сизнинг ихтиёргизда жуда оз вақт бор. Сиз уни ақл билан ишлатишиングиз керак.

### 3. Мулоқот доирангизни кенгайтиринг.

Мана шу маслаҳатта эътиборингизни қаратишиングиз керак. Муваффақиятга эришган одамларни топинг ва кўп вақtingизни улар билан бирга ўтказинг. Уларга кофе ичишни таклиф қилинг. (Ҳамма ҳаражатларни ўз бўйнингизга олинг.) Улар қандай муваффақиятга эришгандарини, нима шунчалик кўп нарсага эриштирганини билиб олинг. Суҳбат фақат молиявий муваффақият тўғрисида бўлиши шарт эмас.

Масалан, қандай қилиб баҳтли никоҳ қуриш мумкин, яхши ота-она бўлиш мумкин, соғлом бўлиш мумкин ёки руҳий

маънавий ҳаёт тўғрисида суҳбатлашиш мумкин? Бунақанги учрашувлар аниқ мақсад билан мулоқот доирангизни кенгайтиришга олиб келади. Қачонки, сиз шу ишларни қылсангиз, табиий тарзда сизни орқага тортувчи таъсир кучларини чегаралаб қўясиз. Қилиб кўринг, ўзингиз шоҳиди бўласиз.

## ЎТА ХАВОТИРЛАНИШ

Ҳаёт қийинчилкларига кўпам диққат бўлаверманг, кўпроқ инсонга эътиборли бўлинг. Бошқаларнинг ҳолаҳволига қаранг. Уларнинг фожеаси, омадсизлиги ва муваффақияти билан қизиқинг.

Инсонларни 12 ёшдан 40 ёшгacha тушунишини қандай ўрганиш керак? Хотирангизга зўр бериб эсланг, сиз шу ёшларда қандай бўлгансиз?

Инсонларга берган энг катта совғангиз - бу уларга бўлган эътиборингиздир.

Бирор тўғрисида қанча кўп фамхўрлик-қылсангиз, ўзингиз шунчалик кучли бўлиб борасиз. Қассоб пичоғи билан бирорни операғия қилманг.

## ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

**Савол:** Жим, устозингиз жаноб Шоафф билан учрашганингиздан сўнг даромадингиз кескин ўсиб кетгани тўғрисида тез-тез гапириб турасиз. Бизга қизизи шуки, қанақа бизнес билан шуғуллангансиз, сизга биринчи миллионни олиб келган бизнес соҳаси қайси? Бу савдо соҳаси эканини тушундик, батафсил тафсилотларни билишни хоҳлардик.

**Жавоб:** Устозим Шоафф билан учрашганда 25 ёшда эдим ва ўша пайтда у маркетинг билан шуғулланарди. У маркетинг - капиталнинг асоси, деб ҳисоблаган. Агарда бу маркетинг яхши, сифатли товар, яхши фирма ва яхши бошқарув билан бўлса, албатта.

**Савол:** Жим, қандай қилиб муваффақиятга эришгансиз? Жаноб Шоафф билан қайси компанияда ишлагансиз ва кейин қайси компания эгаси бўлгансиз? Ҳозир фақат семенарлар ўтиш билан шуғулланасизми ёки ҳар хил фирмаларни бошқаришни давом эттиряпсизми?

**Жавоб:** Маркетингдаги муваффақиятга эришганимдан сўнг тадбиркорлик билан шуғулландим. Фаолиятимни турли кўринишдаги ишлаб чиқариш билан давом эттиредим. Баъзида фирмада ишлаб чиқаришга асос солдим, баъзида ҳамкорлик қилдим. Шунинг билан бирга ўқитувчилик, ўргатувчилик фаолиятини ҳам фаол олиб бормоқдаман. Шу йилнинг ўзида менга 25 мамлакатдан 14 та семинар ўтказиш таклифи тушган.

Ҳеч қачон ҳаракатни муваффақият билан алмашти-  
ринг. Иш бажараётгандан натижани олиб бўлмайди. Шу-  
нинг учун ўзингизга савол беринг: "Мен ўзи нима билан  
шуғулланиб юрибман?" Бу самимият, лекин ҳақиқат эмас.  
Хатога йўл қўйиш осон. Инсон самимий гапирса, у  
ҳақиқатни гапиради. Бу нотўғри! Инсон самимий, чин  
юракдан адашиши ҳам мумкин.

## КАПИТАЛДАН КЎРА МУҲИМ БЎЛГАН 9 НАРСА

Инсон мақсадга эришиши учун ўзини шахс сифатида тарбиялаши лозим. Тарбия уни мақсадга етаклайди.

Биз бирор ишлаб чиқариш корхонаси очамизми ёки бирор иш бошламоқчи бўлсак, бунинг учун албаттга пул кераклигини яхши тушунамиз. Лекин биз ҳеч қанақа пули бўлмай туриб катта муваффақиятларга эришган одамларни биламиз ёки ҳеч бўлмагандан ўшалар тўғрисида эшитганимиз. Сиз сўранг, улар қандай қилиб бунга эришганлар?

Мен ишонаманки, капиталдан кўра қимматлироқ нарсалар борки, шулар билан ҳам катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Рухсатингиз билан уларни айтиб берсам.

## 1. Вақт.

Вақт пұлдан күра қимматлидір. Вақтингиз бүш ўтмаслиги керак. Вақтни бозорда юрадиган, даромад келтирадиган ишлаб чиқаришга сарфлаш керак. Вақт - бу сизнинг капиталингиз. Вақт қанақа қимматта эга? Тұғри сарфланған вақт капиталдан афзалдір. Бесамар кеттән вақт вайроналик олиб келса, самарали ўтказилған вақтда эса мұйжиза яратиш мүмкін.

## 2. Ночорлик.

Менинг Лидия исмли танишим бўларди. Унинг корхонага пул қўйишининг сабаби ночорлик бўлди. У: "Менинг болаларим оч-яланғоч, шунинг учун мен бу ишни қилишим керак. Лекин бу ишдан ҳеч нима чиқмаса, кейин бизнинг аҳволимиз нима бўлади?" дерди.

У бир долларга товар сотиб олиб, уни сотди. У бир долларни таваккал қилиб ишлаб чиқаришга қўйди ва уни келишилган нархда соттандан кейин кўтарасига товар сотиб олди.

## 3. Қатъийлик.

Қатъийлик керак, дейишади. Аввалига Лидия ҳам: "Нима бўлишидан қатъий назар мен харидор топишм керак", дерди. У ночор аҳволда эди. Кейинчалик у: "Шу куннинг охиригача мен харидор топаман", деди. Ва албатта у харидор топди. Бир марта топдими, демак, яна топади. Келгуси харидор йўқ, деса, ҳечқиси йўқ, у йўлида давом этади, кейинги ва кейинги харидорга боради ва ўз харидорини топади.

## 4. Мардлик.

Мардлик пулдан күра қимматли нарсадир. Агар сизда пул оз бўлса-ю мардлик етарлича бўлса, демак, сизни катта келажак кутмоқда. Мардлик ҳар қандай мушкул вазиятни енгади. Бунақа мисоллар тўғрисида эшитганмисиз? Сиз ақл бовар қылмас Косова тарихини ва у ердаги одамлар дўзах азобидан қандай чиқиб олганларини, уларнинг ҳақиқий мардликлари ҳаётларини сақлаб қолганини биласизми?

Бир куни Лидия уч ёки тўртта нарса сотганида кейин нима қилиш кераклиги тўғрисида ўйлаб қолди.

## 5. Иzzатталаблик.

Жавоб ўз-ўзидан тайёр: "Учта сота олдимми, демак, ўттиз учта ҳам сота оламан. 33 тә сота олсам, 103 та ҳам сота оламан". Энди Лидия келажак орзузи билан илҳомлана бошлади.

## 6. Ишонч.

Энди Лидия яхши фирманинг яхши товари қўлида эканига ишона бошлади. У ўзига ҳам ишона бошлади. У икки болали ёлғиз ишсиз аёл эди. "Худойим, менинг қўлимдан ҳамма иш келади". У ўзини ҳурмат қила бошлади. Бунга пулнинг ҳеч қанақа алоқаси йўқ. Агар сизда миллион доллар бўлса-ю, ишонч бўлмаса, сиз камбафал, қашшоқсиз. Сиз бой бўлолмайсиз. Энди мен сизларга Лидия қандай қилиб ҳозир миллион эгаси бўлганини айтиб бераман.

## 7. Топқирлик.

Миянгизни ишлашга мажбур қилинг. Ҳозиргача сиз миянгизнинг ўндан бир қисмини ишлатаётгандирсиз. Қолган тўққиз қисмини ишга солсангиз-чи! Нималар рўй беришини хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз. Одамлар жуда қизиқ нарсаларни ўйлаб топадилар. Топқирлик нима билан ўлчанади? У омад, бойлик ва баҳт билан ўлчанади. Топқирлик пулдан қимматлидир. Сизга бор-йўғи доллар ва кўпроқ топқирлик керак. Ўйлаб кўринг, қандай қилиб уни ишлашга, ишлашга ва яна ишлашга мажбур қилиш мумкин?

## 8. Юрак ва қалб.

Юрак ва қалб ўрнини нима боса олади? Пул эмас. Пулга юрак ва қалбни сотиб олиб бўлмайди. У миллион доллардан кўра қимматлироқ. Агар сизда миллион доллар бўлса-ю юрак ва қалб бўлмаса, сиз яшай олмайсиз. Юрак ва қалб - бу одамларни қарор қабул қилиб олдинга ҳаракат қилишга мажбур қиласиган кўринмас мўъжизадир.

## 9. Шахсият.

Сиз ривожланиб шахс сифатида мукаммал бўлишингиз керак. Уни шундай ривожлантирингки, ҳар кун фойда олинг. У ҳамма нарсага таъсир қилиши керак. Ёш бола билан

ишлийсизми, бизнес биланми, фарқи йўқ. Камбағалми ёки бойми, фарқи йўқ. Билиб қўйинг, сиз ноёб ва бетақрорсиз.

Билл Бейли: "Сиз қаерда бўлманг, ўзингизни ҳамма жойда қулай ҳис қилинг. Жаноб Рон, Сиз Кентуккидаги кичик кулбада эски дўстингиз билан чой ичасизми ёки Вашингтондаги семинар қўрғонида меҳмонда бўласизми, аҳамияти йўқ. Ҳамма жойда сиз ўзингизни қулай, бемалол ҳис қилинг", деб ўргатган.

Ким билан мулоқотда бўлишингиздан қатъий назар, бойми, камбағалми, ўзингизни ўз уйингиздагидек ҳис қилинг. У бойми, камбағалми, сизга фарқи бўлмаслиги керак. Сизда яхши мулоқотда бўлиш имконияти бўлади. Ким билан бўлса ҳам, барибир. Буюк шахс бўлиш - бу ҳар қандай муҳитда ўзини қулай ва қолипда сақлаш, дегани.

Хуллас, шу йўналиш ва қулайлик тўғрисида унутманг. Ҳар ерда ҳар қандай шароитда ҳам хулқ-авторингиз, сўзлашув, ўтириб туриш, ўзаро муносабатда ижобий ажралиб туришингиз керак.

Санааб ўтилган фазилатлар пулдан кўра катта қимматга эга. Ҷўнтакда бир доллар ва шу фазилатлар сизда бўлса, бутун дунё сизни.

Нимага эришмоқчилигингиздан қатъий назар у сизга тегишили.

Сизга айтмоқчи бўлганим мана цу пулдан кўра қимматроқ турадиган нарсалар, у сизни муваффақиятли келажай билан таъминлайди. Эсда сақланг, сизда етишмайдиган нарса пул эмас.

## МУАММОНИ ЕЧИН

Ҳар қандай муаммони счишда сиз ўзингизга уч савол берингиз керак:

1. Нима қилишм керак? .
2. Бу иш бўйича нималарни ҳисобга олишим керак?
3. Бу ҳақда кимдан сўраним керак?

Муаммоларнинг ечими одатда икки-уч қисмдан иборат. Агар кимгадир ёрдам бермоқчи бўлсангиз, эсда сақланг. Кўпчилик одамлар битта ҳаракат билан ҳар қандай муаммони ечиш мумкинлигига ишонадилар.

Лекин Нейл Армстронг айтганди: "Сиз ойга йўл олганингизда икки муаммони ҳал қилишингиз керак. 1) У ерга қандай етиб олиш. 2) У ердан қандай қайтиб келиш мумкин?"

Шу икки масалани ечмасдан сиз у ердан қайта олмайсиз. Шунинг учун ҳеч қачон бир ишни охиригача етказишни билмасангиз, уни бошламанг. Муаммони ечишнинг энг қулай усули уни қофозда ечишдир.

## МУВАФФАҚИЯТЛИ КОМАНДА ТУЗИШ

Ўқиш - бу бойликтинг бошланиши. Ўқиш - бу соғликнинг бошланиши. Ўқиш - бу маданий-руҳий ҳаётнинг бошланиши. Энг муҳим нарсалар ўқиш ва англашдан бошланади. Қачонки, сиз мақсад қўясиз, худди ташкилот қурдингиз ва ташкилий ишларни йўлга қўйиш керакдек ҳисоблайсиз. Мадраса қўрмоқчисиз ёки спортда бирор ютуққа эришмоқчисиз - сизнинг вазифангиз сизга мақсадга етишишингизга ёрдам берувчи одамларни топишингиз керак. Муваффақиятли команда тузиш сизга ёрдам беради. Бу қийин масалада, яъни сизга керакли одамларни қидириб топишда ёрдам берувчи тўрт пунктдан иборат фикрларим билан ёрдамлашмоқчиман:

1. Номзоднинг автобиографиясини ўрганиб чиқинг. Унга тегишли бўлган меҳнат фаолияти ва мадакаси тўғрисидағи ахборотни билиб олинг. Бу энг тўғри қадам бўлади,

2. Номзоднинг қизиқиши даражасини аниқланг. Агар унга сиз таклиф қилган нарса қизиқ бўлса, демак, уни катта келажак кутмоқда. Баъзida одамлар сизни алдашлари мумкин. Агар сизда етарли малака бўлса, сиз у одамнинг рост ёки тилёғламачилик қилаётганини билишингиз мумкин. У билан рўй-рост гаплашишга ҳаракат қилинг ва унинг

самимийлигини қадрланг. Буңа ўрнига унинг шохини олиш керакмас. Лекин ўйламангки, бу одам ўша сизга керакли одамми ёки бошқами, топиб оласиз.

3. Унинг реакциясини кузатинг. Реакция одам характеристидаги тұғриликни ва билим даражасини күрсатади. Унинг қуидаги жавобларига қулоқ солинг: "Сиз менинг ишга шунчалик барвақт келишимни хоҳлайсизми?"; "Мен кечгача ишлашим керакми?"; "Тушлик ўн дақиқа, холосми?"; "Шанба кунлари ҳам кечгача ишлаш керакми?" Сиз бу жавобларни безътибор қолдирмасанғыз керак. Номздонинг жавоблари унинг характеристери ва ишга муносабатини күрсатади. Бизнинг нимагадир муносабатимиз ички "мен" үмизда ўз аксини топади. Агар кимнидир алдасақ, охир-оқибат у барибер бизнинг ҳақиқий ичимиздаги "мен"ни күрсатади.

4. Натижаларни текширинг. Ўйинда энг мұхими - бу натижа. Инсоннинг ҳақиқий муваффақиятини бундан бўлак яна қандай аниқлаб бўлади? Назорат қилиш керак бўлган икки хил натижа бўлади:

А) Бу фаолият натижаси унинг қанчалик самарали эканини күрсатади. Баъзида унинг қанчалик фойдали эканини тез кўра олмайсиз. Лекин инсоннинг нақадар фаол эканига баҳо бериш қийин эмас. Айтайлик, сизнинг ташкилотингиз савдо билан шуғулланади ва сиз янги ишга келган сотувчига бир ҳафта, ўн ҳафта телефон қўнфироғи қилишни буюрдингиз.

Жума куни ундан "Жон, нечта қўнфироқни бажардинг?" деб сўрашингиз керак. Агар у буйруқни бажармагани сабабларини тушунтира кетса, сиз унга "Жон, нечта телефон қўнфироғи бажарганинг сони керак. Бунақа тушунтиришлар эмас", деб жавоб берасиз. Сиз уни бир ҳафта синааб кўришингиз мумкин. Агар бу ҳафта ҳам омадсиз бўлса, демак, бу инсон ишга лойиқ эмас ва у сизнинг комandanгиз аъзоси бўла олмайди, деган ҳуросага келишингиз керак.

Б) Бу сиз бошқаришингиз керак бўлган унумдорлик. Вақтдан оқилона фойдаланиш команда ишининг яхши ке-

тишини аниқлаб берувчи муҳим кўрсаткичdir. Агар командангиз яхши натижалар билан ишлашини хоҳласангиз, сиз бор қобилиятингизни намоён қилган ҳолда команданинг олдинги қаторида туришингиз керак. Бу келажакда сиз истамаган сперпризларнинг олдини олади.

Агарда сиз айтилган маслаҳатларга риоя қилсангиз, албатта инстинк асосий ролни бажаради. Иш жараёнида у мукамаллашиб, ривожланиб боради.

Эсда сақланг, яхши команда қуришда лидер сифатида сизнинг вазифангиз асосий ҳисобланади. Бир куни келиб сиз кучли, бир хил фикрловчи команда қурганингизда қилган меҳнатингиз роҳатини, мукофотини албатта кўрасиз.

## НАТИЖАЛАР

Ҳар бир ўтган қунингиз охирида ўтган қунингиз олқишига лойиқми ёки ундан хижолатдамисиз, шуни аниқлаш учун миянгиздаги тасмани орқага суриб, тасаввур қилиб кўринг. Ҳақиқий аниқлик ҳосилни йиғиб олганда билинади. Ҳосиллингиз сиз кутгандан камроқ бўлса, умидсизликка тушманг. Кўп бўлса ҳам, димофингиз кўтарилиб кетмасин.

Ҳаёт вақт ўтиши давомида биздан аниқ ривожланишни талаб қиласди. Мана шунинг учун 4 яшар бола ўриндиғи шунаقا кичкина. Шунинг учунки, у 25 ёшдалигида бу ўриндиқча ўтиromoқчи бўлмасин. Шунаقا нарсалар бўладики, уни чуқурлаштиришга ҳожат йўқ. Унинг борлигини ва иш бераётганини билиш кифоя. Баъзилар ҳали кўчат ўтказиш тўғрисида ўйлаётган бир пайтда бошқалар мевасини йигаётган бўладилар. Қайси одамлар орасида бўлиш сизнинг хоҳишингизга боғлиқ. Ўзингиз танлайсиз.

## СЎРАНГ, ИШОНИНГ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

Океанга чой қошиқ билан кетмаяпсизми? Шунга ишонч ҳосил қилинг ва болалар устингиздан кулмаслиги учун че-

лак олинг. Имконият бўлганда борига шукр қилиб ўтирасдан кўпроқ олишга ҳаракат қилинг. Шукроналик янги имкониятларга эшик очиб беради. Сиз ўзингизга "Мен шу тоқча чиқаман. Айтишларича, бу тоғ жуда баланд, жуда сирланчиқ, айланма. У ерга чиқиш жуда қийин. Лекин бу менинг тоғим. Мен унга чиқаман ва сизлар тезда менинг шу тоғ чўққисидан туриб қўлимни силкитганимни кўрасизлар", дейишингиз керак. Нафрат ва қатъийлик - икки кучли ҳиссиёт инсонни ўзгаришга мажбур қилувчи таъсирга эга.

## МЕН ИШОНАМАН

Ишонаманки, ҳар бир одам аввал ишга солинмаган туганмас потенциалга эга.

Ишонаманки, ҳар бир одам фойдаланилмаган катта ақл эгаси.

Ишонаманки, ҳар бир одам ўзини тасаввур қилгандан кўра кўпроқ ижодкорлик қобилиятига эга.

Ишонаманки, ҳаётингиздаги буюк ишлар ҳали олдинда.

Ишонаманки, энг баҳтли лаҳзаларингиз ҳам ҳали олдинда.

Ишонаманки, эришмоқчи бўлган катта ютуқларингиз ҳали сизни кутиб турибди.

Ишонаманқи, сиз ақл фаолиятингиз ва билимингизни ҳаётта татбиқ қилган ҳолда ҳар қандай тўсиқни енгасиз, ва олдингизга қўйган мақсадларингизга эришасиз.

## УМР ДАВРЛАРИ

Интизом - бу мақсад ва унга эришиш ўртасидаги кўприкдир.

Ҳаёт олдинда башорат қилинган мунтазам ўзгариш занжири ҳисобланади. Инсон дунёга келгани олти минг йиллик тарихга эга. Улар ота-она, мактаб-ўқитувчи устозлигига ҳаёт малакасини ошириб, кўплари ўз олдига

буюк мақсадлар қўядилар. Ҳаёт фидираги айланишда давом этади. Бутун инсоният ҳиссиёти пайдо бўлади, йўқолади ва яна пайдо бўлади.

Инсон ҳаётида синовлар бошланади. Синовлар асосан унинг ёши билан боғлиқ бўлади. Вазият ўзгаришига қарамасдан инсон ички мақсад-моҳиятини мутлақо ўзгартирмасдан сақлаб қолишга ва уни яширишга интилиши шарт.

Шунинг учун мен ўз данёқарашимнинг кучи ва қийматига ишонаман. Мен ўқиганимда фикр юритаман. Одамлар, уларнинг қилинчлари, тақдирлари тўғрисида ўйлайман. Мана шуни аниқ билиб олдимки, бу дунёда бор эканмиз, ўсишимиз ва муваффақиятта эришишимиз, баҳтимизни топиш учун яратилган эканмиз. Ўқиш керакми ёки йўқ? Буни ўзимиз ҳал қиласиз. Ҳаракат қиласизми ёки тўхтаб қоласизми? Омадсизлигимизга ўзимиз айборми ёки бошқаларми? Булар ҳам ўзимизга боғлиқ. Рост гапирамизми ёки алдаймизми? Буларнинг ҳаммасини бизнинг қарашларимиз ва фақат биз ҳал қиласиз. Муваффақиятта эришамизми ёки омадсизликками? Ҳайратланарлиси шуки, буюк ва мураккаб коинот-у одам зотини яратган Аллоҳ бу одамларга омадга эришиш ёки мағлубиятта чидашдек танлаш имкониятини берган. Ҳамма һарсани билгувчи Аллоҳ бизга ёр деб аталган ва бу ерда ҳамма нарса ҳисобкитобни ҳамда баробар қилинган қобиқни ато этган ва бу ерни бўстон қилювчи ёки вайронага айлантирувчи инсон деб аталган ақли жонзотни яратди. Ҳар иккаласини Аллоҳ туганнамаган ва қизиқувчи қилиб қолдирди. У чизилмаган картиналар, куйланмаган қўшиқлар, ёзилмаган китоблар, кўпrikсиз дарёлар ва кашф этилмаган бўшлиқни ҳамда охир-оқибат Аллоҳ тугалланмаган инсонни ҳам яратдики, бу инсон ўз қалби ва ақли билан Аллоҳ тугатмаган шу нарсаларни охиригача етказсин. Буларни охиринга етказиш қобилятини фақат инсонга берди. Танлашда эса инсон ўзини ўзи бошқаради. Ҳали юрак уриб турган экан, ердаги Аллоҳ бошлаган ишларни тугатишда сизда

имконият бор. Бу ишларни умрнинг ҳар қандай даврида қилиш мумкин.

## ФОЯЛАР

Бирор нарсани топмоқчи бўлсангиз, уни қидиришингиз керак. Яхши фоя сизга халақит бермайди. У ҳаётингизни ўзгартириши мумкин. Баъзида сизга бор-йўғи кераклиси битта яхши фоя бўлиши мумкин. Фоя - бу кўринган аниқ формадаги ахбортотди. Йўлимизда янги фоя учраганда биз уни ақл тарозиси билан ўлчаб кўришимиз ва қанақа қимматга эга эканини билиб олишимиз даркор. Фоянинг сирларидан бири у илҳомланиш билан қўшилган ҳолда келади. Келажак учун фойдалари ва ахбортларни йиғишдан кўра фойдалироқ нарса йўқ. Бу уйга вазифани бажариш дегани. Агар сиз фарзандларингиз билан суҳбатлашиб турсангиз, сиз уларни ҳамма вақт бирга бўлишларига ёрдам берасиз. Агарда сиз улар билан оқилона суҳбатлашсангиз, сиз уларнинг орзуларини амалга оширишларига қўмаклашган бўласиз. Бир нарсанинг ўзи сизга хизмат қилиши ёки сизни ўзига бўйсундирishi мумкин. Бугунни сиз бошлигининг мумкин ёки кун сизни бошлайди. Ё ишни сиз бошлайсиз ёки иш сизни бошлайди. Сиз бир ўзингиз муваффақиятга эриша олмайсиз. Бой-бадавлат дарвешни тоғдиш қийин. Муваффақиятга эришиш учун сиз тубдан ўзгаришингиз шарт эмас. Фақат бир неча одатларнинг ўзгариши ҳаётингизга шунаقا таъсир қиладики, келгуси 20 кун ичida ўзгаришларни кузата бошлайсиз. Энди келаси 12 ой ва уч йил тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

## УМР ДАВРЛАРИ

Сиз муваффақиятнинг орқасидан қувманг. Уни ўзингизга тортинг.

Ҳаёт бу башорат қилинган мунтазам ўзгарувчи занжирдир. Бизнинг ҳаётга қарашимиз келажакка интилишимиш билан ўлчанади. Мана шу ҳаёт қарашимиздан танловимиз аниқланади. Натижани эса танлов аниқлади. Биз ҳозир киммиз, кейин ким бўламиш? Бу бизнинг танловимиз ва позициямизга боғлиқ. Энди умрнинг тўрт даври тўғрисида тўхталамиш.

1. Ҳаёт ва бизнес худди йил фасллариdek ўзгариб турди. Мана бизнинг ҳаётимизни расмларда кўрсатиб бериш, у худди йил фасллариdek мудом ўзгариб турди.

2. Сиз йил фаслларини ўзгартира олмайсиз. Лекин сиз ўзингизни ўзгартира оласиз. Шу икки иборани ақлда сақлаб, вағтни қиши билан таққослашни ўрганиб чиқамиш. Қиши ҳамма вақт куздан кейин келади. У баъзида узоқ давом этади, баъзида қисқа, баъзида қийинчилик билан, баъзида осон. Лекин қиши куздан кейин келади. Ҳамма вақт шундай бўлган. Бунаёнги қишилар жуда кўп. Ҳаётда баъзида сиз даҳшатга тушасиз. Ҳеч кимни тушунмайсиз. Иқтисодий қишилар бор. Социал ва шахсий қишилар бор. Қиши кўпинча бизнинг хафсаламишни пир қиласди, жонга тегади. Биз қишига бўйин эгмаслигимиз керак. Ҳамма вақт ёруғ кунлар қийинчиликлардан кейин кёлади. Сиз ўсиш учун қийинчиликлардан йиқилганда туришни ўрганишингиз керак. Бошқа йўл йўқ. Хўш, қишини һима қилиш керак? Сиз январ ойини календардан йиригиб ташлаган билан ундан қутулмайсиз. Мана сиз һима қилишингиз мумкин. Сиз кучлироқ бўлишингиз, яхшироқ, ақллироқ бўлишингиз мумкин. Шу учта сўзни эслаб қолинг: кучлироқ, ақллироқ, яхшироқ. Қишини ўзгартириб бўлмайди, сизни эса бўлади. Мен шу нарсаларни тушуниб олгунимча қишини ёз билан алмаштиришни истардим. Қийинчилик бошимга тушса, унинг йўқолиб кетишини хоҳлардим. Қийинчиликни ёмон кўраман. Кейин жаноб Шоафф менга "Ўзингта осон бўлсин, десанг, ўзингни яхшироқ қил. Муаммолар кўп бўлмасин, десанг, кўпроқ малакангни ошир. Синовлар кам бўлсин,

десанг, ақллироқ бўл", деб масалаҳат берди. Бу нодир фалсафадир.

## БОШҚАРУВ

Сиз қанча пул ишлашингиз керак? Албатта, қанча ишлай олсангиз, шунча! Бир йилда ўн минг доллар ишлайсизми, юз минг долларми, аҳамияти йўқ. Сиз қўлингиздан келганича ишлайсиз. Бир одам: "Менда катта бойлик бўлса эди, уни қандай ишлатиш йўлларини топардим. Лекин мен ойлик-маошда яшайман. Шунинг учун унинг қаерга кетиб қолганини билмайман", деса, сиз унинг фирмангизни бошқаришини хоҳлармидингиз?

Сиз кўплаб одамларни бошқаришини хоҳласангиз, ҳали бир неча киши бўлгандаёқ шуғулланишни бошланг. Шунда улар билан алоқада бўлиш қулай бўлади ва уларни қўллаб-қувватлаб ишга шўнғиб кетинг. Қаерда бўлсангиз, ким билан бўлсангиз, ўша ерда бор нарсангиздан фойдаланиб ишни бошланг.

Муваффақият - бу 20 фоиз моҳирлик, 80 фоиз стратегиядан иборат.

Сиз кўп ўқишингиз мумкин. Лекин нимани ўқимоқчилиз, мана шу муҳим.

## УМР ДАВРЛАРИ

Биринчи қисмда мен қуйидагиларни таъкидлагандим:

А) Ҳаёт - бу муңтазам ўзгаришлар.

Б) Ҳамма учун ягона омил - бу бизнинг ҳиссиётимиз ва дунёқарашимиз.

В) Биз барча нарсаларга нисбатан инсонийлик ақл-идроқига эгамиз. Шу ўринда бу қай йўлдан боришимизни ёки қайси йўлни танлашимизни белгилайди. Танланган йўлимиз эса натижани айниқлаб беради.

Иккинчи қисмда эса:

А) Ҳаёт ва бизнес - бу худди йил фаслларининг алмашинувига ўхшайди.

Б) Сиз йил фаслларини ўзгартира олмайсиз, лекин ўзингизни ўзгартиришингиз мумкин.

В) Ўрганишимиз керак бўлган асосий ҳаёт дарси - бу худди қиши фаслининг қийинчиликларини енгишдек нарса.

Г) Қиши сизга яхшироқ, кучлироқ ва ақллироқ бўлишга имкон беради.

Қишини ўзгартира олмайсиз, лекин ўзингизни ўзгартиришингиз мумкин.

Энди биз баҳор тўғрисида гаплашамиз. Яхшиямки, қиши ташвишлари ортидан баҳор деб аталувчи фаол ва янги имкониятлар мавсуми кириб келади. Бу ҳаётнинг сермаҳсул экинзорларига билим урувларини экиш учун тайёр вақт. Бироқ шунчаки баҳорнинг келиши кузда ҳаммаси яхши бўлади, дегани эмас. Баҳорда сизнинг ҳаракатингиз керак. Сиз танланг: ё баҳорда уруғ экинг ёки кузда тиланчилик қўлинг. Баҳорнинг ҳар бир куни ва имкониятидан фойдаланинг. Агар сиз эксангиз, шунда ҳосилни йиғиб оласиз, дея баҳор ваъда беради. Аллоҳнинг иродаси билан биз ҳар қандай сарфланган кучимиз учун кўп марталаб мукофот оламиз. Ҳар ҳовуч экканимиз - қоп-қоп ҳосил беради. Бирорвга қылган ҳар бир яхшилигимиз - юз карра яхшилик бўлиб қайтади. Эътиқодимиз учун кўплаб мукофот оламиз. Бирорвга меҳр берсаккина, бизга жавобан меҳр берадилар. Баҳор жуда қисқа, у ўз гўзаллиги билан бизни аллалаб ухлатиб қўйиши мумкин. Кўп ўйлаб вақтни бой берманг. Бир кун ўйғонсангиз, баҳор ўтиб кетибди, уруғ эса ҳали экilmagan. Аллоҳ томонидан берилган, ақл, идрок, танлаш эркинлигидан фойдаланиб, бегона ўтлар, тошлар бўлишига ва бошқа йўлингиздаги тўсиқларга қарамасдан экинг. Агар сиз ақл билан керагича уруғ эксангиз, бу бегона ўтлар, тошлар ва тиканлар сизнинг уруғингизни йўқота олмайди. Таклифим ҳаракатни танланг, дам олишни эмас, ҳақиқатни танланг, фантазияни эмас. Табассумни танланг, хўмрайишни эмас. Муҳаббатни танланг, душманлик-

ни эмас. Ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида яхписини танланг ва ҳаётингизда баҳор кулиб бокқанда ишлаш имкониятини танланг. Баҳор - ҳамма вақт ҳаётнинг бошланиш, ҳамма вақт имкониятилар, ҳамма вақт баҳор эканини кўрсатади. Биз ҳаётга болаларча кўз билан қарашимиз керак. Яъни, қизиқувчалик, мафтункорлик билан кундалик ҳаётта яширинган мўъжизаларни топишга интилишимиз лозим. Ҳар биримизга шунақанги баҳор берилган. Тезроқ ўз баҳорингиз билан, ўз имкониятингиз билан шуғулланинг. Ҳаёт қисқа, ҳаттоқи энг узоги ҳам. Қилмоқчи бўлган ҳамма ишларингизни бажаринг. Йил фаслларини шунчаки ўтказиб юборманг.

## ЭКИШ ВА ҲОСИЛНИ ЙИФИШ

Ё сиз баҳорда экишингиз керак, ё кузда тиланчилик қилишингиз! Танланг!

Экинг, секинлаштирунг. Дўстларимиздан бири: "Бирор ҳодиса шунчаки рўй бермайди, ҳодисалар шунчаки рўй беради", деб айтган эди.

Ер айтади: "Менга ўз талабларингизни эмас, уруғни беринг".

## ШУКРОНАЛИК ТУЙФУСИ БИЛАН ЯПАНГ

Үйқусиз тунларингизнинг бир сониясини тасаввур қилинг. Сиз эса эрталаб жуда вақтли туришингиз керак. Негаки, эртанги бўладиган мажлисда асосий маърузани сиз ўқийсиз. Соат қўнғироғи сизни уйғотди. Агар шуни уйқу деб бўлса, сиз дарҳол туриб, душ қабул қилиб, тезгина нонушта қилиб олиб кўчага отиласиз. Кўчада одамлар гавжум, сиз ҳам шу оммага қўшилиб кетасиз.

Кун ниҳоятда ёмон бошланди. Ҳа, кўпчилик шундай дейди. Жуда озчилик "йўқ" дейди. Менимча, бу одамлар ҳаётга ўзгача кўз билан қарайдилар. Улар "шукроналик туйфуси" билан яшайдилар. Баъзи одамларнинг ухлашга краватлари

йўқ, баъзиларнинг ҳатто уйлари йўқ, кўчада яшайдилар. Улар ҳам эрталаб уйғониб яшаш учун ишлашга борадилар. Улар ахлат яшикларидан егуликлар, исиниб олиш учун кийим-кечаклар қидирадилар. Бу мисолларни келтиришдан мақсад - биз ўзимизда бўлган нарсага шукр қилишимиз керак. Негаки, бундан ҳам баттар, ёмон бўлиши мумкин. Демак, шукр қилишга ҳамма вақт сабаб бор. Агар сиз шукроналик туйфусини ҳис қиласангиз, сизда ҳаётдан қониқиши пайдо бўлади, ўзингизни баҳтли сеза бошлайсиз.

Ҳаёт - бу жумбоқ. Ўзи жуда қийин аҳволда яшашига қарамай, бошқаларга ёрдам қўлини чўзадиганлар бор. Қачон биронга ёрдам берсангиз, ўзингизни яхши ҳис қила бошлайсиз. Негаки, биронга ёрдам берган вақtingизда ўз муаммоларингизни ўйламайсиз. Бошқалар сиздан-да оғир аҳволдалигини кўрасиз. Ҳамма вақт фикрингизни жамлаб, муаммога эмас, унинг ечимиға қаратинг ва "шукроналик туйфуси" билан яшанди.

Тереза она бунга ёрқин мисол бўла олади. Бутун умр муҳтожларга ёрдам берди. Натижада ўзи ҳам муҳаббатни ҳис қилиб, ҳаётдан мамнун яшади.

Ҳаёtingизда муҳим бўлган нарсалар тўғрисида ўйланг. Улар оила, иш, дўстлар, ҳис-туйғу органлари (сезиш, билиш, кўриш, эшитиш) ва компютер. Буларсиз сизнинг ҳаёtingиз қандай кечишини тасаввур қилиб кўринг. Уларнинг номларини қофозга ёзинг, ўзингизни жуда яхши ҳис қилишингизга ҳайрон қоласиз. Ким биландир фикрларингизни бўлишсангиз, ўзингиз яхши бўлиб борасиз. Сиз қанча одамларга берсангиз, ҳаёт сизга шунча беради. Бирон нарса сахийликдек болалар характерини шакллантира олмайди.

## УМР ДАВРЛАРИ

Биринчи қисмда биз таъкидладик:

А) Ҳаёт - ҳамма вақт ўзгариб турувчи башорат қилинган занжирдир.

Б) Биз учун ягона ва мунтазам давом этувчи омил - бу бизнинг ҳис-туйфумиз ва ҳаётқарашимиз.

В) Инсон сифатида ҳаётда ҳамма нарсага нисбатан ўз позициямизга эгамиз. Бу нимани танлашимизни аниқлаб беради. Танлов натижани аниқлайди.

Иккинчи қисмда:

А) Ҳаёт ва бизнес - бу худди йил фасллари каби нарса.

Б) Сиз йил фаслларини ўзгартира олмайсиз. Сиз ўзингизни ўзгартира оласиз.

В) Биз ўқишимиз, ўрганишимиз керак бўлган ҳаёт мактаби - қишини енгиб ўтиш.

Г) Қиши сизга кучлироқ, ақллироқ ва яхшироқ бўлишга имкон беради. Қишини ўзгартира олмайсиз, ўзингизни ўзгартира оласиз.

Учинчи қисмда:

А) Баҳор - бу экин майдонларининг билим, куч билан ишлаш учун экинга тайёр вақти.

Б) Баҳор бизға агар эксан, албатта ҳосилни ўриб олишда ҳар бир ҳаракатимиз әвазига ошиғи билан қайтишига вайда беради.

В) Ҳар биримизга шунақа баҳордан ўз улушимииз беришган. Баҳорингиз шунчаки ўтиб кетишига йўл қўйманг.

Энди асосий бўлган қисмни гапириб ўтамиз. Унда эккан экинимизни бутун ёз давомида ҳимоялаш ва ўстиришни ўрганамиз.

Шуни билингки, сиз уруғни эккан заҳотиёқ, серғайрат қўнғизлар ва заҳарли бегона ўтлар уни босиб, меҳнатингизни йўққа чиқармоқчи бўладилар. Эҳтиёт чорасини кўрмасангиз, улар бунга эришадилар.

Бу дарсимиз иккита сўз воситасида аниқланади: биринчиси - "Ҳамма яхши нарсага ҳужум қилинади".

Мевали дарахтга тош отилади. Бунинг сабабини мендан сўраманг. Нега бунақа бўлишини мен ҳам билмайман. Лекин бу ҳақиқат эканини яхши биламан. Ҳақиқатга тик қаранг.

Иккинчиси - "Барча қадрли нарсалар ҳимоя қилиниши керак". Ижтимоий бойликлар, ишчи ва ҳоказо. Ҳаммаси ҳимоя қилиниши шарт. Боққа ёз бўйи қарааш керак. Бўлмаса, ҳеч қанақа бойликка эга бўлмайсиз.

Агар бобингизни қатъийлик билан парвариш қилсангиз, заарли нарса сизнинг меҳнатингиз мевасини пайҳон қила олмайди.

## УДДАБУРОНЛИК

Уддабуронлик дангасалиқдан кўра яхшироқ.

Олган ишингизни яхшироқ даражада бажариб топшириш - мӯваффақиятга эришиш дегани.

Уддабуронлик эртанги кунимизга умид бағишлиайди.

Катта пул бўлиши ҳали ҳеч нарса эмас. Нега ўзингиз истаган томонга интилтирадиган яхши бир молиявий реплангиз йўқ?

Бахт - келажакка қолдириладиган нарса эмас, бахт - бу ҳозир бугунги кунда шакллантирилиши керак бўлган нарса. Бахт тўсатдан пайдо бўлмайди. У сизнинг истагингиз. Бахтни ҳозир яратা бошлашингиз лозим.

## УМР ДАВРЛАРИ

Тўртинчи қисм:

А) Ёз - бу имтиҳон вақти. Мевали дарахтга тош отадилар.

Б) Барча бойликлар ҳимоя қилиниши керак.

В) Ёз бўйи бофни парвариш қилиш лозим. Агар қилмасангиз, сиз ҳеч қанақа бойликка эга бўлмайсиз.

Азизлар, энди охирги қисм куз, яъни куз ҳосилни йиғиш, баҳордаги меҳнатимиз натижасини кўриш ойидир. Куз - бизга тўртинчи асосий дарсни беради. Биз бу дарсни ҳам ўрганишимиз керак. Агар яхши ишлаган бўлсак, ҳосилни ҳеч қандай шикоятларсиз, шукроналик билан

ўриб олишимиз керак. Акс ҳолда ҳеч нима ололмайсиз. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида бир қонун ҳукм суради: нимани эксанг, шуни ўрасан.

Бу қонунни доим ёдда сақланг. Табиат қонунининг ҳисобкитоби адолатли. Мана шу тарзда ўз ҳосилингиз учун барча жавобгарликни, масъулиятни бўйнингизга олинг. Ҳаёт масъулиятларини ўз бўйнига олиш - инсон тафаккурининг ёрқин намунасиdir. Буларнинг ҳаммаси мени баҳслашишга, курашга бошлайди. Ҳаёт - бу мунтазам цикллар алмашинувидан иборат. Унинг иккита қарама-қарши томони бор: батареядаги ижобий ва салбий зарядлардек. Бу қарама-қаршилик ҳамма жойда мавжуд: эркак ва аёл, кун ва тун, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, сув ва қуруқлик, қиши ва ёз, йиқилиш ва туриш, хурсандчилик ва фам... Ҳа, бизни буюк ўзгаришлар кутяпти. Шуни ҳам биламанки, аввалгидек қиши, баҳор, ёз, кўз ҳар йили келади.

Кўпинча бизнинг муваффақиятимиз қобилиятимизга, баҳорга тайёргарлик, ёзда бегона ўтларни юлиб, ерни парваришлаш, кузда ҳосилни йифиш ва натижани ҳисобкитоб қилишимизга боғлиқ.

Ана шунда биз кейинги қишини кучлироқ, яхшироқ ва ақллироқ бўлиб кутиб оламиз.

## ШАХСИЙ РИВОЖЛАНИШ

Кучли одамларни ўзингизга жалб қилиш учун сиз ўзингиз кучли бўлишингиз керак. Ёқимтой инсонларни жалб қилиш учун ёқимтой, ҳамиятли инсонларни жалб қилиш учун ўзингиз ҳамиятли инсон бўлишингиз лозим. Одамларни ўзgartиришга ҳаракат қилгандан кўра ўз устингизда ишланг. Агар биз ўзимизни яхши томонга ўзgartирсақ, ҳозир бор бўлган нарсамиздан кўпроғига эга бўламиз. Алдоҳ, табиат ато этган инсонийлик руҳиятидан максимал даражада фойдаланишга чақиради. Бу бизни буюк имкониятларга яқинлаштиради. Миллион доллар

мероси бўлиб туриб миллионер бўла олмаган одамларга жуда ачинаман.

Даромадингиз ўсиб кетса-ю ўзингиз ўсмасангиз бу ачинарли ҳол. Ишни олиб бораётган вақтингизда ўзингизга: "Қанча пул ишлайпман?" деб эмас, балки: "Ким бўляпман?" деб савол бериб туринг.

Ўз меҳнатингиз билан келмаган нарсани ушлаб қолиш жуда қийин.

Сиз миллионер бўлгандан сўнг бу пулларнинг ҳаммасини сарфлашингиз мумкин. Негаки, миллион эмас, балки шу иш жараёнида ким бўлиб етишганингиз муҳимдир. Даромад жуда кам ҳолларда инсонни шахс сифатида ривожлантиради.

Сизнинг ким бўлиб етишганингиз тўғридан-тўғри қанча даромад қилишингизни белгилайди. Молиявий эркин бўлиш учун бир қисм фойдани капиталга айлантириш, капитални ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришни фойдага, фойдани инвестицияга, инвестицияни молиявий эркинликка айлантириш керак.

Одатда мен кишилар билан сухбатда бўлганимда қуидаги усулда гаплашаман: менга кимдир "Ҳеч ишим юришмайди. Фақат мен билан кўнгилсиз воқеалар содир бўлади. Ҳали у ишда, ҳали бу ишда. Нега фақат мен билан шунача ишлар содир бўлади?" деса, шунчаки "Ўлай агар, мен буни билмайман. Билганим шуки, бундай кўнгилсизликлар фақат сизга ўхшаганлар билан содир бўлади", деб жавоб бераман.

## ДАРОМАД ОЙЛИК-МАОШДАН АФЗАЛ

Сиз масъулиятни ўзингизга олишингиз шарт. Сиз шароитни, йил фаслларини ёки шамолни ўзгартира олмайсиз. Сиз ўзингизни ўзгартиришингиз мумкин. Бунинг учун сиз масъулиятли бўлишингиз шарт.

Менга 25 ёшимда ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборган бир сўз айтилган эди: "Даромад ойлик ма-

ошдан афзал". Иш ҳақи ҳаёт кечириш учун етади, фойда эса бойитади.

Фақат иш ҳақига яшаш жуда қийинлигини биласиз, лекин фойда оладиган ҳар қандай инсон бой бўлиши мумкин. Сиз ишбилармонми, маркетинг компаниясидами, маиший хизмат доирасидами, қаерда ишлашингиздан қатъий назар, иш ҳақига қўшимча кирим ҳеч вақт халақит бермайди.

Сиз ёзда табиат манзараларини чизишингиз ёки янги йил чироқларини ёқишингиз мумкин. Бу сабоқ олиш, ўрганиш ёки ўргатиш бўлади. Бу сизнинг севимли ишингиз бўлиши мумкин - расм чизиш, ҳунар ўрганиш, иниш ёзиш, ёғочга ишлов бериш, компьютер билан шуғулланиш ёки овқат пишириш. Лекин сиз ўз вақтингизнинг лоақал бир қисмини севган ишингизга бағищлассангиз, сиз эрталаб туриш нақадар завқли эканини, ўз ютуғингизга томон бораётганингизни ҳафтада бир неча соаттина вақт сарфлаганда ҳам сеза бошлайсиз. Фақат ойликмаош билан ўй ижара ҳақини тўлаб юрмайсиз.

Уй ижара ҳақини тўлаш - бу олийжаноблик, лекин сиз бўш вақтингизнинг бир қисмини ажратиб олдинга, бой бўлишга интилишингиз мумкин. Сизни дунёқарашингиз, руҳингиз ўзгаради. Бу сизнинг товушингиздан, юз ифодангиздан кўриниб туради. Ҳозир мен хизматдаман, қисман ўз режам билан ҳам ишлайпман. Мен ҳозир ўз ишларимни яхшилаб олиш учун усул топдим, дейишингиз мумкин.

Ҳа, бу шундай. Сиз нимани назарда тутаётганингизни биламан.

Пулни бекорга сарф қилгандан кўра бирорвга бериб турган яхши.

- Молиявий эркинлик - ўз маблағингизнинг фойдасига яшай билиш қобилиятидир.

- Агар сизнинг нафақангиз тўғрисида компаниянгиз ғамхўрлик қилса, ўз фойдаларингизни бешга бўлинг. Агар ўзингиз ғамхўрлик қилсангиз, нафақангизни бешга кўпайтинг.

## ВАҚТИНГИЗ ЗИҚЛИГИГА ҚАРАМАСДАН

Агар сиз маълум мақсадга эришиш учун ишлаётган бўлсангиз, сизнинг мақсадларингиз сиз учун ишлайди. Сиз қилаётган яхши ишлар ўз навбатида сизни тарбиялайди.

Вақтингиз зиқ бўлишига қарамасдан келгуси икки ҳафта давомида фикрлаб, ўйлаб режа тузиш билан шуғулланишга вқаёт топинг. Ҳаракат қилинг, ўз ишларингизни тўхтатиб туринг. Вақтингизни кимни севсангиз, кимга ғамхўрлик қилсангиз, ўша билан ўтказинг. Ўз оиласнгиз ва болаларингиз билан келгуси йилдаги орзуларингиз, режаларингиз тўғрисида гаплашиб олишга вақт танланг. Бу вақтни ўзингизни яхши ўнглаб олиб, кўп телевизор кўрмай, бўладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар, янги йилда қилинадиган ишлар тўғрисида жиддий руҳланиб ўтказинг. Ўйлайманки, келажақдаги орзулар ва режалар билан биргаликда кейинги 12 ойда оиласнгиз билан қилинадиган ишлар учун туртки бўлади.

Шу вақт бефарқ бўлманг, уни қўлдан кетказманг, чунки бутун ҳаётингиз иши ёнгинангиздан ўтиб кетиши мумкин.

Келинг, бир кўз билан ўтган ғалабали ва мағлубиятли йилларни, ютуқ ва камчиликларни кўрайлик, ўйлаб, фикрлаб янги йилни тоза, оқ қофоздан бошлайлик.

Кўп топишнинг энг яхши усули - олдин топган нарсангдан миннатдор бўлиш (шукур қилиш). Шукроалик янги фикрлар ва имкониятлар эшигини очиб беради.

## 70 ЁШГА КИРГАН, ЎСИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАЁТГАН ЖИМ РОННИНГ ШАХСИЙ РИВОЖЛANIШ ТАРИХИ

Шахсий ривожланиш масалалари бўйича машҳур мутахассис Жим Рон яқинда 70 ёшини қарши олди. Унинг туғилган куни халқаро аҳамиятга эга бўлди. 15 та турли шаҳарлардан унга 21 дона торт топширилди.

Юбилей байрами Мехикода бошланиб, унга 2000 киши ва "Мариачи" гурӯҳи қатнашди. Кейин Рон Гвадалахара-га, у ердан Ҳиндистонга борди ва Бангладореда тўхта-ди. Сўнг Делфифида, Бомбейда бўлди. Портланд (Орегон) кейингиси бўлди. Байрам программасида бу саёҳатда семинар ўтказиш ҳам кўзда тутилган эди. АҚШдан кет-гандан кейин Рон Италияга келди. У ердан Неапол, Це-ритто ва Римга борди. Тосканияда туғилган кунни ни-шонлади. Рон ўшанда эсда қолған воқеани сўзлаб берди: "Мен Тосканияда ажойиб виллада бўлдим. Байрам эрта-лаб соат 05:30 гача давом этди. Италияликлар байрамни қандай ўтказишни биладилар. Улар олдин ашула айтиб бошлайдилар, кейин кимдир гитара ва аккордион олиб келади. Улар ҳамма опералардаги ашулаларни куйлай бошлайдилар ва қайси қўшиқ тўғри келса, айтадилар..."

Италиядан кейин у Осло, Норвегия, Бонн, Германияга борди.

"У ерда мен 3 кун бўлдим, ажойиб байрам! Бизлар қарийб 3000 киши эдик. Одамлар бутун Европадан се-менар ва байрамга келган эдилар".

Цюрих, Швейцария, Кипр, Тел-Авив билан бу тур тугади.

"Байрам бўлиб ўтган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам ажойиб эди, - деди Рон. - Менга 21 дона торт топширилди. Уларнинг ҳар бирига қўйилган шамларни ҳисобга олинг. Уларни ўчиришга менга ҳаво етишмас эди. Мен ўйлайманки, бу энг узун туғилган кун эди. Мен уни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман".

70 ёшдан 39 йилини Жим Рон ҳаётдаги ютуқлари ва фал-сафасини тарқатиш билан ўтказди. У 5000 дан ортиқ ауди-тория ва 3 млн.дан ортиқ кишилар олдида нутқ сўзлади.

Кўп йиллар давомида Жим Рон оратор ва устозларнинг бутун бир авлодининг шахсий ривожланиш илҳом-чиси бўлиб келди. Оратор Энтони Роббинс Ронни ўзи-нинг биринчи устози деб биларди. Рон тўғрисида таас-суротларни буюк инсонлар Харвей Маккей, Лес Браун,

Марк Виктор Хансен ва Брайан Трэйси ning "Кимнинг кимлиги" китобида топасиз.

Айдаҳо штатида; кичкинагина фермерлар шаҳарчасида улгайған, оилада ягона фарзанд бўлган Жим Рон ҳаммаси ни нолдан бошлаган. 25 ёшида у ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган Эрл Шоаффни учратди. Унинг шахсий ва молиявий ютуқларга эришишида бу одамнинг роли катта. Шахсий ривожланиш конёпёяси билан уни Шоафф таништирган, деб ҳисобланади. Албатта, ота-онасининг маълумоти, оқилиги ва руҳий мероси унга катта таъсир қилиди. Шахсий масъулият ва ўз-ўзини тарбиялаш оқибатида у ўз шахсини яратди. У аудиторияга нафақат унга берилган вазифа устида ишлаш, ўз устида ишлашни ҳам ўргатарди.

"Сиз ютуқларнинг орқасидан қувишингиз керак эмас, сиз ўзингизни шундай тутишингиз керакки, ютуқлар сизнинг орқангиздан юрсин", дейди у. Яна: "Сизнинг келажа-гингизга асосий калит - сизнинг ўзингиз", Дея уқтиради.

Баъзи ҳамкаслари Рон мотиваёя билан шуғулланади, бу унинг қизиқишига айланган, деб ҳисоблайдилар. Лекин у бу фикрга кескин қарши чиқади: "Менинг сахий дўстим Зиг Зиглар билан охирги йиллар фақат бир масала устида баҳслашар эдик. Зиг айтишича, одамларни аввал қизиқтириш керак. Мен аввал ўқитиш кераклигини айтаман. Агар аҳмоқни қизиқтирангиз, сиз қизиқсан аҳмоқча эга бўласиз. Ўқитинг, ўргатинг, кейин қизиқтиринг". Рон Зигни нафақат ажойиб оратор, ўз-ўзини тарбиялаш масалалари бўйича мутахассис, балки ҳақиқий дўст сифатида баҳолайди.

Ўзининг 70 ёшида ҳам Жим Роннинг қатъий кун тартиби бор. У лекёйялар ўқиш ва саёҳат қилишни давом эттиряпти. Бунга қўшимча у ҳафталик интернетга чиқишига тайёрланяпти. Рон интернетдан минглаб одамлар унинг шахсий ривожланиш тўғрисидаги илмларини билишлари учун фойдаланади.

Унинг ўқувчилари сони 100 мамлакатда 38 мингдан ортиқ кишини ташкил қиласиди. "Ҳозир мен 70 ёшга кир-

ганды ҳар қачонгидан ҳам күпроқ вақт қийматини тушуняпман. Мен энди 10, 20, 30 та ёзги таътилни ва байрамларни ўз оиласа билан ўтказишни хоҳлардим".

Жим келажакда саёҳатлари сонини камайтирмоқчи бўлса ҳам, ҳали у бунга тайёр эмас. "Мен ўзимни 40 яшардек ҳис қиласман, соғлигим жойида, бутун дунё бўйлаб саёҳат қилишда ва кўп пул ишлашда бу жуда керак".

Агар у 80 ёшга кирганда "Ишларингиз ҳажмини камайтирдингизми?" деб сўралса, "Мен бандман", деган жавобни олишимиз аниқ.


\* \* \*

Турли касалликларни (ҳатто қандли диабет, рак кабиларни ҳам) илдизи билан йўқотувчи, ҳаётда йўлини йўқотган одамга йўл кўрсатувчи, қарздор одамларга ёрдам берувчи, ёшлиқ, хушкайфият ва соғлик улашувчи, шунча нарса топган киши бошқаларга ҳам бу борада маълумот берса, унга пул тўлагувчи, ҳар қандай муаммони ҳал этишда имконият яратувчи жой билан алоқа қилишни истайсизми?!

Марҳамат, +99897 7857581 ва +99897 7463624 рақамларига қўнғироқ қилинг. Каттами-кичикми, эркакми-аёлми, бойми-камбағалми, ишлими-иҳсизми, мансабдорми-оддийми - ким бўлмасин, bemalol мурожаат этинг! Биз ҳар бирингизга ёрдам берамиз...


## МУНДАРИЖА

Ҳаётимни бутунлай ўзгаририб юборган кун .....	4
Ҳозир ҳаракат вақти .....	7
Интизом .....	9
Яхши натижа учун биринчи қадам .....	11
Қатъийлик .....	12
Ўзгаришиш танлашдан бошланади .....	14
Қарор .....	16
Ташаббус .....	19
Қадр-қиммат .....	21
Яхши кузатувчи бўлинг .....	22
Фахрланиш .....	23
Шахснинг ўсиши .....	25
Вақтни бошқаринг .....	27
Асос .....	29
Ҳақиқат .....	32
Ўзини алдашга қарши ҳаракат .....	34
Меҳнат .....	36
Ҳис-ҳаяжон .....	40
Китоб ўқинг .....	41
Кутубхона .....	43
Чумоли фалсафаси .....	44
Шахсий фалсафа .....	45
Имкониятларни севинг .....	45
Хоҳиш\руҳланиш .....	47
Ўз натижаларингизни кузатинг .....	48
Яхши ҳаёт нима? .....	51
Ҳаёт тарзи .....	53
Мақсад қўйиш .....	54
Кундалик .....	57
Йигирма биринчи юз йиллик талаби .....	57
Кўникумалар .....	59
Мундарижа .....	131



Бу китоб ҳар қандай компания, фирма ва ташкилотларнинг бизнесмен ва раҳбарлари учун мўлжалланган. Мазкур қўлланма бизнесмен учун қизиқарли, шунингдек, эндиғина тадбиркорликни режалаштираётган инсонларга ҳам керакли ҳисобланади.

Америкалик машҳур бизнес-файласуф, чет эл бестселлери Жим Рон маслаҳатлари кичик, якка тартибдаги ишлаб чиқаришдан тортиб, то улкан масштабдаги транснационал корпорация раҳбарларигача жуда зарурдир. Бу кўрсатмалар умумий бўлгани учун ундан нафақат тадбиркорлар, балки оддий кишилар ҳам ўзларига керакли ҳаётий сабоқни олишлари кўзда тутилган.



ISBN 978-9943-987-01-2



9 789943 987012